РОИМ да беморларни нурлантиришдан фойдаланишда хоналардаги нурланиш дозаси, M±m

№ точки	Ўлчаш жойи	Ўлчовлар сони	Нурланиш доза қуввати, мкЗв/час
1	Пульт бошқариш хонаси девори олдида	10	1,62±0,04
2	Қарши девор олдида	15	0,5±0,05
3	Пульт бошқариув хонаси девори тирқишида	15	1,84±0,05
4	Коридор	10	1,41±0,02
5	Палаталар эшиги олдида	10	1,0±0,02
	ДСМД$_{А}$ СанПиН №0029-94 бўйича		12

Процедура хонасидан ташқаридаги нурланиш дозасининг қувватини ўлчаш натижаларининг кўрсатишича, бевосита девор олдида бу қиймат 9,65 мкЗв/саот, 2 м масофада– 4,7, 3 м – 1, 08, 6 м – 0,36 мкЗв/соатни ташкил қилди.

Хулоса. Ходимларнинг доимий бўладиган хоналарида бу хоналар учун рухсат этиладиган ўртача йиллик доза қувватидан ортиқ кўрсаткичлар аниқланмади (ДСМД$_{А}$ – 12 мкЗв/соат).

Касалхона худудида ДСМД$_{Б}$ санитария-ҳимоя зонаси 1 мкЗв/соатни ташкил этади, демак, процедура хонасининг ташқи деворлари 3 м масофада талаб этиладиган ҳимояни таъминлай олмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Газиева СО. Оценка эффективных доз облучения пациентов / СО. Газиева // Актуальные проблемы экологии и гигиены в Узбекистане: матер, науч.-практ. конф. -Ташкент, 2008.-С. 133-135 006. - №6. - С. 65-73. – Библи огр.: 10 назв.
2. Гигиенические требования по обеспечению радиационной безопасности при проведении радионуклидной диагностики с помощью радиофармпрепаратов: Метод. Указания МУ 2.6.1.1982-04 (Окончание. Начало в №10) // Главная медицинская сестра. - М., 2005. - №11. - С. 107-117
3. Семенов Ю.В. Система клинической дозиметрии и радиационных измерений для лучевой терапии / Ю.В. Семенов, В.А. Костылев, А.В. Хмелев, С.А. Белов // Мед. радиология и радиационная безопасность. - М.

ХИРУРГИК СЕПСИСДА ЎПКАНИНГ НОРЕСПИРАТОР ФАОЛИЯТИНИ ТАВСИФИ

Азизов Ёрқин Хусанович
Тошкент тиббиёт академияси клиникасининг лаборатория бўлими мудири, Ўзбекистон, Тошкент

Чориева Шахноза Эгамбердиевна
Зангиота коллежи 1 - касбий фанлар кафедраси Юқумли касалликлар фани, Ўзбекистон, Тошкент

Мақолада патологик жараённи ривожланиш динамикасида ўпканинг тўсиқ-фильтрацион, метаболик ва сурфактант ҳосил қилувчи функциялари ҳолати алоҳида акс эттирилган.

Ўпкалар патологик жараённинг 7- ва 14-кунларида АҚ таркибида LTF миқдорини оширди. 75% ҳолатда мазкур кўрсаткичларнинг ошиши назорат ва тадқиқотнинг аввалги муддати кўрсаткичларидан ишончли фарқ қилди ($p<0,05$). ХСТМ ривожланишининг эрта муддатларида РСТ бўйича ВАФ «манфий» қийматдан «мусбат»га ўзгарди, яъни патологик жараённи 1-3-кунларида мазкур субстратни ўпкада утилизация қилиниши камайди ($p<0,05$). Маълумки, ХСТМни ривожланишида ҳам АВҚ, ҳам АҚда яллиғланишолди цитокинлари (IL-1b, IL-6 и TNF-α) миқдори ошади. Уларнинг кўпайиши томирларнинг кенгайиши, деворининг ўтказувчанлигини ошиши ва ўпка тўқимасида суюқликнинг йиғилиши кўринишидаги морфологик ўзгаришлар билан боғлиқ натижага олиб келади. Қондаги шаклли элементларнинг агрегациясини қўзғатувчи мазкур жараёнга кейинчалик микротромбларни ҳосил қилиш билан фибринлар агрегацияси қўшилади. Ушбу ўзгаришлар капиллярларда қон оқишининг бузилишига ўз ҳиссасини қўшади, капиллярларнинг ўтказувчанлигини оширади, альвеолалараро интерстицийда маҳаллий шишни индуцирлайди. Бунда капилляр қон оқимининг секинлашуви NОни фаоллаштиради, у эса ўз навбатида дастлаб капиллярлар ва венулалар, кейинги муддатларда эса артериолалар дилатациясини чақиради.

Лейкоцитларнинг яллиғланиш ўчоғига кейинги миграцияси махсус предиктор – LTF томонидан назорат қилинади. LTFнинг асосий вазифаси яллиғланиш ўчоғида нейтрофилларни тўплаш ва уларнинг функционал фаоллигини индуцирлашдан иборат [1.с,13-14; 2,с.96-99].

ХСТМни шаклланишида цитокинларни ажралиши маҳаллий ишлаб чиқаришдан тизимли қон оқимига «кам ажралиш» гача бўлган чегара доирасидан четга чиқди. Бундай ҳужумга дуч келган биринчи «нишон» аъзо – ўпкада томирлар эндотелийсининг жароҳатланиши юзага келди, бу ўпка тўқимасининг морфологик текширувлари билан исботланган. Бу вақтда альвеоляр макрофаглар фаоллашади ва фазали ўзаро таъсирларга жалб этилади. Натижада, бир томондан улар сафарбар этилади ва ўпканинг «тўсиқ-фильтрацион» функцияси имкониятлари ошади, иккинчи томондан эса ҳужайраларнинг ўзини ва атрофдаги тўқималарнинг жароҳатланиши кучаяди. Яллиғланиш ўчоғида кислороднинг қисман тикланиш маҳсулотлари тўпланиб, улар NОнинг вазоактив таъсирини пасайтиради. NO ва қисман тикланган кислород эндотелиал тизим ҳужайралари, биринчи навбатда ўпка ҳужайраларини жароҳатловчи ONOO- ни ҳосил қилиш билан ўзаро тез таъсирлашади. Мазкур реакция томирлар девори, шунингдек альвеолоцитлар юзасидан NO чиқариб юборилишини таъминлайди. Ўз навбатида, ONOO–кучли таъсирга эга оксидант бўлиб, у ўпканинг альвеоляр эпителийси ва сурфактант тизимини жароҳатлаш хусусиятига эга. У мембрана оқсиллари ва липидларини бузилишини чақиради, эндотлеийни жароҳатлайди, тромбо-цитларнинг агрегациясини оширади, эндотоксемия жараёнларида қатнашади.

Маълумки, iNOSни фаоллашуви натижасида ишлаб чиқарилган NO организмни кенг спектрга эга патоген агентлардан носпецифик ҳимоялаш учун мўлжалланган, тромбоцитлар агрегациясини тормозлайди ва маҳаллий қон айланишини яхшилайди. Бироқ, бу ўзгаришлар содир бўлмайди. Мазкур йўналишда ONOO- асосий ўрин ўйнайди, у ўзининг патогенлиги ҳисобига эндотелиал дисфукнция билан боғлиқ жараённи оғирлаштиради. Мазкур ўзгаришларда яллиғланишолди цитокинлари томонидан рағбатлантирилувчи iNOSнинг юқори фаоллиги асосий роль ўйнайди. Бошқача қилиб айтганда, яллиғланишолди цитокинлари АВҚга қанча кўп ажралса, ўпкадаги ўзгаришлар шунча кучлироқ ва интенсив кечади.

Тадқиқотлар асосида эндотелий дисфункцияси ётган ўпканинг тўсиқ-фильтрацион фаолиятини ўзгаришида TNF-α цитокинининг таъсири муҳим аҳамиятга эга. Ўпка томирларининг ўтказувчанлигини тез ва кучли ошиши нейтрофилларнинг ўпка тўқимасига миграцияси ва улар томонидан цитотоксик медиаторларнинг ажралишини таъминлайди. Бу эса ўпка тўсиқ-фильтрацион фаолиятининг бузилишини кучайиши ва патологик альтерациясини ривожланишида етакчи ҳисобланади. Хирургик сепсиснинг ривожланиши (ХСР) ва ўпканинг тўсиқ-фильтрацион фаолияти фаоллигининг йўқолиши жараёнида TNF-α томирлар деворига нейтрофилларнинг адгезиясини кучайтиради ва тўқималар миграциясини оширади, эндотелиоцитларнинг структур ва метаболик ўзгаришларини таъминлаб, ҳужайра мембраналарининг ўтказувчанлигини бузади, бошқа цитокинларнинг ҳосил бўлишини фаоллаштириб, ўпканинг эпителий ҳужайралари некрозини

чақиради. Мазкур маълумотлар ўпка томирлари эндотелийси томонидан АҚда аниқланадиган яллиғланиш олди цитокинларини ишлаб чиқарилиши, йирингли-септик жараённинг тарқалиши ва уни назорат қилиш ХСни эрта ташхислаш ва башорат қилиш учун клиник амалиётда қўлланилиши мумкин.

Биз аниқлаган ўпка тўқималарида кўп миқдорда NОни тўпланиши жароҳатловчи таъсирга ҳам эга. NO ҳосил бўлишининг мазкур доираси иммун жавобнинг охирги босқичларида организмни ҳимоялашни кўзда тутувчи нитрооксидергик тизимнинг компенсатор реакцияси билан боғлиқ. ХСТМни ривожланиш динамикасини таҳлил қилиб, қоннинг турли намуналарида оқсил фракциялари миқдорининг бир хил ўзгармаслигини қайд этиб ўтиш лозим. Хусусан, АВҚ назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан альбуминлар миқдорининг тажрибани 1-3 кунларида 1,2 марта ва 7-14 кунларида 1,3-1,5 марта прогрессирланувчи камайиши билан тавсифланди. Мос равишда АВҚда альбуминлар миқдорининг энг паст даражаси ХСТМ ривожланишини 14-кунларига тўғри келди ва 38,1±1,13%ни ташкил этди. Альбуминларга қарши глобулинларнинг йиғинди миқдори патологик жараён ривожланишининг 1-3 кунларида 1,2, 14-кунда–1,5 марта ошди. ХСТМ ривожланиши динамикасида АҚ ва АВҚдаги ўхшаш ўзгаришлар, АҚдаги альбуминлар миқдори назорат гуруҳидаги худди шу ўзгаришлар билан тавсифланади , яъни кузатувда АҚдаги альбуминлар миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1-3 кунларда – 1,2 марта, 7-кунда–1,5 ва 14-кунда-1,6 марта камайди.

Шундай қилиб, АВҚда глобулинлар фракциясини ўрганиш ХСТМни ривожланиши диспротеинемиянинг шаклланишида бир хил тавсифга эга эмаслигини кўрсатди. γ-глобулинларнинг нисбий турғунлиги ва β-глобулинларнинг бир хил бўлмаган динамикасида α_1 - ва α_2 - глобулинларда фаол ўзгаришлар қайд этилди.

Адабиётлар .

1. Бозарипов С.Ж., Саттаров О.Т., Азизов Ё.Х. Метаболическая активность легких прихирургическом сепсисе // Тезисы научно-практической конференции «Дни молодых ученых» посвященной 20-й годовщине независимости Республики Узбекистан. - Ташкент, 2011, - С. 13-14.
2. Охунов А.О., Азизов Е.Х. Бабаярова Ш.У. Саттаров И.С., Хасанова Н.К. Хирургик сепсис ривожланишида цитокинларнинг ўпкани респиратор бўлмаган фаолиятига таъсири // Ўзбекистон тиббиёти журнали. – Тошкент, 2010. - №3. – 96-99 б (14.00.00; 8)

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИ ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ БИРИКМАЛАРНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

Ахмадалиева Нигора Одиловна
Тошкент тиббиёт академияси доценти т.ф.н.,
Ўзбекистон Тошкент ш.

Ўроқова Нигора Нуриллаевна
Тошкент тиббиёт академияси,1-курс магистри.
Ўзбекистон, Тошкент ш.

Балтабаев Аллаяр Бердиярович
Тошкент тиббиёт академияси,1-курс магистри.
Ўзбекистон, Тошкент ш.

Атмосферанинг юқори чегараси тахминан 2000 км баландликдан ўтади. Атмосфера бир неча қатламлардан иборат бўлиб, унинг асосий массаси 10-16 км баландликкача бўлган қуйи тропосфера қисмида жойлашган. Об-ҳаво ва иқлим кўп жиҳатдан атмосферадаги жараёнлар билан боғлиқ [4, б. 23]. Бегона қўшимчалари бўлмаган атмосфера ҳавоси қуйидаги таркибий қисмлардан иборат: азот-78.1%, кислород 20.9%, аргон ва бошқа инерт газлар 0.95%, карбонат ангидрид 0.03%. Бошқа газларнинг миқдори нисбатан кам. Бундан ташқари ҳавода доим сув буғлари, чанг зарралари бўлади. Атмосферадаги ҳар бир газ ўзига хос физик ва кимёвий хусусиятларга эгадир [4, б. 24].

Атмосфера ҳавосидаги ифлослантирувчи моддаларнинг инсон организмига зарарли таъсир (бевосита ёки билвосита) кўрсатмайдиган миқдори рухсат этилган концентрация (РЕК) деб юритилади [2, б. 4]. Бунда зарарли бирикма-ларнинг инсон соғлиғига, кайфиятига ва меҳнат фаолиятига путур етказмаслиги назарда тутилади. Ҳаво ифлосланишининг РЕК дан мунтазам равишда юқори бўлиши аҳоли касалланиш даражасининг кескин ортишига олиб келади. Аҳоли яшаш жойларида ҳавонинг ифлосланганлик даражаси ва таъсири РЕК кўрсаткичлари бўйича белгиланади. Турли моддаларнинг таъсир даражасига қараб хилма-хил РЕК кўрсаткичлари белгиланган [2, б. 5]. Масалан, қуйидаги РЕК кўрсаткичларини ажратиш мумкин: ис гази-0,01 мг/м^3; олтингугурт гази-0,05 мг/м^3; хлор-0,03 мг/м^3; фенол-0,01 мг/м^3; формальдегид-0,003 мг/м^3; курум-0,05 мг/м^3; ва ҳ.к. РЕК кўрсаткичлари турли мамлакатларда турлича меъёрланади. Ҳозирги кунгача атмосфера ҳавосидаги 600 та кимёвий модданинг РЕКлари ишлаб чиқилган, шунингдек 38 та моддаларнинг бирлашиб таъсир қилиши ўрганилган бўлиб улар учун меъёрлар белгиланган.

Ўзбекистонда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш 1996 йил 27 декабр, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги [1, б. 4], 2015 йил 26 августдаги “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги [2, б. 4] қонунлар, “Санитарные нормы и правила по охране атмосферного воздуха населенных мест Республики Узбекистан” №0350-17 СанҚваМ талабларига асосан олиб борилади [3, б. 4].

Атмосфера ҳавоси таркибидаги зарарли омилларнинг инсон организмига салбий таъсирини сезиларли камайишида санитария ҳимоя минтақалари (СҲМ) катта аҳамиятга эга. СанҚваМ №0350-17 да СҲМ ўрнатилиш масофалари, СҲМ ўрнатилган ҳудудларда қандай иморатлар қуриш мумкинлиги ёки таъқиқланиши алоҳида кўрсатилган [3, б. 4].

Биз Тошкент шаҳри Яккасарой тумани атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи манбалар ва улардан ажралаётган бирикмаларнинг миқдорини аниқлаш мақсадида илмий изланиш олиб бордик. Натижада қуйидагилар аниқланди. Ўрганилган туманда белгиланган режа асосида (2016-2017 йиллар давомида) атмосфера ҳавосидаги чанг ва бошқа кимёвий бирикмаларни аниқлаш мақсадида текширилиб, назорат олиб борилади.

1-жадвал.

2016 йил Атмосфера ҳавосининг назорати

№	Аниқланувчи ингридиентлар	Синамалар сони	РЭК дан ошганлари
1	Чанг	480	227
2	Кулранг газ	40	-
3	Водород сульфид	18	-
4	Ис гази	42	-
5	Азот II оксиди	198	-
6	Аммиак	18	-
7	Формальдегид	40	-
8	Хлор ва унинг бирикмалари	40	-
9	Оғир метал тузлари (марганец)	100	-
10	Ацетон	200	-
11	Бензин	2	-

Атмосфера ҳавоси назоратини олиб бориш мақсадида 2016 йил жами 1178 та намуна текширилган бўлиб 227 та намунанинг РЭКдан юқорилиги аниқланган. Чангга олинган намуналарнинг 47,3%и РЭКдан юқорилиги аниқланди.

2-жадвал.

2017 йил Атмосфера ҳавосининг назорати

№	Аниқланувчи ингридиентлар	Синамалар сони	РЭК дан ошганлари
1	Чанг	540	267
2	Кулранг газ	50	-
3	Водород сульфид	20	-
4	Ис гази	40	-
5	Азот II оксиди	200	4
6	Аммиак	20	-
7	Формальдегид	50	-
8	Хлор ва унинг бирикмалари	50	-
9	Оғир метал тузлари (марганец)	120	-
10	Ацетон	180	2
11	Бензин	3	-

Атмосфера ҳавоси назоратини олиб бориш мақсадида 2017 йил жами 1273 та намуна текширилган бўлиб 273 та намунанинг РЭКдан юқорилиги аниқланган. Буларнинг 97.8% чанг ҳисобига тўғри келган. 49,4 % чанг намуналари белгиланган РЭКдан юқори.

3-жадвал.

2018 йил Атмосфера ҳавосининг назорати

№	Аниқланувчи ингридиентлар	Синамалар сони (абсолют)	РЭК дан ошганлари
1	Чанг	520	261
2	Кулранг газ	52	-
3	Водород сульфид	26	-
4	Ис гази	52	-
5	Азот II оксиди	200	-
6	Аммиак	20	-
7	Формальдегид	60	-
8	Хлор ва унинг бирикмалари	60	-
9	Оғир метал тузлари (марганец)	110	-
10	Ацетон	200	-
11	Бензин	4	-

Атмосфера ҳавоси назоратини олиб бориш мақсадида 2018 йил жами 1304 та намуна текширилган бўлиб 261 та намунанинг РЭКдан юқорилиги аниқланган. Бу кўрсаткич 100% чанг ҳисобига тўғри келган. 50,2 % чанг намуналари белгиланган РЭКдан юқори.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатдики туман атмосфера ҳавоси асосан чанг ҳисобига ифлосланмоқда.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики атмосфера ҳавоси инсон ҳаёти, қолаверса табиат мувозанатида катта аҳамият касб этади. Шу боис атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш чора-тадбирларидан устувори - бу экологик таълим-тарбия ишларини олиб боришдир. Чунки атмосфера ҳавосининг ифлосланиши натижасида содир бўладиган ўзгаришларни тўлиқ англай олган инсонгина тўғри ва атрофлича хулоса чиқара олади.

Ҳаво ифлосланишини олдини олиш ва камайтиришнинг турли йўллари мавжуд. Жумладан, корхоналарга тозалаш қурилмаларини ўрнатиш, атмосферага зарарли моддаларни меъёрдан кўп чиқарадиган ишлаб чиқариш корхоналарини шаҳар чеккасида қурилишини режалаштириш, айниқса чиқиндисиз технологияга ўтиш, шунингдек транспорт ҳаракатини тартибга солиш, метро, электр транспортини ривожлантириш, ёқилғи сифатини яхшилаш, экологик тоза транспорт воситаларини яратиш, энг асосийси аҳолининг экомаданиятини ошириш ҳавонинг ифлосланишини камайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Шу билан бир қаторда саноат корхоналари, шаҳар, дам олиш зоналари атрофларини кўкаламзорлаштириб атмосфера ҳавосидаги мувозанатга эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 1996 йил 27 декабр, “Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонун.
2. 2015 йил 26 августдаги “Аҳолининг манитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги қонун.
3. “Санитарные нормы и правила по охране атмосферного воздуха населенных мест Республики Узбекистан” СанПиН №0350-17.
4. Х.Салимов, Ю.Рахматов. “Урбоэкология: муаммо ва ечимлар” Экологический вестник Узбекистана №3 (191) 2017.

ОИЛА САЛОМАТЛИГИ ВА УНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Ахунжанова Зиёда Хаджамуратовна
Зангиота тиббиёт коллежи Ҳамширалик иши кафедраси Жамоада ҳамширалик парвариши фаниўқитувчиси, Ўзбекистон, Тошкент

Умарова Зулфия Султонмуратовна
Тошкент тиббиёт коллежи ҳамширалик иши кафедраси етакчи ўқитувчиси, Ўзбекистон, Тошкент

Оила – жамият пойдевори, негизи бўлиб, кўп асрлик мустаҳкам маънавий таянчларга эгадир. Оила ҳақида фикр юритилар экан, энг аввало буюк юнон олими Аристотелнинг “Оила – бу кичик давлат, иқтисодиёт эса уй хўжалиги (оила)ни юритиш санъати демакдир” деган таърифи ёдга олинади. Бизнинг мустақил юртимизда ҳам оилага бўлган эътибор азалий қадриятлар, миллий урф-одатлар билан чамбарчас боғланган ҳолда кўзга ташланади. Оила, жамият ва давлат тушунчалари доимо уйғунликда, муштарак ҳолда тилга олинади. Илк мустақиллик йилларидаёқ қабул қилинган Конституциямизда алоҳида оилага бағишланган бобнинг киритилиши, 1998 йилнинг Президентимиз ташаббуси билан “Оила йили” деб, 2012 йилнинг эса “Мустаҳкам оила йили” деб аталишининг ўзи оилага бўлган эътибор давлат сиёсати даражасида эканлигини англатади.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш, унинг ҳуқуқий асосларини яратиш энг муҳим вазифалар сифатида белгиланди. Ўзига хос миллий давлатчилик тарихимиз, халқимизнинг азалий қадрият ва анъаналари эътиборга олиниб, Конституциямизга “Оила” боби киритилди. Бош Қомусимизнинг мазкур бобида оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгалиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, унда никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши, ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялаш, ўз навбатида вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурликлари, фарзандлар, ота-оналарининг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши ўз ифодасини топган. Ҳозирги пайтда мутахассислар 20 ёшдан сўнг никоҳга киришни тавсия этадилар, чунки 20 ёшдан сўнг йигит-қизлар оила қуришга ҳар томонлама тайёр бўладилар, эр-хотин мажбуриятларини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар мазмунини ўзлаштириб оладилар. Шу тушунчалар шакллангандан сўнггина оила мустаҳкам ва барқарор бўлади [1,с.34].

Бугунги кунда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва “Оила” илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ФҲДЁ бўлимлари, Никоҳ уйлари қошида ташкил этилган “Оила дорилфунуни”, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ва олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган “Ёш оила қурувчилар мактаби”нинг фаолияти муҳим ўрин тутмоқда [1,с.34].

Кузатишлар ва амалиёт шуни тасдиқламоқдаки, никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан онгли равишда ўтиш, саломатликни асрашнинг айнан ўзимизга, оиламизга боғлиқ жиҳатларини билиш, болалар спорти, оилавий, оммавий спортни ривожлантириш, оилада соғлом яшаш тарзи кўникмаларини шакллантириш миллатни жисплаштирувчи, наслни покловчи, давлатни кучли қилувчи омил сифатида баҳоланмоқда.

Республикамизда “Соғлом она – соғлом фарзанд” тамойилига мувофиқ оила саломатлигини, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш; жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини кучайтириш ва шу мақсадда оила институтининг таълим ҳамда тарбия муассасалари билан ўзаро амалий ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг яқин ва самарали ҳамкорлигини таъминлаш устивор йўналишлардан биридир.

Бугунги кунда скрининг текширувлари натижалари шуни кўрсатмоқдаки, болалардаги турли хил аномалиялар, айникса, асаб тизими ва генетик нуқсонлар айнан қариндошлар ўртасидаги никоҳ, эрта турмуш асоратлари туфайли юзага келаётир. Бунинг олдини олиш учун, аввало, ота-оналар етарли тиббий билим ва тушунчага эга бўлиши лозим. Мамлакатимизда мустаҳкам оилани камол топтириш максадида булғуси келин-куёвларни тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтказиш мажбурий қилиб қўйилгани ҳам катта аҳамиятга эга. Шу боис бугунги кунда замонавий тиббиёт яқин қариндошлар никоҳидан, эрта оилавий ҳаётни бошлаганлардан тутилган болаларнинг насл касалликларига чалиниш хавфи ҳақида бонг ураяпти.

Оилада ота-онанинг фарзандлар билан қанча кўп вақт бирга бўлиши, ўзаро мулоқотлар, ўргатилган билим ва касб-корлар меҳр туйғусининг шунча мустаҳкамланишига олиб келади. Маълумки, ҳаётга эндигина кириб келаётган ўсмирда атроф-муҳит, одамларда юз бераётган ўзгаришлар борасида ҳар кунда ўнлаб саволлар, жумбоқли ҳолатлар юзага келади. Ўсмир бундай саволларни вақт дефицити сабабли ота-онага бера олмаганлиги ва малакали жавобга эга бўлмаганлигидан жумбоқларнинг ечимини тасодифий шахслардан, аксарият ҳолларда ўз тенгдошла-ридан излашга мажбур бўладилар. Натижада, кичик ёшдаги

болалар, ўсмирлар ҳар томонлама тўғри, жамият ва шахс учун ижтимоий фойдали бўлган малакали жавобларга эга бўлмайдилар. Бунинг оқибатида эса, ёшлар тарбияси муайян издан чиқиб, умумий ахлоқ, миллий анъаналар руҳига зид бўлган ҳолатлар юзага келади.

Оила саломатлигини ота оналар, фарзандлар саломатлиги белгилаб беради. Оилалар турмуш тарзи оила саломатлигида муҳим рол ўйнайди, чунки оиланинг турмуш тарзи асоида болалар турмуш тарзи шаклланади. Турмуш тарзи саломатликка таъсир этувчи энг катта омил хисобланиб, соғлом турмуш тарзига эга оилаларда касаланиш ҳолатлари кам учрайди [2,с.334;3,с.575].

Репродуктив функция - бу оиланинг нафақат авлодлар, ворисларни яратишга алокадор вазифаси, балки, шу оркали ота ва она булишдек бахтга муяссар бўлиш, давлатнинг эса туб аҳоли сонини муайян миқдорда ушлаб туришига хам хизмат килади. Оила социологияси ва демографиясида оиладаги фарзандлар сонига кўра гуруҳларга бўлинади. Масалан, ижтимоий-психологик нуктаи назардан “кам сонли оила” - бу 1-2 нафар бола бор оиладир. Бу рақам умуман демографик жиҳатдан баҳоланса, аҳолинингўсиши ва табиий йуқотишларнинг ўрнини коплаш учун камдир. Социолог А.Антоновнинг фикрича (2005), жамиятда аҳоли балансный сақлаш учун ўртача фарзандлар сони 2,5 нафардан кам бўлмаслиги лозим. Ёки жами оилаларнинг тўртдан бири иккита, учдан бири учта, 14 % - бефарзанд ёки ёлгиз, 7 %и кўп болали, яъни бепггагача боласи бор оилалардан иборат булса, авлодлар ворислиги таъминланади. Лекин Россия мисолида бу масалага эътибор бериладиган бўлса, ахолининг репродуктив ўсишида жиддий пастлашиш кузатилмокда. У ерда жами оилалар нисбатида кам болалилар, яъни, 1та ёки 2та болага эга бўлган оилалар сони кескин ошиб, бугун уларнинг улуши 95%ни ташкил этмоқда. Ҳалқаро ЮНИСЕФ ташкилотининг 2004 йили эълон қилган мониторинги натижаларига кўра, Европа мамлакатларида хам Марказий Осиё давлатларида хам туғилишнинг камайиши ҳолатлари кузатилмоқда [1,с.34;4,с.32].

Республикамизда оила турмуш тарзини ўрганиш, оилада соғлом турмуш тарзини яратиш борасида муҳим ишлар амалга оширилмоқда. Бу вазифа ва муаммолар оиланинг соғлом бўлиши, маънавий ва модий фаровонлигини ошириши, фарзандлар тарбиясининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Сабаби, фаол яратувчанликка асосланган турмуш тарзи жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий фаоллик, олий даражадаги фуқаролик сифати, ақлий, маънавий ва жисмонан соғлом, меҳнатда, ўзаро муносабатда, мулоқотда юксак маданиятлилик, албий ҳодисаларга муросасизлик билан қараш, уларга қарши курашиш, табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлиш, атрофдагиларга меҳр-оқибатда бўлиш каби сифатларни ўзида мужассамлаштирган бўлади.

Адабиётлар:

1. Абдурахманов Қ.Х. “Соғлом никоҳ – соғлом авлод пойдевори” – Т.: 2008; 34 б
2. Маматқулов Б.Медико –социальные аспекты формирования, охраны и улучшения здоровья детей первых 7 лет жизни// Дис. … Д-ра мед. наук. – Ташкент, 1997. – 334с.
3. Маматқулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Илм Зиё, Тошкент-2013, 575 стр.
4. Маматқулов Б., Нодиров Т. Оналик ва болаликда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантириш.// Услубий қўлланма -2009 , 32 б.

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ, УНИНГ ТАЛАБАЛАР КЎНИКМАЛАРИНИ ОШИРИШДАГИ РОЛИ

Зуфаров Фозил Носирович
Зангиота тиббиёт колледжи 2-касбий фанлар кафедраси Фармакология фани ўқитувчиси, Ўзбекистон, Тошкент

Авезова Гулшод Саттаровна
Сергели тиббиёт колледжи умумкасбий фанлар кафедраси Фармакология фани ўқитувчиси, Ўзбекистон, Тошкент

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий - иқтисодий ислоҳотлар бевосита узлуксиз таълим тизими билан боғлиқ. Ўзбекистон Республикасида таълим тизимида юқори малакали, маданиятли, мустақил ва ижодий фикрлай оладиган кадрлар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Таълим-тарбиянинг миллий-маънавий асоси хисобланган “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳозирги замонга хос илм-фан, таълим-тарбия, илғор педагогик технологиялар, ижтимоий тараққиёт, янгича тафаккурга эга, бобокалонларнинг беназир мероси ва умуминсоний қадриятларига таянадиган, маънавий бой ва аҳлоқан пок, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялашни мақсад қилади.

Мустақил ўқиб-ўрганиш, ўқув жараёнидаги қийин вазиятларда ўқитувчининг ёрдамисиз муаммоларни ҳап қилишга уриниш, шундан кейингина ўзининг хулосалари тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун ўқитувчининг ёрдамига таяниш зарурлигини англатиш муҳимдир [2,с.84;3,с.95;4,с.67]..

Ўкув жараёнига фаол ёндашиш юзаки қараганда оддий бўлиб кўриниши мумкин. Ўқитувчи бирор ҳодисани узоқ вақт тушунтириш ўрнига ўқувчига дарсликдаги маълум мавзуни мустақил ўқиб-ўрганишга, мавзу юзасидан берилган амалий тажрибаларни мустақил бажариш, ўқув натижаларини текшириш учун тест саволларига мустақил жавоб тайёрлашни топшириши ижобий натижа беради. Агар ўқувчи ўз ўқув фаолиятининг моҳиятини кўра олмаса, у ўкув мақсадини тан олмайди, ўқитувчи қўйган вазифапарни тушунмайди ва қабул қилмайди. Шунинг учун ўқув материали мазмуни аввал ўқитувчи томонидан ижобий ўзлаштирилиб, қайта ишланиб, ундан ўқувчини қизиқтирадиган, шахсий тажрибасига мос келиб, фикрини кўзғайдиган, ҳаяжонга соладиган хос жиҳатлар белгилаб етказилгандагина натижаси самарали бўлиши исботланган. Ана шундагина ўқувчи ўзини ушбу ҳодисаларнинг бевосита иштирокчиси ва ижодкори деб ҳисоблайди.

Ўқитувчи ўқувчини суст тингловчидан дарс жараёнининг фаол иштирокчисига айлантириши катта аҳамиятга эга. Бунга ўқувчининг ўз билими ва қобилиятига ишонч ҳиссини ошириши ўта таъсирчан омилдир. Ушбу вазифани амалга оширишнинг ҳар бир босқичида ўқувчининг жисмоний, ақлий ва руҳий жиҳатдан ривожланиш даражалари таҳлил қилиниб, зарурий тавсияларни бериб, педагогик қўллаб-қувватлаш, унинг фаолиятига зарур ўринларда тузатиш ва қўшимчапар киритиб бориш муҳим. Ўқувчининг шахсий мустақил билиш фаолияти уларнинг ички мотивацияси юқори даражада бўлганда фаол ва самарали бўлади. Билиш ва ижодий фаолиятга нисбатан мотивация даражасини оширишнинг самарали воситаси — муаммоли ўқитиш усули ҳисобланади [1,с.24;2,с.84;4,с.67].

Ўтган даврлардаги таълим тизими авторитар таълим методларига асосланган бўлиб, у ўқувчини итоаткор, ўзгалар фикрига бўйсинувчан шахс сифатида тарбиялашга йўналтирилган эди. Ҳозирги пайтда республикамизда амалга оширилаётган кенг миқёсдаги таълим ислоҳотлари баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган демократик таълим методларига асосидаги миллий моделнинг жорий этилиши билан аҳамиятлидир.

Фаол таълим методлари илғор хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ва мамлакатимиз таълим хусусиятлари билан омухталаштириш натижасида кенг оммалашаётган демократик таълим методлари туркумига киради. У таълим жараёнининг ўқитувчи ва ўқувчи фикрининг ўзаро ҳурмат қилиниши, ўқувчиларнинг ўзаро муносабатларида юқори даражадаги мулоқот кўникмаларининг шакллантирилиши билан аҳамиятлидир. Фаол таълим методларини қўллаш жараёнининг характерли хусусияти шахснинг ахборотларни ўзлаштиришдаги барча имконият ва малакалар умумий мажмуа сифатида қаралишидир. Ушбу ўрин ахборотларни ўзлаштириш имкониятларига эшитиш ва кўриш, таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, ижодий мушоҳада қилиш, сўзлаб бериш, жисмоний ҳаракатлар бажариш кабилар, малакалар сифатида эса лойиҳалаш, ҳаракатланиш, тасаввур қилиш, нутқ, сезги органлари фаолияти назарда тутилади.

Ўқувчиларнинг ижодий фаолияти тажрибаларини ўзлаштиришлари учун таълим жараёнида фаол ақлий изланишни талаб қиладиган муаммоли вазиятларни вужудга келтириш зарур. Ижодий фаолият тажрибаларини ўқитувчини тайёр ахбороти орқали ҳосил қилиш мумкин эмас, чунки ўқитувчи муаммоларни ўзи ҳал қилса, ўқувчилардаги қизиқиш, муаммоларни ҳал қилишга бўлган интилиш, сўнади, ўз билимларини янги кутилмаган вазиятларда қўллаш имкониятидан маҳрум бўлади [1,с.24;2,с.84;3,с.95].

Ноанъанавий таълим ўқувчиларни фақат билим, кўникма, малакалар билан куроллантиришни кўзда тутмасдан, балки дарсда вужудга келтирадиган муаммоли вазиятларни ўқувчилар аввал ўзлаштирган билим, кўникма, малакаларни

кутилмаган вазиятларда ижодий қўллашлари орқали ижодий фаолият тажрибалари, ўқувчиларнинг мустақиллиги, ўқув-билиш мотивларини, мантиқий фикрлашни ривожлантиришга, мустақил изланиш йўлини ўзлаштиришга имкон берадиган мураккаб жараёндир.

Ўқувчилар мустақил фикрлаш кўникмаларини шакллантириши ноанъанавий таълим жараёнида муваффақият билан қўлланиб келаётган таълим принциплари: илмийлик, тушунарлилик, системалилик, ўқувчиларнинг онглиги ва фаоллиги, кўргазмалилик, ўқувчиларни пухта билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантириш, узвийлик, кетма-кетлик, ўқувчиларнинг ижодий мустақил ишлари принципи, ўқувчиларга индивидуал ва табақалаштирилган ёндошув, ўқув ишларини инсонпарварлаштириш принципларидан фойдаланишни тақозо этади.

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимида қаралаётган муаммони ҳал қилиш учун ахборотнинг тарбиявий самарасини ошириш билан бирга изланиш, баҳс-мунозалари, ўзаро билим алмашиш каби фаол шакл ва услубларидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар ўқувчиларни янги билим ва тушунчаларни мустақил топишига, ўз қарашлари ва ғояларини ҳимоя қилишга, дунёқараши ва тасавурларини ўртоқлари билан алмашинишга ўргатади. Бунда ижодий фикрлаш, тасаввурларни ривожлантириш, фикрлар тафовути ва хилма-хиллиги, кузатувчанлик, хотирани мустаҳкамлаш, топқирлик, идроклилик, зукколик ва зеҳнни тарбиялаш талаб этилади [1,с.24;5;4,с.67].

Ўқувчиларда мустақил-ижодий фикр юритиш, маълум масалалар бўйича муҳокама юритишнинг қоида ва мезонларини билиш, ўз фикрини тўғри, изчил, асосли баён эта олиш, мушоҳада юритиш, ўзи баён этган фикридан хулосалар чиқара олишни таркиб топтириш мустақил-ижодий фикрлашни ривожлантиришнинг асосий йўналишини ташкил этади.

Ўқувчиларнинг мустақил-ижодий изланишларига йўналтирилган тўгаракларда, турли бирлашмаларда, мазмун ва шакли жиҳатидан турлича бўлган фаолият турлари ҳам эстетик ижтимоий фикрлаш билан бирга ўзаро мувофиқликни келтириб чиқаради. Муаммоли масалаларни қўйиш, уларни мустақил ижодий ҳал қилиш ёшларнинг қўшимча билимларга эга бўлишига, дунёқарашга оид масалаларни ривожланишига ўзларини фикрларини исботли ҳимоя қилиш кўникмалари ва маҳорати шаклланишга ёрдам беради [2,с.84].

Ўқувчи ёшлар тайёргарлигининг давлат таълим стандарти талабларига жавоб бериш даражасининг ортиши, юксак даражада шаклланган, фаол мустақил-ижодкорлик сифатларига эга шахс сифатида юқори академик ҳаракатчанлик даражасига эришиши учун назарий-методологик асосларнинг яратилиши, бу борадаги вазифаларни самарали ҳал этиш учун мустақил фикрловчи ижодкор шахс тўғрисидаги тушунчаларни умумлаштириш ҳамда унинг ягона структурасини ишлаб чиқиш жараёнини бошқаришнинг ахборот таъминоти технологиясини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Нажмутдинова Д. Қ. ва бошқ. Муаммога асосланган ўқитиш. Услубий қўлланма. Тошкент 2010. 24 бет.
2. Рахимов О.Д. Инновацион педагогик технологиялар: Лойиҳалар услуби таълим сифатини оширувчи асосий технология сифатида. Услубий қўлланма. 2013 йил. 84 бет
3. Ганиева М.А., Файзуллаева Д.М. Кейс стади ўқитишнинг педагогик технологиялари тўплами. Методик қўлланма. Т.,2013 й., 95 бет
4. Мустафакулов Ш.И., Голиш Л.В., ва бошкалар “Инновацион таълим технологияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш” ўқув материаллари. Т., ТДИУ, 2011й. 67 б

ЭРТА ЁШЛИ БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ХАВФ ОМИЛЛАР

Султонова Мархабо Абдуллаевна

Зангиота коллежи Ҳамширалик иши кафедраси акушерлик ва гинекология фани, Ўзбекистон, Тошкент

Усмонова Элмира Тошмухамаддановна

Сергели тиббиёт колледжи Хирургия фани етакчи ўқитувчиси, Ўзбекистон, Тошкент

Жамият популяциясида яшаш шароити, атроф - муҳит омилларининг таъсирига ўта сезгири - болалар организми ҳисобланади ва улар кучсиз мослашув имкониятига эгаликлари сабабли турли хилдаги патологик ўзгаришларга чалинадилар. Болага она-йўлдош-ҳомила тизими орқали ташқи муҳитнинг негатив омиллари мажмуаси, шунингдек ҳомиланинг ва янги туғилган чақалоқнингона қорнида ривожланишининг бузилишига имкон яратувчи ота-оналарнинг ирсий, ҳамда ўзига хос биологик хусусиятлари ўз таъсирини ўтказади [2,с. 25].

Эрта ёшли болалар саломатлиги тиббий - биологик, ижтимоий – гигиеник ва бошқа хилма - хил омиллар таъсири остида шаклланади ва бу омилларнинг таъсири бола туғилмасдан анча олдин улар саломатлигига ўз таъсирини ўтказа бошлайди. Албатта, омилларнинг ҳар бири қатъий равишда ажратилган ҳолда ҳаракатланмайди, улар ўз таъсирини бошқа омиллар билан мураккаб кўринишдаги ҳамкорликда ўтказадилар. Шу билан биргаликда аҳоли турмуш даражасининг пасайиши ва табиий ҳамда ижтимоий муҳитнинг ноқулай омиллари таъсири болалар саломатлиги даражасининг ёмонлашувига олиб келувчи негатив тенденцияларни кучайтиради.

Оилаларнинг ижтимоий-гигиеник шароитлари ва маданий савияси болалар саломатлик кўрсаткичларига ўз таъсирини ҳаётининг биринчи кунидан бошлаб ўтказа бошлайди. Боланинг дастлабки 3 йиллик ҳаёти давомидаги саломатлик даражасига оилалардаги руҳий холатнинг таъсири кучли эканлиги аниқланган. Хусусан, тинч ва фаровон ҳаёт кечираётган оилалардан чиққан ёш жиҳатдан турли гуруҳларда бўлган болаларнинг касалланиш даражаси ижтимоий хавф хатар омиллари мавжуд бўлган оилалардан чиққан болаларнинг касалланиш даражасидан пастлиги аниқланган [1,с.5-7; 3,с.107-110].

Сўнги йилларда болалар саломатлигига таъсир этувчи хавф омилларни оилаларнинг турмуш тарзи ва шароитига боғлиқ холда ўрганиш юзасидан қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бу ишларнинг кўпчилиги кўкрак ёшидаги болалар саломатлигини ўрганишга бағишланган [4,с.25;5,с.35].

Ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, болаларнинг саломатлик холати билан уларнинг туғилгандаги вазни ўртасида боғлиқлик мавжуд. Туғилган вақтдаги тана оғирлиги 2500-4000 грамм бўлган болаларда касалланиш фоизи юқори бўлиб, тана оғирлиги 4000 грамм ва ундан ортиқ ҳолда туғилган болалар орасида эса бу кўрсаткич янада юқорилиги аниқланган [1,с.5-7; 2,с. 25; 4,с.25;5,с.35].

Болаларнинг соғлом ва бақувват ўсиб ривожланиши, ҳар хил юқумли касалликларга чидамлилиги кўп жихатдан уларни тўғри ва рационал овқатланишига боғлиқ. Болалар ўртасида кўплаб учраётган жисмоний ва ақлий ривожланишнинг бузилишлари, модда алмашинувининг издан чиқиши билан боғлиқ бўлган ҳар хил хасталиклар асосида овқатланишнинг нотўғри ташкил қилиниши ва унинг етишмовчиликлари кўплаб илмий кузатишларда тасдиқланган [2,с. 25; 3,с.107-110; 4,с.25;5,с.35].

Айрим муаллифларнинг маълумотларига кўра, тадқиқот ўтказилган оилаларда овқатланиш сифати таҳлил қилинганда, 80%дан ортиқ ҳолатларда оилалар бир хил тарзда овқатланишлари, қиш даврида болалар ҳўл мева ва кўкатларни кам истеъмол қилишлари, шарбатларни эса айрим ҳолатлардагана ичишлари аниқланган. Кўплаб оилаларда болалар творог, кефир кўринишидаги сут маҳсулотларини, шунингдек организмда қурилиш материали бўлиб ҳисобланган ҳамда таркибида ҳаёт учун зарур бўлган аминокислоталарни синтезлайдиган тухум сариғи, гўшт қиймаларини мунтазам равишда истеъмол қилмасликлари маълум бўлди. Болалар ҳаётининг биринчи йилидаги овқатлантирилиши таҳлил этилганда қўпол хатоларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди, яъни кўкрак сути етишмаган ҳолларда янги туғилган чақалоқларга туғилган давридан бошлаб қўшимча овқат сифатида сигир, эчки сутлари, нок ва печеньелар берилганлик ҳолатлари ҳам мавжуд бўлиб, у албатта боланинг жисмоний, асаб, руҳий ривожланиши ва саломатлик кўрсаткичларига ўз таъсирини ўтказмай қўймайди.

Бола ҳаётининг биринчи йилида кўкрак сути билан боқилиши ўткир респиратор вирусли инфекция касаллигига чидамлиликни оширади ва болалар ҳаётининг биринчи йилида уларнинг ошқозон - ичак йўли томонидан қандай функционал бузилишлар бўлса, каттароқ ёшларда (2-3 ёшгача) ҳам шундай бузилишлар кузатилади Аёллар, фертил ёшдаги оналар билан ўтказилган ижтимоий – гигиеник тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, ота – оналар билан бирга катта авлод вакиллари (буви, бувалар) яшайдиган тўлиқ мураккаб оилаларда болаларни кўкрак сути билан боқиш ва унинг давомийлиги 2 ёшгача ҳолатлари тез-тез учраб туради, яъни бу 26,6% ҳолатларда, шунингдек уй-жой шароити қулай жойларда (барча шароити

бор хусусий уйларда) яшовчи оилаларда бу ҳолат 21,9%ни ташкил этади [1,с.5-7; 4,с.25;5,с.35].

Шунингдек, боланинг овқатланиш тартиби, уйқу, дам олиши тўғри ташкил этилмаган ва чиниқтириш муолажалари мунтазам ўтказилмайдиган оила болалари гуруҳида эпизодик касалланадиган болалар 60%, тез-тез касалланадиганлар ҳаттоки 90%ни ташкил этган бўлиб, юқорида кўрсатиб ўтилган режим билан таъминланган оила болалари гурухида эпизодик касалланадиган ва тез-тез касалланадиган болалар ҳиссаси 17,8% ва 38,8% га тенглиги қайд қилинган [2,с. 25; 3,с.107-110].

Онанинг туққан вақтдаги ёши, онанинг маълумот даражаси, ижтимоий ахволи билан боланинг кейинги йиллардаги саломатлик ҳолати ўртасида ҳам тўғридан - тўғри боғлиқлик мавжудлиги аниқланган [2,с. 25; 4,с.25;5,с.35].

Муаллифлар болалар саломатлиги ва онанинг парвариши ўртасида боғлиқлик борлигини такидлайдилар. Айрим муаллифлар, Ўрта Осиё ҳалқларининг шароити, урф одатлари ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда боланинг уч ёшгача бўлган ҳаёти даврида вужудга келган касалланиш ва ўлим даражасига она парваришининг таъсирини ўрганиб, парваришнинг сифат мезонларини ишлаб чиққанлар.

Баъзи тадқиқотчилар ишлайдиган оналарнинг болаларида ва ёлғиз оилалардан чиққан болаларда маиший жароҳатланиш даражаси юқори эканлигини аниқлаганлар, шунингдек аҳолининг умумий ва санитария маданияти даражасининг кўтарилиши болаларнинг экзоген омиллардан ўлиш ҳолатлари сонининг камайишига олиб келиши тасдиқланган. Болаларнинг касалланиши даражаси билан уларнинг яшаш шароити ўртасида аниқ боғлиқлиқ мавжудлиги ҳам белгилаб берилган. Моддий ва маиший жиҳатдан фаровонроқ бўлган шароитда яшаган болалар ўртасида касалланиш ҳолатлар пастроқ эканлиги ҳам кўрсатиб ўтилган, шароити ёмонлашган ҳолатларда касалланиш хавфи 1,9-2,2 мартагача ортиб кетган [1,с.5-7; 2,с. 25; 3,с.107-110; 4,с.25;5,с.35].

Тиббий фаоллик, яъни инсоннинг ўз саломатлиги ва оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти муаммо бўлиб ҳисобланади.. Айрим муаллифлар фикрига кўра, бир ёшгача фарзандлари мавжуд бўлган кўпгина оилалар мунтазам равишда гигиеник тарбия ва бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларига ўқитилишга муҳтождирлар. Одатда биринчи марта фарзандли бўлган оилаларда ота-оналар болани парваришлаш ва тарбиялаш учун тажрибаси бўлмаганлиги сабабли бунга эҳтиёжлари катта ҳисобланади [2,с. 25; 3,с.107-110; 4,с.25;5,с.35]. Болалар жарохатланишининг профилактикаси, жарохатланганда ва бахтсиз ходисаларда тиббий ёрдам кўрсатиш қоидалари бўйича ота-оналарнинг билимини ошириш болаларнинг жарохатланиши ва уларда болаларда жароҳатланиш ҳамда бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш учун имконият яратади.

Шунингдек, болалар саломатлигининг мунтазам мониторингини олиб бориш, эрта ёшли болалар касалланишларини чуқур мажмуий ўрганиш, улар саломатлигига таъсир қилувчи хавф омилларини эрта аниқлаш ва уларни камайтиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш ҳозирги кунда назарий ва амалий жихатдан муҳим вазифадир. Ҳар бир худуд ўзининг махсус патологик спектрига ва махаллий касалланиш хусусиятларига эга бўлиб, у чуқур ўрганишни тақозо этади.

Адабиётлар:

1. Асилова М. У. Медико-организационные факторы, влияющие на смертность детей от диарейных заболеваний //Педиатрия. - Ташкент, 2009. - N3-4. - С. 5-7.
2. Байков Ю.М. Медико-социальные аспекты вскармливания и питания детей первых лет жизни: Автореф. дисс….канд.мед.наук. - Екатеринбург, 2010; 25 стр.
3. Жураева З.Е., Исроилов А.Р. Заболеваемость детей раннего возраста, находящихся на различных видах вскармливания //Педиатрия. Журн им.Сперанского.-М., 2004.-№1-С.107-110
4. Саидова Л.Б. Формирование здоровья детей дошкольного возраста в зависимости от условий воспитания //Афтореф. Канд.мед.наук. – Ташкент -2010.-25с.
5. Шарипова Н.Д. Заболевания родителей и социальный статус семьи как пердрасполагающие факторы неотложных состояний, обусловленный острыми респираторными и диарейными заболеваниями у детей раннего возраста // Афтореф. ...Д-ра.мед.наук. – Ташкент -2002.-35с.

РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК МУАММОЛАРИ

Суярова Гулмира Сирожиддин қизи
Зангиота тиббиёт колледжи Ҳамширалик иши кафедраси ЛОР касалликлари фаниўқитувчиси, Ўзбекистон, Тошкент

Махамадходжаева Мухаббат Абдусаттаровна
Сергели тиббиёт колледжи терапия фани ўқитувчиси, Ўзбекистон, Тошкент

Репродуктив саломатлик концепцияси асосан БМТнинг аҳоли тараққиёти бўйича ўтказилган конференциясида шакллантирилган бўлиб (Қохира, 1999 йил), оиланинг репродуктив тизимига тааллуқли бўлган тўлиқ жисмоний, руҳий, маънавий ва ижтимоий ҳолатининг барча масалалари, вазифаси ва жараёнлари, шу жумладан насл қолдириш ва руҳий - сексуал муносабатларни ўз ичига олади. Баъзан ЖССТ нашрларида сексуал ва репродуктив соғлик тушунчаларига табақалаштирилган ҳолда ёндошилади. Репродуктив соғликнинг бузилиши, қолган ҳамма касалликларнинг 5-15% (ўлим ва меҳнатга лаёқатсизлик билан бирга) ва репродуктив ёшдаги аёллар касалликларининг (15 - 49 ёш) 22% ни ташкил қилади, таққослаш учун бу қиймат эркакларда 3% га тенгдир [[2,с.14-16;3,с.18-21]..

Ҳар бир одамга саломатлиги ва меҳнат қобилиятига зарар келтирмайдиган хавф - хатарсиз ишларда фаол иштирок этиш имконияти берилган. Гарчи репродуктив соғломликнинг бузилишини олдини олиш репродуктив ҳаётнинг барча даврлари учун иккала жинсга ҳам тавсия қилинган бўлсада, фарзанд кўриш ёшидаги ва ҳомиладор аёллар энг заиф аҳоли гуруҳи - юқори хавф гуруҳга мансубдир [1,с.27-29;2,с.14-16.

Қишлоқ шароитида ҳомиладорлик давридаги аёллар тоифасини диспансер кузатувига олиш маълум ҳажмда фельдшер - акушерлик пунктлари, қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда ҳудудий шифохона акушер - гинекологлари томонидан амалга оширилади. Бундан келиб чиқадики, қишлоқ аҳолисининг саломатлигини муҳофаза қилишда кўрсатилган тиббий ёрдам муассасалардаги ўрта тиббиёт ходимларидан ҳам юқори билим ва маҳорат талаб қилинади [2,с.14-16;3,с.18-21; 4,с.18-21].

Даволаш - профилактика муассасалари, шу жумладан, ҳомиладор ва туғадиган аёлларга тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва ишларининг ташкил этилишининг сифат даражасини асосий мезонларидан бири оналар ўлими кўрсаткичи ҳисобланади. Ҳозирги кунда оналар ўлимини олдини олиш ва уни камайтириш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимининг энг устувор вазифалари қаторига киради.

Перинатал ва оналар патологияларининг олдини олиш самарадорлиги кўп жиҳатдан зарур тадбирларни ўз вақтида ўтказилишига боғлиқ, яъни ҳомиладорларни иложи борича эртароқ диспансер кузатувига олишдир. Шунга боғлиқ ҳолда аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, ҳомиладорликни фаол ва эрта аниқлаш бўйича доимий ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар олиб борилиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Ҳомиладорларни диспансер кузатувидан ўтказиш жараёнида изчилликни таъминлаш учун ўрта тиббий ходимлар ва акушер - гинекологлар ўртасида ҳар бир ҳомиладорга бир - бирини такрорловчи 3 та “Ҳомиладор ва туғувчи аёлнинг шахсий харитаси” (ф № 111/у) ни юритиш мақсадга мувофиқдир. Унинг икки нусхаси ҳомиладор аёлни ҳисобга олган қишлоқ врачлик пунктининг акушеркаси ёки фельдшери тўлдиради, шу билан бирга битта карта ўрта тиббий ходим картотекасида қолади, бошқаси эса, ҳомиладор аёлнинг қўлига берилади. Бу аёллар консультацияси билан ўрта тиббий ходим фаолиятини боғловчи восита бўлиб хизмат қилади. Туман марказий касалхонасида ҳомиладорга шахсий хаританинг 3-чи нусхаси тўлдирилиб, у акушер - гинеколог врачнинг картотекасида қолади ва ҳомиладорларнинг кузатилишини назорат қилишга имкон яратади [3,с.18-21; 4,с.18-21]..

Оналар ўлими худди ҳомиладорлик билан боғлиқ бўлган (унинг давомийлиги ва тарқалганлигидан қатъий назар), бирон бир сабабдан сўнги 42 кун ичида унинг оғирлашуви билан юзага келган аёл ўлими деб белгиланади, аммо бахтсиз ҳодиса ёки бошқа бир сабаб бунга кирмайди [МКБ - 10].

Ҳомиладор ва туғадиган аёлларга тиббий ёрдам кўрсатадиган муассасалар ишининг сифати, илмий ютуқларнинг соғлиқни сақлаш амалиётига тадбиқ этиш самарадорлиги ва аҳолининг санитар маданияти даражаси оналар ўлими кўрсаткичи эканлигидан гувоҳлик беради. 2000- йилгача оналар ўлими сонини ярмигача қисқартиришга эришишини Европа ва МДҲ нинг кўпгина давлатлари ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди [2,с.14-16;4,с.18-21;5,с.8-9].

Қайд қилиш лозимки, тиббий - демографик баҳолар ва популяция даражасидаги башоратлар шубҳасиз прагматик аҳамиятга эга. У соғлиқни сақлаш амалиётини зарурий маълумотлар билан қуроллантириб, унинг клиник - ташкилий бўғинларини такомиллашишига имкон беради. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисида бевақт кузатиладиган ўлимни олдини олишда миграцион жараёнларни бошқариш, шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларининг инфраструктурасини такомиллаштириш, соғлиқни сақлашнинг адекват тизимини яратишга қаратилган тадбирлар биринчи даражали аҳамиятга эга. Соҳанинг АБТ (автоматик бошқариш тизими)ни яратишга тайёргарлик даврида

истиқболи порлоқ, клиник ташкилий режанинг ихтисослаштирилган информацион қидирув тизимидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай усулларда жамоат соғлиги ҳолатининг ҳудудий хусусиятлари, соғлиқни сақлаш ва халқ хўжаликларига доир вазифаларни биргаликда боғлаш имкониятлари мавжуд бўлади. Кенг қамров-ли ва биринчи даражали ҳудудий, республика тадқиқотлар дастурининг бажарилиши ва ҳаётга тадбиқ этилиши, агар улар клиник тиббиёт билан нитеграллаштирилган бўлса шубҳасиз самара беради [1,с.27-29;2,с.14-16;5,с.8-9].

Узоқ умр кўришнинг ижтимоий - иқтисодий тафовутини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга, чунки у нисбатан юқори ўлим даражасига эга бўлган алоҳида аҳоли гуруҳларини аниқлашга имкон беради ва бунинг асосида ўлим даражаси ўртасидаги тафовутни белгиловчи ижтимоий - иқтисодий омиллар ҳисобга олиниб илмий асосланган демографик сиёсат шакллантирилади. Умумий, турли жамоа гуруҳлари бўйича табақалаштирилмаган ўлим кўрсаткичининг статистикаси, ижтимоий муносабатлар натижасида шаклланадиган ўлим кўрсаткичи қонуниятларини аниқлашга имкон бермайди [2,с.14-16;3,с.18-21; 4,с.18-21].

Ўлим миқдори ва кўзда тутилган умр кўриш муддати (ОПН) ёки келажакдаги умр кўриш муддати (ОППЖ) ни ўрганишда, яшаш жойи, миллати, маълумоти, никоҳланганлик ҳолати, машғулот тури (касби) каби ижтимоий таърифлар аҳамиятга эга. Бу кўрсаткичларнинг ҳар бири билан ўзаро алоқада бўлган ўлим сонининг таҳлили ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар биринчи навбатда ижтимоий параметрларни қайд қилишда йўл қўйилган хатоларни аниқлайди.Чунки бунда одамнинг, яшаш манзилгоҳи (агар муайян жойдаги яшаш муддати ҳисобга олинмаса), аниқ қайд қилинган маълумоти ва бошқа аниқ хусусиятлари етарли бўлади. Бу кўрсаткичларга ҳатто оғир, сурункали, узоқ давом этувчи касалликлар ҳам маълум даражада одамни яшаш ҳудуди ёки таълим олиш имкониятлари тахмин қилинса ҳам саломатлик ҳолати ва ўлимининг яқинлашишига кам таъсир кўрсатади [1,с.27-29; 4,с.18-21;5,с.8-9].

Ўсмир қизлар, яъни бўлажак оналарнинг саломатлигига жиддий эътибор бериш диққатга сазовордир.Чунки уларнинг касалланиш кўрсаткичлари ўсмир ва ўспирин йигитларга қараганда 10 - 15% юқоридир. Соматик патологияларнинг қайталанишини ўсиб бориш даражаси, гинекологик касалликларнинг ўсишига мойиллик яратади ва унинг тузилишида ҳайз кўриш бузилишини етакчи ўринга олиб чиқади. 2001 йилда Россияда репродуктив тизимнинг яллиғланиш касалликлари билан 45,8 минг ўсмирлар, ҳайз кўришнинг бузилиши билан 108,6 минг ёшлар хасталанган. Аёлларнинг жинсий йўллар орқали узатилувчи инфекциялари билан зарарланиш даражаси анча юқоридир. Ҳозирги вақтда фарзанд кўриш ёшидагиларнинг 23,6% замонавий контрацептив воситаларидан фойдаланади [1,с.27-29;2,с.14-16;3,с.18-21; 4,с.18-21;5,с.8-9].

Республикамизда ўтказилган тадқиқот натижасига, кўра туғувчи ва туққан аёлларнинг репродуктив саломатлик маълумот ҳақидаги даражаси замонавий талабларга жавоб бермайди ва улар ўз фарзандлари учун худди шундай маълумотлар манбаи бўлишга тайёр эмас, Бу эса репродуктив саломатлик масаласи бўйича юқори синфлар, лицей ва коллеж ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари учун таълим дастурини кучайтиришни талаб қилади.

Фертил ёшдаги аёллар учун ўз соғлигини объектив баҳолаш ва бунинг учун шахсий масъулиятни шакллантириш умумий ва гигиеник маданиятини кўтариш, овқатланиш тартиби, тиббий фаоллиги, соғлом турмуш тарзи шароитларини ташкил қилиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар режалаштириш ва амалга ошириш вилоят даволаш профилактика муассасаларининг шу кундаги кечиктириб бўлмайдиган ва муҳим вазифаларидан бўлмоғи зарур.

Адабиётлар:

1. Алексеева.Ю.А Возможности управления процессом формирования здоровья детей и подростков.//Вестник новых медицинских технологий-2002-Т.1Х №4 стр-27-29.
2. Боев.В.О. Отношение сельских жителей к здоровому образу жизни // Проблемы социальной гигиены, здра-воохранения и истории медицины №5 2002 г стр-14-16.
3. Зохидова М.З. Джураев И.Э. Саломатликка нисбатан қарашларимиз қандай шаклланади?//Ўзбекистон врачлар ассоциациясининг бюллетени №3 2002 г 108-112 б.
4. Камилов.А.И. Охрана материнства и детства в Республике Узбекистан : состояние и перспективы. // Меди-цина Узбекистана Т №6 2003 г.стр 18-21.
5. Камилова.Р.Т. Забота государства о здоровье подрастающего поколения. //Акт, проблемы гигиены - сани-тарии и экологии. Материалы научной конференции Т 2004 г.стр 8-9.

ТИББИЙ КЎРИКЛАР ВА УЛАРНИНГ ОИЛА САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШДАГИ АҲАМИЯТИ

Ҳайдарова Зарифа Турғуновна

Жамоат соғлиғини сақлаш мактаби ассистенти Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон, Тошкент

Валиева Назокат Шарофитдиновна

2 -касбий фанлар кафедраси микробиология фани ўқитувчиси Зангиота коллежи, Ўзбекистон, Тошкент

Соғлом оилани шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш, ирсият билан боғлиқ ва туғма касалликларга чалинган болалар туғилишининг олдини олиш никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказишнинг мақсади ҳисобланади.

Республикамизда оила институтининг нуфузини оширишга, унинг манфаатларини муҳофаза қилишга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида қараб келинмоқда. Шу мақсадда оиланинг ҳуқуқий манфаатлари ҳимоясини кафолатловчи қонунчилик асослари яратилиб, шу билан боғлиқ зарур институционал тузилмалар қарор топди. Шунингдек, оилаларга ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа соҳаларда кўмаклашувчи ва фуқароларга бу масалаларда амалий ёрдам берувчи кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишга эътибор кучайди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга давлат томонидан ғамхўрлик кўрсатиш, оила фаровонлигини ошириш учун зарур ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар яратилди. Мамлакатимизда оилага жамиятнинг асосий, муҳим бўғини сифатида қаралади. Зеро, комил инсон, аввало, оилада тарбия топади, улғаяди. Соғлом оилавий муҳитни шакллантириш ва шу орқали соғлом авлодни камол топтириш давлатимиз сиёсатининг устувор вазифаси этиб белгиланган. Ана шу сиёсатнинг ҳуқуқий асоси, биринчи навбатда, Ўзбекистон Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Унинг учинчи бўлим XIV боби "Оила" деб номланган. Мазкур бобда жамиятнинг етакчи бўғини саналмиш оиланинг жамият ва давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, бошқа давлатлар конституциясида учрамайдиган, миллий менталитетимизга хос фазилатлардан келиб чиқиб, ота-оналар фарзандларини вояга етгунига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурлиги, ўз навбатида, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилиши конституциявий мажбурият сифатида мустаҳкамланган [2,с/34].

Ўзбекистон Республикасида инсон манфаатларини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз Президенти ташаббуси билан изчил ислоҳатлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда мутахассислар 20 ёшдан сўнг никоҳга киришни тавсия этадилар, чунки 20 ёшдан сўнг йигит-қизлар оила қуришга ҳар томонлама тайёр бўладилар, эр-хотин мажбуриятларини белгилайдиган ҳуқуқий меъёрлар мазмунини ўзлаштириб оладилар. Шу тушунчалар шаклланган дан сўнггина оила мустаҳкам ва барқарор бўлади.

Кузатишлар ва амалиёт шуни тасдиқламоқдаки, никоҳдан олдинги тиббий кўрикдан онгли равишда ўтиш, саломатликни асрашнинг айнан ўзимизга, оиламизга боғлиқ жиҳатларини билиш, болалар спорти, оилавий, оммавий спортни ривожлантириш, оилада соғлом яшаш тарзи кўникмаларини шакллантириш миллатни жисплаштирувчи, наслни покловчи, давлатни кучли қилувчи омил сифатида баҳоланмоқда.

Оила қураётган икки ёш жисмонан бақувват, шу билан бирга, руҳан соғлом, имон-эътиқодли, билимли, юксак маънавиятли бўлса, бундай оилада соғлом фарзандлар дунёга келади. ФҲДЁ ходимлари нафақат никоҳдан ўтиш учун ариза бераётган ёшлар, балки аҳолининг барча қатламлари орасида бахтли оила ва соғлом авлод бунёд этишда ёшларнинг масъулиятини оширишга бағишланган кенг тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августда қабул қилинган “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 365 сонли қарори асосида юртимизда 2004 йил 1 январдан эътиборан никоҳланувчи шахсларнинг руҳий, наркологик касалликлар, тери-таносил, сил касалликлари ва ОИВ/ОИТС(Орттирилган иммунтанқислиги вируси/Орттилган иммунетит танқислиги синдроми) хасталиги бўйича тиббий кўрикдан ўтиши йўлга қўйилган. Бу Оила кодексида ҳам ўз ифодасини топган: 17-моддада никоҳланувчи шахслар давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида бепул тиббий кўрикдан ўтиши белгиланган. Шу асосда расмий никоҳдан ўтиш учун ариза бераётган ёшларга Тиббиёт бирлашмаларига йўлланма берилмоқда ва улар тўлиқ текширувдан ўтгач, никоҳи қайд этилмоқда [1;3,с.34].

Ҳудудий поликлиникалар қошида тузилган «Никоҳгача тиббий консультация ҳайъати» ёшларда генитал ва айрим экстрагенитал касалликлар аниқланганда уларни комплекс даволаш учун тегишли тиббиёт муассасаларига юборади ва кейинчалик уларнинг биргаликдаги турмуш жараёнининг биринчи беш йили ичида яшаш жойида ҳудудий поликлиникада диспансер кузатувида бўлишларини таъминлайди ва уларнинг саломатлик ҳолати фақат текширишдан ўтганларга маълум қилиниб, врач этикаси ва тиббиёт деонтологияси принципларига амал қилган ҳолда бошқалардан сир тутилади [5, с.575;6,с.35].

Тиббий кўрикдан ўтган никоҳланувчи шахслар ҳақида маълумот мунтазам яшаш жойлари бўйича оилавий поликлиникаларга ёш оила патронажи учун етказилган. Тиббий кўрик натижалари оилавий поликлиникалар бўлим мудирлари ва туман ФХДЁ бўлимлари билан биргаликда таҳлил қилиниб узвийликда иш олиб борилади.

Республикамизда ёшларнинг турмуш қуриши учун «Оила кодекси»га асосан эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 17 ёш белгиланган.

Далилларга асосланган тиббиёт хулосалари бўйича оила қуриш учун энг қулай давр қизлар учун 20-24 ёш, йигитлар учун 24-26 ёш ва уларнинг ёшлари орасидаги фарқ 3-6 ёшгача бўлгани маъқул. Аввало йигит ва қизларимиз турмуш қуришдан олдин тиббий кўрикдан ўтишлари лозим.

Бу ирсий касалликларининг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга. Ирсий касалликларини келтириб чиқарувчи омилларга яқин қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳлар киради. Бундай оилаларда кўпинча ақлий ва жисмоний нуқсонларга эга бўлган болалар туғилиши мумкин. Шунингдек, спиртли ичимликлар истеъмол қиладиган, тамаки чекувчи ва гиёҳвандликка ружу қўйган оилаларда туғма нуқсонли ва ақли заиф фарзандлар дунёга келиши мумкин [3,с.334; 5, с.575;6,с.35]..

Эрта ёшда ҳомиладор бўлиш, туғиш жараёнида она ва боланинг соғлигига хавф солади. Маълумки, 16-17 ёшгача қизлар тўлишиб, бўйлари ўсиб қолади, аммо бу ҳали уларни она бўлиш учун етилганликларини билдирмайди. Қизлар 16-17 ёшга тўлгани билан уларда, ҳомилани тараққий этиши ва бола туғиш учун нормал шароит вужудга келмаган бўлади. Тос суяклари ривожланмаганлиги сабабли, туғиш жараёнида жарроҳлик усулидан фойдаланишга тўғри келиши мумкин. Қизлар 20 ёшдан кейин жисмонан ва руҳан она бўлишга тайёр бўладилар. Эрта турмуш қуриш кўпинча фарзандсизликка, боланинг ой куни етмай чала туғилишига, ҳомиладорлик асоратларига олиб келиши мумкин.

Аёллар учун фарзанд кўришнинг энг қулай даври 20-30 ёш оралиғи ҳисобланади. Ёши ўтган яъни 35 ёш ва ундан юқори бўлган аёллардаги ҳомиладорликлар нафақат аёлнинг саломатлиги балки, туғилажак фарзандлар учун ҳам хавфлидир, чунки ушбу ёшдаги аёлларда ички аъзоларнинг касалликлари (камқонлик, эндокрин. юрак-қон томир касалликлари, буйрак аъзолари ва ҳ.к) куп учрайди. Бу эса нафақат ҳомиладорлик даврини, балки туғруқ жараёнини ҳам асоратлайди.

Хулоса қилиб айтганда, оилада тиббий маданиятни ошириш, ўсиб келаётган ёш авлоднинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш оиланинг асосий вазифасидир. Яъни дунёга фарзанд келганидан бошлаб уни соғлиғига эътибор бериш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Фарзандларимиз, яъни қизми, ўғилми уларнинг соғлиғига эътибор бериш, келажакда фарзандларимиздан соғлом зурриёт қолиши учун асосдир. Фақат соғлом ота-онадан соғлом фарзанд туғилади. Шу билан бирга оилада соғлом муҳит бўлиши шартдир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 23 августдаги 365-сонли “Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида”ги Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси –Т.:Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги хузуридаги “Адолат” 2007, 45 б
3. Абдурахманов Қ.Х. “Соғлом никоҳ – соғлом авлод пойдевори” – Т.: 2008, 34б
4. Маматқулов Б.Медико –социальные аспекты формирования, охраны и улучшения здоровья детей первых 7 лет жизни// Дис. … Д-ра мед. наук. – Ташкент, 1997. – 334с.
5. Маматқулов Б. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш. Илм Зиё, Тошкент-2013, 575 стр.
6. Маматқулов Б., Нодиров Т. Оналик ва болаликда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва шакллантириш.// Услубий қўлланма -2009 , 35б

АТМОСФЕРА ҲАВОСИНИНГ ИФЛОСЛАНИШ ХОЛАТИНИ ГИГИЕНИК БАҲОЛАШ

Шеркузиева Гузал Фахритдиновна
Тошкент тиббиёт академияси доценти т.ф.н.,
Ўзбекистон Тошкент ш.

Утепова Нигора Бурхоновна
Тошкент тиббиёт академияси 2-курс магистри,
Ўзбекистон Тошкент ш.

Бегматов Бобур Исроилович
Тошкент тиббиёт академияси 2-курс магистри,
Ўзбекистон Тошкент ш.

Садикова Нигора Абдумумин қизи
Тошкент тиббиёт академияси 1-курс магистри,
Ўзбекистон Тошкент ш.

Ғаниев Худойберди Абдували ўғли
Тошкент тиббиёт академияси 1-курс магистри,
Ўзбекистон Тошкент ш.

Жаҳон кўламида жадал суратлар билан кечаётган фан техника тараққиёти инсонларнинг меҳнат шароити, турмуш даражаси яхшиланишига ижобий таъсир этиши билан бирга у келтириб чиқараётган экологик ўзгаришлар ўз навбатида инсониятга ва табиатга салбий таъсир кўрсатмокда [1, б. 28]. Атроф муҳитнинг ифлосланиши асосан саноат ривожланган мамлакатларда кўпроқ содир бўлмоқда, саноат корхоналари чиқиндиларининг атмосфера ҳавосига чиқариб ташланишидан ҳосил бўладиган кислотали ёмғирлар қарийиб барча аҳоли яшаш минтақаларини қамраб олмоқда [3, б. 16]. Шуни қайд этиш керакки саноат корхоналарининг тўғри жойлаштирилмаслиги уларнинг ишлаб чиқариш қувватини туғри баҳоламаслик ташкилий ишларнинг пастлиги технологик жараёнлардаги камчиликлар, шунингдек эски ва яроқсиз техника воситалардан фойдаланиш атроф муҳитнинг ифлосланишига олиб келади [1, с. 30]. Биз ўзимиз яшаётган сайёрага назар ташласак кўп нарсаларнинг гувоҳи бўламиз; инсоният сўнгги 100-150 йил давомида табиатни ер устки қатлами биосферани шунчалар ўзгартириб юбордики, натижада унинг миллион йиллар давомида таркиб топган тозалик даражасига ва ҳолатига салбий таъсир кўрсатилди [2, с. 72].

Умуман табиат муҳофазасига техникавий жихатдан эмас, балки экологик нуктаи назардан ёндашиш керак. Ташқи муҳит омиллари, ҳусусан ҳаво, сув ва тупроқнигина эмас, балки бутун ташқи муҳитни асрашда фаол қатнашадиган хаётни таъминловчи биогеоценоз, геоценозни сақлаб қолиш зарур [3, с. 18].

Ҳозирги даврда саноат ишлаб чиқариш, электр энергияси моторли транспорт воситаларидан фойдаланишни тез ривожланиб бориши оқибатида атмосфера ҳавосининг санитария муҳофаза қилиш муаммолари ўткир тус олиб бормокда. Ривожланган шаҳарлар ва саноат марказларининг атмосфера ҳавоси доимо чанг, тутун ва туманлар билан қопланиб туради. Бу эса ўз навбатида аҳоли саломатлигига ва санитария турмуш шарт шароитларига, ҳамда ҳавонинг тоза софлигига салбий тасир кўрсатади. Атмосфера ҳавосининг аҳоли саломатлигига салбий тасирини камайтириш мақсадида бир қанча профилактик чора тадбирлар илмий асосланиб ишлаб чиқилган айниқса бу сохада кучли қонунчилик муҳим ўрин тутади [2, с. 36]. Ҳозирги шароитда бутун дунёда термодинамик жараёнлар сезиларли даражада юқорилашган. Бу айниқса транспорт воситалари кун сайин кўпайиб бораётган мегаполисларда ҳамда саноат шаҳарларида яққол сезилади. Автомобиллар учун қўлланиладиган нефть ёқилғисининг йиллик миқдори дунё бўйича 2 млрд тоннага тенг бўлиб, ички ёниш двигателларининг фойдали иш коэффициенти ўртача 23% ни ташкил қилади, қолган 77% и атроф-муҳитни иситишга сарфланади. 1985 йилдан бошлаб Ернинг ҳимоя қатлами ҳисобланган озонинг тобора заифлашиб бораётгани аниқланди. 1985 йилда озон қатламини муҳофаза қилишга қаратилган халқаро ҳаракатларнинг дебочаси сифатида Вена шаҳрида кўп томонлама экологик битим - Озон қатламини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция имзоланди. Вена Конвенцияси 1988 йилдан кучга кирди. 1987 йил 16 сентябрда мазкур Конвенцияни тўлдирувчи Ҳалқаро Монреаль баённомаси қабул килинди. Унга кўра, Конвенцияни ратификация қилган давлатлар озон қатламини емирувчи асосий кимёвий моддалар хлорфторуглеродлар ишлаб чиқаришни тўхтатиш мажбуриятини ўз зиммаларига олдилар [1, с. 24]. Мазкур ҳужжат ҳозиргача 197 та давлат томонидан ратификация қилинган. Атмосфера ҳавосининг ифлосланиши ва аҳоли саломатлигининг кескин ёмонлашуви ҳозирги замоннинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Шунинг учун нафақат соғлиқни сақлаш органлари балки

Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан бир қанча тадбирлар, меъёрий ҳужжатлар, қонунлар ишлаб чиқилган. Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни 1996 йил 27 декабрдан №354 – I амалга киритилган ва ушбу қонуннинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир: Атмосфера ҳавосининг табиий таркибини сақлаш,атмосфера ҳавосига зарарли кимёвий, физикавий, биологик ва бошқа хил таъсир кўрсатилишини олдини олиш ҳамда камайтириш,давлат органлари, корхоналар, муассасалар ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш [4, с. 3].

Ўзбекистон Республикасида максимал бир марталик, ўртача кунлик, ўртача ойлик ва ўртача йиллик концентрациялар фарқланади. Атмосфера ҳавосини аҳолини саломатлигига ва уларнинг маиший шароитларига салбий таъсир этиши мумкинлигини ўрганиш учун коммунал гигиена соҳаси бўйича врач аниқ тизим бўйича иш режасини тузиши керак. Биринчи навбатда обьектни жойлашиши билан танишиш, технологик жараённи ўрганиш, чиқинди таркиби ва миқдорини билиш керак.

Атмосфера ҳавосининг ифлосланиш муаммоси хозирги даврнинг энг долзарб муаммолари бўлганлаги сабабли биз Тошкент шаҳар Олмазор туманинг атмосфера хавосинин ифлосланиш холатини кузатдик. “Олмазор” тумани Тошкентнинг шимолий-ғарбида жойлашган. Тошкент вилоятининг Зангиота тумани, Тошкент шаҳрининг Юнусобод ва Шайхонтоҳур туманлари билан чегарадош. Майдони 3,45 минг гектар, шу жумладан кўкаламзор ерлари 1,8 минг гектар. Аҳолиси 306,1 минг киши асосан, ўзбеклар, шунингдек, рус, татар, қозоқ ва бошқа миллат вакиллари яшайди. Туманда. 58 та маҳалла мавжуд. Туман худудидан Қичқириқ, Дамариқ, Қорақамиш, Кайковус ва бошқа каналлар оқиб ўтади. Туманда 3459 та корхона ва ташкилот бўлиб, улардан 12 таси йирик саноат корхонаси. Ҳаво намуналари қуйидаги кўрсаткичлар бўйича текширилган . Чанг,олтингугурт IV оксиди, углерод оксиди, азот оксиди, водород сулфид, формальдегид, сульфат кислота.

Лаборатория назорати қуйидаги ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилган бўлиб, чанг ва окис азот кўрсаткичларига қуйидаги тартибда олинган “ОНИКС” АЖ . Агрегат заводи, САННИРИ, БАЙТЕКС, ФАЙЗ-КАРЬЕР. Ёқилғи қуйиш шоҳобчаси, чоррахалар, ПМО ТАШКЕНТ . СУВСАНОАТМАШ, Автомобил ювиш шохобчалари - ҒАЛАБА кўчаси 24 уй. МУХБИР кўчаси 4 уй, Босмахона.

Туман атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи муассасаларга қўйидагилар киради:“Тошмармар” АЖ ,Агрегат заводи,автопарк-3, ЖБИ-“ОНИКС” АЖ, Компрессор заводи,Уз ДЭУ.

2015 йилда атмосфера ҳавосини ифлосланиши даражасини баҳолаш мақсадида санитария кимёвий лаборатория томонидан жами 2560 та ҳаводан намуна олинди, улардан 310 таси гигиеник талабларга жавоб бермаган. Буларнинг барчасини чанг ташкил этиб, улар 12,1% ни ташкил этади.

2016 йилда жами 2565 та ҳаводан намуна олинди, улардан 376 таси гигиеник талабларга жавоб бермаган, 14,6% ни ташкил қилади

2017 йилда эса умумий 2576 та ҳаво намунаси олинган, улардан 361 таси талабга жавоб бермаган. Бу 14,01% ни ташкил этади. Юқоридагилардан шуни хулоса қилиш мумкинки 2016 йил туман атмосфера ҳавоси бошқа йилларга нисбатан кўп ифлосланган ва асосий ифлослантирувчи бўлиб чанг хисобланади. Чанг миқдорини камайтиришга қаратилган профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга муофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.Отабоев, С.Мирвалиев, Э.Турсунов “Экологияда маданият ва маърифат муаммолри” Тошкент “NISHON NOSHIR” нашриёти 2009 йил.
2. Ш.Отабоев, Ф.Эргашев, Ё.Қаюмходжаева, Ш.Нормаматов “Атмосфера ҳавосининг экологияси ва саломатлик муаммолари” (Тоза ҳаво танга даво) Тошкент-2008 йил.
3. Х.Салимов, Ю.Рахматов. “Урбоэкология: муаммо ва ечимлар” Экологический вестник Узбекистана №3 (191)2017.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонуни

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ОШҚОЗОН ИЧАК КАСАЛЛИКЛАРИНИНГ ТАРҚАЛГАНЛИГИ

Юсупова Гўзал Анварходжаевна
Зангиота коллежи Хамширалик иши кафедраси Терапия фани,
Ўзбекистон, Тошкент

Қурбонова Гулзор Махмудовна
Зангиота коллежи 1 касбий фанлар кафедраси педиатрия фани,
Ўзбекистон, Тошкент

Ошқозон-ичак касалликлари дунёнинг турли минтақаларида кенг тарқалган касалликлар қаторига киради. Бундай ҳолатда одамларнинг умр кўришларига салбий таъсир кўрсатмаслиги учун касалликни аниқлашда замонавий ташҳисий имкониятларини юзага келтириш, кенгайтириш, касалликниг кўпайишига олиб келаётган турли ҳолатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймаслик максадга мувофикдир. Турли тадқиқотчилар маълумотларига кўра, шифокорга диспепсия билан оғриган ҳар иккинчи-тўртинчи беморлар мурожаат қилишади. Ҳазм қилиш аъзолари турли туман ва кўп омиллидир. Ҳазм аъзолари касалликлари ривожланишига бир қатор хавф омиллари таъсир қилади: стресс, тана эгилиши билан бажариладиган ишлар, ортиқча вазн, чекиш, бир қатор дори воситалари, норационал овқатланиш ва бошқалар [1,с.42; 2,с.12-14].

Статистик маълумотларга қараганда биргина ошқозон яраси касаллиги билан турли мамлакатлар аҳолисининг 5-10% оғришади. Ошқозон яра касаллиги эса эркакларда аёлларга нисбатан кўп учраши аниқланган. Терапевтда диспансер назоратида турадиган беморларнинг 32% ҳазм аъзолари билан касалланганлар ташкил қилади. Ушбу касаллик кўплаб ҳолатларда узоқ вақт давомида вақтинча меҳнат қобилиятининг йўқотилиши, даволаниш ва реабилитация жараёнларининг қимматлиги сабабли беъморнинг ўзини ҳамда давлатнинг бюджетидан катта миқдордаги моддий йўқотишга сабаб бўлади. Турли муаллифлар келтирган маълумотларга кўра кўпчилик мамлакатларнинг 50-80% катта ёшли аҳолиси сурункали гастрит билан оғрийди [1,с.42; 2,с.12-14].

Тошкент шаҳрида ошқозон ичак касалликларининг тарқалганлиги динамикада ўсиб бормоқда. Жумладан, 2011 йилда касалланиш кўрсаткичи 1000 та аҳолига 282,7 ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 341,3 ни ташкил қилди, яъни у 17,1%га ошганлиги қайд қилинди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ошқозон ичак касалликлари билан касалланиш кўрсаткичи айниқса 14 ёшгача болалар орасида 2011 - 2016 йиллар орасида қарийб 50%га ошганлиги кузатилган. Бу болаларнинг овқатланиш сифати ва тартибининг бузилиши, айниқса болаларни сунъий (фаст фуд, кириешки, ролтон) озиқ - овқат маҳсулотларини севиб истеъмол қилишидан деб талқин қилиш мумкин.

Даволаш профилактика муассасаларига ошқозон ичак касалликлари мурожаатлар бўйичатаҳлил қилинганда барча касалликлар структурасининг 3,8%и ошқозон ичак касалликларига тўғри келади, жумладан у 1000та кўрикдан ўтказилган шахсга 17,6 тўғри келади. Болалар касалланиш 2016 йилда 1000 та болага 817,9 ни ташкил этди. Даволаш профилактика муассасаларига мурожаат ыилган беморларнинг 86,4% изида касаллик биринчи марта аниқланган. Бу даволаш профилактика муассаларида ошқозон ичак касалликлари вақтида аниқланмаслиги, диспансеризациянинг яхши йўлга қўйилмаганлигидан далолат беради. Бирламчи тиббий санитария ёрдамига мурожаат қилганларда кўпинча сурункали гастрит, сурункали холецистит ташхиси кўп қўйилган, кейинги ўринларда сурункали энтероколит ва сурункали гепатитлар ташхислари қшйилган.

Ёш ортиши билан организмдаги органик патологик жараёнлар орта боради. Мактабгача ёшдаги болаларда энтероколитлар кўп учраса, мактаб ёшидаги болаларда унинг даражаси пасая боради. Мактаб ёшидаги болаларда кўпроқ гастродуоденитлар учрайди. Барча ёшларда касалланиш кўрсаткичи ўғил болаларда қиз болаларга нисбатан сурункали гастродуоденитлар 1,7 марта юқорилиги қайд қилинди. Кейинги ўринларда сурункали холециститлар туриб, у ўғил болаларда қизларга нисбатан 1,8 марта кўпроқ аниқланган. Сурункали гепатитлар мактаб ёшидаги болаларда камроқ учраб, у ҳам 1,8 марта қиз болаларга қараганда кўпроқ аниқланган.

Ошқозон ичак касалликлари структурасида гастрит ва дуоденит 27,5%ни, ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касаллиги 26,5%ни, ўт қопи ва ўт йўллари касалликлари 14,0ни, ошқозон ости бези касалликлари 7,5%ни, жигар касалликлари 6,5%ни, энтерит ва колит 5,5%ни, бошқалар 13%ни ташкил қилди. етакчилик қилиб, барча ошқозон ичак касалликларининг 68% юқоридаги касалликларга тўғри келади.

Ошқозон ичак касалликлари структурасида гастрит ва дуоденит, ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касаллиги, ўт қопи ва ўт йўллари касалликлари устунлик қилиб, барча ошқозон ичак касалликларининг 68% юқоридаги касалликларга тўғри келди. Демак, ошқозон ичак касалликларининг олдини олишда, профилактик чора тадбирлар ишлаб чиқишда юқоридаги маълумотларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ошқозон ичак касалликлари структурасида гастрит ва дуоденит касалликларининг тарқалганлигини кўриб чиқадиган бўлсак, 2011-2016 йиллар оралиғида катта ёшли аҳолида динамикада

деярли ўзгаришсиз бўлган, яъни 2011 йилда кўрсаткич 1000 та аҳолига 16,2ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда у 16,1га тенг бўлган. Гастрит ва дуоденит касаллиги динамикада 14 ёшли болалар орасида юқорлиги қайд этилган, 2011 йилда 1000 та болага 7,2 ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда 8,8га тенг бўлди, яъни у 18,1%га ошганлиги аниқланди. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ошқозон ичак касалликлари структурасида ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касалликлари яшармоқда. Бу болалар ва ўсмирлар овқатланиш маданияти, сифати пастлигидан, кўпроқ улар сунъий озиқ овқат маҳсулотларини истеъмол қилишларидан дейиш мумкин.

Ошқозон ичак касалликлари структурасида ўт қопи ва ўт йўллари касалликлари тарқалганлигини кўриб чиқадиган бўлсак, 2011-2016 йиллар оралиғида кўрсаткич динамикада ошганлиги қайд этилди, жумладан у болаларда 2011 йилда кўрсаткич 1000 та аҳолига 19,8ни ташкил қилган бўлса, 2016 йилда у 21,0га тенг бўлган, яъни 5,7%га ошагнлиги қайд этилди. Ўсмирлар орасида ҳам худди шундай динамика кузатилган.

Ошқозон ичак касалликларининг жинсга боғлиқлигини кўриб чиқсак, гастрит ва дуоденитлар, ўт қопи ва ўт чиқариш йўллари касалликлари, юқумли бўлмаган энтерит ва колит асосан аёлларда кўпроқ учраган бўлса, ошқозон ва 12 бармоқли ичак яра касаллиги, жигар касалликлари эркакларда кўпроқ учраши аниқланди. Гастрит, дуоденитлар эркакларда 26,5%, аёлларда 30,5%ни, ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касаллиги эркакларда 16,0%ни, аёлларда 8,5%ни, ўт қопи ва ўт чиқариш йўллари касаллилари эркакларда 15,5%ни, аёлларда 27,5%ни, ошқозон ости бези качсаллилари эркакларда 8,0%ни, аёлларда 6,0%ни ташкил қилди.

Бирламчи тиббий санитария қилинган мурожаатларга кўра 15-22 ёшли ўсмирлар орасида сурункали ошқозон ичак касаллиларининг тарқалганлиги 7,3%ни ташкил қилди. Бирламчи аниқланган касалликлар структураси қуйидагиларни ташкил қилди: Сурункали гастрит -5,3%;Ошқозон ичак яра касаллиги -1,5%;Сурункали дуоденит-0,3%;12 бармоқ ичак яра касаллиги -0,2%;

Энг кўп частота билан гастритлар учрайди, 3,5 марта уларга қараганда камроқ ошқозон яра касаллиги, 19,7 марта камроқ дуоденитлар ва 26 марта камроқ 12 бармоқ ичак яра касаллиги (P < 0,001). Тадқиқот натижаларидан шу аниқландики, ўсмирларда 5,5%дан кам бўлмаган сурункали колитлар қайд этилди.

Ошқозон ичак тракти касалликлари ва ёндош касалликлар структурасини кўриб чиққанимизда қуйидагича натижалар олинди: ошқозон ичак касаллилари + анемия (37,4%), ичак касаллилари + пиелонефрит (21,7%), ошқозон ичак касаллилари + гепатит (29,6%) ва ошқозон ичак касаллилари +холецистит (7,0%). Камроқ қайд этилганлар: ошқозон ичак касаллилари + ревматизм-2,6%, ошқозон ичак касаллилари + остеохондроз -1,0% ва ошқозон ичак касалликлари + спленопатии -1,0%. Олинган бу маълумотлар баъзи муаллифлар ўтказган тадқиқот натижаларига тўғри келади (Григорьев А.Я. 2001; Григорьева Г,А и др.,2005; Дударенко С.В.,1997).

Ошқозон ичак касалликларида клиник белгиларнинг учраш даражаси 3.8 расмда кўрсатилган. Диспептик синдром –70,7% , оғриқ синдроми - 85,3% и оғриқ синромининг типик локализацияси 61,6%. 8,4% беморларда ошқозон ичак касалликларининг қўзиши клиник белгиларининг яққоллашиши мавсумийликка хослиги аниқланди, 91,6% беморларда у мавсумийликка эга эмас (P<0,001). Ошқозон ичак касалликларидан ўлим ҳолатлари охирги 5 йилда ошқозон ва 12 бармоқ ичак яра касалликлари, жигар касалликларидан 50,2%ни ташкил этди (5 йиллик ўртача кўрсаткич ўлим кўрсаткичи 100000 аҳолига - 21,4ни ташкил этди, жумладан яра касаллигидан 100 000 аҳолига 3,5 ни, жигар циррозидан 17,9 ни ташкил этди).

Ҳозирги кунда олиб борилаётган даволаш ва профилактик чора-тадбирлар ушбу касалликларни камайтириш учун етарли бўлмаяпти. Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, ошкозон-ичак касалликлари анча вақтлар давомида муҳокама қилинаётган ва ҳар томонлама ўрганиб келинаётган тиббий муаммо бўлиб ҳисобланади. Аммо шу пайтгача бу касаллик аҳолининг турли ёш гуруҳларида тарқалиш даражаси экологик омилларнинг ушбу касаллик кечишига таъсири, турли самарали даволаш услубларининг йўқлиги муаммонинг нечоғлик долзарб эканлигидан далолат бериб келмоқда.

Адабиётлар:

1. Барановский А. Ю. Прогнозирование течения, исходов и осложнений язвенной болезни желудка: Автореф. дис…. д-ра. мед. наук. - М., 2008. - 42 с.
2. .Мамчич В. И., Гвоздяк Н. Н. Лечение острых гастродуоденальных кровотечений язвенной этиологии // Хирургия. - 2007. - № 9. - С. 12-14.

YER FAN

ИЗЛОВ – ҚИДИРУВ ҚУДУҚЛАРИНИ БУРҒИЛАШДА ЭМУЛЬСИОН ЭРИТМАЛАРНИНГ ИШЛАТИЛИШИ

Юсупов Шухрат Комил ўғли
ассистент Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Ўзбекистон, Қарши ш.

Ахмедов Шовдулло Шухратович
ассистент Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти, Ўзбекистон, Қарши ша.

Эмульсион эритмалар – бурғилаш тизмасида содир бўладиган тебранишларнинг олдини олиш, керн чиқишни таъминлаш, бурғилаш асбобини ейилиб кетишдан сақлаш ва бурғилаш учун сарфланадиган қувват миқдорини камайтириш мақсадида юқори частотали олмосли бурғилашда ишлатиш тавсия этилади.

Эмульсион эритмалар қудуқ тубида жинсларни парчалаш жараёнига фаол таъсир этиш билан бирга улар юқори мойлаш хусусиятларига ва антивибрацион хусусиятларга эгадир.

Эмульсион эритмалар дисперс система бўлиб, икки фазадан ташкил топган – сув ва мойдан иборат бўлади. Барқарор концентрацияланган эмульсия ҳосил қилиш учун дисперс системага эмульгатор-ПАВ қўшилади. Эмульсиялар 20-40%-концентрацияли эмульгаторлардан тайёрланади, улар сув билан 0,25-2,5% концентрацияда аралаштирилади.

Эмульсион эритмалар тайёрлаш ва эмульгатор танлашда қуйидагиларни инобатга олиш керак.

1) Бурғилашнинг геологик ва гидрогеологик шароитларини;

2) Ер ости сувларининг геохимик характеристикаларини;

3) Бурғилаш усулини ва бурғилаш режими параметрларини;

4) Қудуқларни намуналаш усули ва қудуқнинг ўрни (ер устидами ёки ер остидалиги).

Бурғилаш ишларида қуйидаги таркибдаги эмульсион эритмалар ишлатилмоқда:

1) кожевенли эмульсия пастаси асосида тайёрланган, унинг эритмадаги оптимал концентрацияси-0,5-0,2 %;

2) нигрол асосидаги эмульсол-60%, смола кислотаси совуни 30%, ОП-7 қўшимчаси-10% ва сув 9%;

3) совунланган гудрон қоришмаси ОСГ-концентрацияси-1,5-2%;

4) милонафт асосидаги концентрацияси-0,5-1 %.

Юқоридага эмульсиялар фақат юмшоқ сувлардагина қўлланиши мумкин.

Сувларнинг қаттиқлик чегараси яъни сувдаги кальций ва магний тузларининг миқдори- (5-7)x10^{-3} моль/л гача бўлиши керак.

Аэроланган (ҳаво аралашган) эритмалар-қаттиқ дарздор жинсларни бурғилашда ювиш суюқликларининг ютилиши ва бошқа асоратларнинг олдини олиш мақсадида ишлатилади. Бу эритмалар бурғилашнинг механик тезлигини ошириш, долото ёки коронкаларнинг ейилиб кетмаслиги, бурғилаш жараёнида асоратларни бартараф этиш учун сарфланадиган вақтни тежаш имконини беради.

Кўпиклар – камцементланган жинслар, шишиб кетишга ва суюқликни ютишга мойиллиги бўлган жинсларни бурғилашда ишлатиш тавсия этилади.

Кўпиклар қудуқ деворлари мустаҳкамлигини ва қудуқ стволидаги асоратларни бартараф этишни таъминлайди.

Кўпикларни сув таъминоти мураккаб бўлган, яъни сувсиз ва қурғоқ районларда тоғли шароитларда ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Кўпиклар – дисперс система бўлиб, унда дисперс фаза – ҳаво, дисперс муҳит – сув ҳисобланади.

Кўпиклар барқарорлигини стабиллаштириш мақсадида унинг таркибига концентрацияси 0,1-1,5% бўлган ПАВ лар қўшилади.

Ҳаво-дарздор жинсларни бурғилашда, ювиш суюқликларини қисман, ўрта ва тўла ютилиши содир бўлган шароитларда ишлатилади. Шу билан бирга деворлари мустаҳкам бўлган кесимларни бурғилашда, чўл ва сувсиз районларда қўллаш мақсадга мувофиқдир.

Ювиш суюқликларининг забойга етарли миқдорда юборилмаслиги натижасида парчаланган жинслар қайта майдаланади, оқибатда бурғилаш тезлигининг камайишига ва жинсларни парчаловчи асбобларнинг ейилишига олиб келади. Шу билан бирга шламларни тўла олиб чиқиш учун ҳисоблаб топилган суюқлик миқдори коронка ва бурғиларни совутишни ҳам таъминлайди. Ушбу ҳисобларнинг асосий томонларини келтирамиз.

Ювиш суюқлиги миқдори қуйидаги формула билан аниқланади:

$$Q_э\ К \cdot 0,785\,(D^2 - d^2) \cdot \nu \qquad (1)$$

бу ерда:

К - суюқликни ствол бўйлаб нотекис ҳаракатини ҳисобга олувчи коэффициент;

D - қудуқ диаметри (коронка ёки бурғининг ташқи диаметрлари;

d - бурғилаш қувурлари ташқи диаметри;

ν - қудуқдан юқорига кўтарилаётган суюқлик оқими тезлиги.

Одатда суюқлик миқдори аниқланганда забойдан йирикроқ катталикдаги заррачаларни ҳам юқорига кўтарилишини таъминловчи тезлик қабул қилинади.

Бундай суюқлик оқими тезлиги қуйидаги формула билан аниқланади:

$$\nu_э = \omega + u \qquad (2)$$

бу ерда:

ω - юқорига кўтарилаётган суюқликнинг критик тезлиги, бу тезликда ствол ичидаги шламлар муаллақ ҳолатда бўлади;

u - шламларни олиб чиқиш учун зарур бўлган тезлик. Бу тезлик ω - нинг қийматидан 10-30% қилиб олинади.

Геолого - разведка бурғилаш ишларида суюқлик миқдорини аниқлашдаги амалий ҳисобларда чиқаётган суюқлик оқими тезлигини қуйидагича қабул қилиш мумкин:

1) лопастли ва пикобурлар билан IV-V – категориядаги тоғ жинсларини бурғилашда $\nu_э$ = 0,6-1,0 м/ с;

2) шарошкали долотолар билан бурғиланганда - $\nu_э$ = 0,4-0,8 м/с;

3) олмосли коронкалар билан бурғиланганда - $\nu_э$ = 0,4-0,8 м/с;

4) қаттиқ қотишмали коронкали бурғилашда - $\nu_э$ = 0,3-0,6 м/с;

Тезликнинг юқори қийматлари катта тезликда бурғиланганда, яъни шлам кўп миқдорда ажраб чиққан шароитларда қабул қилинади.

Гидравлик ҳисобларнинг яна бир кўрсаткичи – ювиш суюқликларини ҳайдаш учун ҳосил қилинадиган босимдир. Ювиш суюқликлари миқдори ва унинг босимига қараб бурғилаш насоси танланади. Насос ҳосил қиладиган суюқлик босими циркуляцион системадаги гидравлик қаршиликларни ва гидростатик кучларни енгиш учун етарли бўлиши керак.

Циркуляцион система–бурғилаш насоси, бурғилаш қувурлари, труба орти бўшлиғи, колонкавий снаряд ва жинсларни парчаловчи асбобларни ўз ичига олади.

Умумий кўринишда насос ҳосил қиладиган босим қуйидаги формула билан аниқланади:

$$P_э = K \cdot (P_1+P_2+P_3+P_4+P_5) \qquad (3)$$

бу ерда:

K - забойда шламлар тўпланиб қолганда ҳосил бўладиган қўшимча қаршиликларни енгиш учун зарур бўлган захира коэффициенти, K=1,3-1,5;

P_1 - ҳайдаш шланги, сальник, етакчи қувур, бурғилаш ва оғирлаштирилган қувурларда ҳаракатланаётган суюқликларнинг гидравлик қаршиликларини енгиш учун зарур бўлган босим;

P_2 - бурғилаш қувурлари уловларида содир бўладиган қаршиликларни енгиш учун керак бўлган босим;

P_3 - ҳалқа бўшлиғи бўйлаб ҳаракатланаётган суюқликнинг гидравлик қаршиликларини енгиш учун зарур бўлган босим;

P_4 - коронка, долото ва колонкавий снаряддаги гидравлик қаршиликларни енгиш учун керак бўлган босим;

P_5 - ишлатилаётган гидроургичларнинг гидравлик қаршилиги (техник характеристикасидан олинади).

Бурғилаш насоси узатаётган суюқлик миқдори ва босими текшириш ҳисоблари танланган насоснинг шу шароит учун яроқли эканлигини билиш учун бажарилади.

Тозалаш агенти сифатида қисилган ҳаво ишлатилган пайтда ҳаво сарфи қуйидаги формула билан аниқланади:

$$V_o = 47{,}1 \cdot K \cdot K_1 (D^2 - d^2) \cdot \nu \text{ ; м}^3/\text{мин} \qquad (4)$$

бу ерда:

K - қудуқ стволи бўйлаб ҳаво оқимининг нотекис тезлигини инобатга олувчи коэффициент (K=1,3-1,5);

K_1 - чуқур қудуқларда ҳавонинг кўтариш кучининг камайишини инобатга олувчи коэффициент;

D - қудуқ диаметри;

d - бурғилаш қувурининг ташқи диаметри;

ν - ҳавонинг тезлиги, м/с.

Эмульсион эритмаларни тўғри ва тўлиқ ўрганиш, қудуқларни бурғулаш чоғида техник талофатларни олдини олишимиз мумкин. Албатта қудуқда бирон-бир техник хатоликлар юз берадиган бўлса хар қанақанги иқтисодий зарар келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мавлонов А.В. Нефт ва газ кони геологияси. –Т.:, 2004.
2. Абидов А.А., Ҳайитов О.Г., Холисматов И.Х. Нефт ва газ геологияси. –Т.:, 2005.
3. Булатов А.И., Проселков Ю.М., Рябченко В.И. Технология промывки скважин. –М.:, Недра, 1981.
4. Гайворонский А.А., Цыбин А.А. Крепление скважин и разобщение пластов. –М.:, Недра, 1981.
5. Сидиров Н.А. Бурение и эксплуатация нефтяных и газовых скважин. –М.:, Недра, 1982.
6. www.geoinform.ru.

ГИЛ ЭРИТМАСИ СИФАТИ ВА ҚУДУҚНИ ЮВИШНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ҲАМДА ҚУДУҚДА СОДИР БЎЛАДИГАН АСОРАТЛАРГА ҚАРШИ ЧОРА КЎРИШ

Юсупов Шухрат Комил ўғли
ассистент Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,
Ўзбекистон, Қарши ш.

Бурғилаш чоғида қўлланиладиган гил эритмаси сифати қудуқда нефть-газ намоёнлашиши, ағдарилишлар юзага келиши, гил эритмасининг айланмай қолишига ва очилган маҳсулдор қатламнинг гиллашишига имкон бермаслиги керак. Гил эритмаси қуйидаги асосий талабларга жавоб бериши лозим:

1) қудуқ деворидаги жинсларни яхши гиллаши, улардаги ғовак ва дарзликларни беркитиши;

2) маҳсулдор қатламлар очилганда гил эритмаси таркибидаги сувни унга кўп сингмаслиги;

3) қудуқ девори юзасида юпқа, ўзидан сув ўтказмайдиган гилли қобиқ юзага келтирмоқ;

4) майдаланган жинс бўлакларини гил эритмаси ёрдамида ер юзасига олиб чиқиши, гилли эритма ҳаракати тўхтаганда зарраларнинг қудуқ тубида чўкишига имкон бермаслиги лозим.

Қудуқни ювиш. Қудуқ тубини майдаланган жинс зарралари — шламдан узлуксиз тозалаш, жинс майдаловчи ускуналарни совутиш, қудуқ деворини мустаҳкамлаш ва бошқа мақсадларда вақт улушида қудуққа ҳайдаладиган гил эритмаси ёки бошқа ювувчи суюқликлар миқдори (1-расм). Шунингдек, қудуқни ювиш орқали айрим горизонтларни ажратиш, жинсларнинг қаттиқлигини пасайтириш, бурғилаш ускунасини мойлаш ва шу каби ишлар бажарилади. Бурғилаш чоғида гил эритмаси параметрларининг (зичлиги, сув бераолишлиги, барқарорлиги, эритмадаги қум миқдори ва ш.к.) ўзгариши кеча-кундуз давомида назорат қилиниши лозим. Бу мақсадда ҳар бир қазилаётган қудуқда кўчма лаборатория ёки зарурий асбоблар тўплами, бурғилаш идорасида турғун лаборатория ташкил қилинади. Гил эритмаси намунаси қудуқ оғзида ва эритмани айланиш тизимининг охирида олинади. Гил эритмасининг аниқланган ҳамма параметрлари миқдори махсус журналда қайд қилинади.

1-расм. Бурғулаш долотаси



2-расм. Бурғулаш эритмасини қатламга ютилиши (поглощения)



3-расм. Бурғулаш қувурини қатламда сиқилиши (прихват)

Асоратларни бартараф этиш. Қудуқларни бурғилаш чоғида турли кўринишдаги мураккабликлар юзага келади. Улардан энг кўп тарқалганлари: ювувчи суюқликнинг ютилиши, нефть, газ ёки сув намоёнланиши, қудуқ деворидаги жинсларнинг ўпирилиши, қудуқда бурғилаш ускуналарининг қисилиб қолиши ва уларни тортиб олиш ва ш.к (2-расм). Ювувчи суюқликнинг ютилиши кўпинча ковакли, дарзли ёки йирик ғовакли жинсларда қатлам босими қудуқдаги ювувчи суюқлик устуни босимидан кам бўлганда содир бўлади. Ютилиш тезлиги ҳам турлича —

кучсиз ютилишдан (қатлам босими паст, йирик заррали ёки ингичка дарзли жинсларда) фалокатли ютилишгача (йирик коваклар ва кенг дарзликлар очилганда) бўлиши мумкин, бунда ювувчи суюқликнинг айланиши буткул тўхташи мумкин (3-расм).

Ювувчи суюқлик ютилишининг олдини олиш учун геолог геологик-техник нарядда олдиндан бундай ҳодиса содир бўлиши мумкин бўлган интервални белгилаши лозим. Бундай зонанинг очилишига 50-100 м қолганда сув бераолиши жуда кам ва зичлиги паст бўлган эритма билан қудуқни бурғилаш давом эттирилади. Агар гил эритмаси жадал ютила бошласа (150-200 м^3/соатдан кўп), у ҳолда қудуққа оҳак-гилли, цемент-гилли ёки силикат-гилли эритма ҳайдалиб, қудуқ тубида бурғилаш эритмасининг жинсга шимилишига ҳалақит берувчи қовушқоқ тиқин ҳосил қилинади (4-расм). Агарда бундай тадбирлар ёрдам бермаса, у ҳолда қудуқ туби цементланади. Шимилиш шиддатини пасайтириш учун гил эритмасига инерт тўлдирувчилар: целлофан, тангачасимон слюдалар, қиринди, асбест ва бошқалар қўшилади. Шимилиш шиддати пасайгандан сўнг, у тампонловчи эритмалар (юқори мустаҳкамликка эга бўлган гипс, гелцемент ва б.) ёрдамида тугатилади.

Айрим ҳолларда кўрилган тадбирлар самара бермаса гил эритмаси ютилаётган зонани бекитиш учун қудуққа интервал мустаҳкамлаш қувурлари бирикмаси туширилади.

Ювувчи суюқликка кўп миқдорда нефть ва газ қўшилиши натижасида унинг зичлиги камаяди ва гил эритмаси устунининг қудуқ тубига нисбатан босими пасаяди, натижада қудуқда отқин (фантан) ва очиқ фаввораланиш юзага келиши мумкин (5-расм). Бундай ҳодисанинг олдини олиш учун бурғилаш чуқурлиги нефть-газ намоёнланадиган интервалларга яқинлашганда зичлиги юқори бўлган ювувчи суюқликлардан фойдаланилади, қудуқ тубидаги босим қатлам босимидан оширилади. Бундан ташқари гил эритмаси қовушқоқлиги паст бўлиши лозим. Бурғиланаётган қудуқ оғзи махсус отқинга қарши арматура-превентер билан жиҳозланади.



4-расм. Бурғулаш эритмасининг фильтрацион схемаси

Агар оддий гил эритмаси билан (зичлиги 1,3 г/см^3) қудуқ тубида керакли босимни вужудга келтириб бўлмаса, унда оғирлаштирилган ювувчи суюқликка ўтилади. Гил эритмаси зичлиги унга кукунсимон минераллар ёки юқори зичликка эга бўлган моддалар (барит, гематит, олтингугурт колчедани, магнетит қуми, пирит қолдиғи, домна печи чанги ва б.) қўшиб оширилади.

5-расм. Фантан

6-расм. Отқинга қарши қурилма (превентор)

Оғирлаштирилган ювувчи суюқлик тайёрлаш учун кимёвий ишлов берилган, сув берувчанлиги ва қовушқоқлиги паст гил эритмаларидан фойдаланилади. Оғирлаштирилган гил эритмасининг зичлиги 1,6-1,7 г/см^3 бўлса, кимёвий ишлов берилганлариники 2,2 г/см^3 га этади.

Юқори зичликдаги ювувчи суюқлик ишлатилган қудуқларда кон-геофизик тадқиқотлар ўтказиш қийин кечади, шу сабабли улардан зарур ҳоллардагина фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Агар юқори босимли сувли қатлам очилишидан олдин сув намоёнланса, у вақтда бурғилаш эритмасининг қовушқоқлиги ва зичлиги оширилади, қудуқ оғзининг герметиклигини таъминлаш учун превентер ўрнатилади (6-расм).

Кўпинча бурғилаш жараёнини қудуқда содир бўладиган ўпирилишлар ва тўкилмалар мураккаблаштиради. Қудуқ деворидаги гил ва сланецлар ўпирилиб, сувда бўкади, ҳажми катталашади, бирбирига ёпишиб, долото устида ҳалқа ва қудуқ ичида тиқин ҳосил қилиши мумкин, натижада бурғилаш ускунасининг қисилиб қолиши, айрим вақтларда узилиб кетиш ҳоллари кузатилади. Ўпирилишларнинг олдини олиш мақсадида сув бераолишлиги паст, зичлиги нисбатан юқори бўлган бурғилаш эритмасидан фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мавлонов А.В. Нефт ва газ кони геологияси. –Т.:, 2004.
2. Абидов А.А., Ҳайитов О.Г., Холисматов И.Х. Нефт ва газ геологияси. –Т.:, 2005.
3. Булатов А.И., Проселков Ю.М., Рябченко В.И. Технология промывки скважин. –М.:, Недра, 1981.
4. Гайворонский А.А., Цыбин А.А. Крепление скважин и разобщение пластов. –М.:, Недра, 1981.
5. Сидиров Н.А. Бурение и эксплуатация нефтяных и газовых скважин. –М.:, Недра, 1982.
6. Н. А. Аксенова, О. В. Рожкова. Буровые промывочные жидкости и промывка скважин. – Тюмень ТИУ 2016
7. www.google.com
8. www.geoinform.ru
9. http:///www.wikipedia.ru

PEDAGOGIKA

UMUMTA`LIM FANLARNI O‘QITISHDA PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALAR

Hamidov Yokub Yodgorovich

Buxoro muhandislik-texnologiya instituti “oziq-ovqat texnologiyasi va sanoat ekologiyasi” kafedrasi katta o`qituvchisi, O`zbekiston, Buxoro

So`nggi yillarda mamlakatimiz texnika oliy o‘quv yurtlarida tabiiy fanlarni o‘qitish muammolari chuqur o‘rganilib kelinmoqda. Har bir sanoat sohasiga mos ravishda, ushbu sohaga yo‘nalgan holda metodlardan foydalanish zarur. Texnika oliy o‘quv yurtlarida tabiiy fanlar, jumladan, kimyo va fizika fanlarini o‘qitishda pedagogik texnologiyalarni qo‘llash orqali maqsadga erishish mumkin. Zamonaviy o‘qitish tizimi hamkorlikda o‘qitish va axborot texnologiyalari, internet tizimidan foydalanib, loyiha metodikasidan qo‘llashni talab etadi.

Bu metodika talabalarda shaxsning o‘zligini namoyon etish, o‘qitishga yo‘nalganlik bilan yondashish, har bir shaxs xususiyatlarini, o‘qishda egallaydigan o‘zlashtirish darajalarini, iqtidorlarini va hokazolarni hisobga olgan holda ta’limni individuallashtirish va samaraliligini oshirishga yordam beradi.

Ma’lumki, tabiiy fanlarni o‘qitishdan maqsad talabalarda mazkur fanlarni amaliy tarzda o‘zlashtirish va ularda kommunikativ madaniyatni shakllantirish hamda rivojlantirishdan iborat. Bunda o‘qituvchining vazifasi talabalarda tabiiy fanlarni o‘rganish jarayonida bu fanlarda o‘rganiladigan xususiy jarayonlarni puxta egallashlari va ularning ijodiy tafakkur faoliyatini faollashtirishdan iborat. Talim jarayonining samaradorligi ko‘p jixatdan ishtirokchilarning faolligini, aniq maqsad sari intilishlari va intizomli bulishlariga bogliq. O‘quv mashgulotlarini o‘tkazishga tayyorgarlik ko‘rish xamda uni tashkil etish uchun sarflanadigan kuch va vaqt xajm jixatdan ananaviy talimni tashkil etish uchun sarflangan kuch va vaqtga nisbatan ancha ko‘p bo‘ladi. Texnologik vositalardan so‘z bilan tushuntirish samarali bo‘lmagan amaliy xarakatlarni ko‘rgazmali tarzda namoish etish zarurati yuzaga kelganda foydalaniladi bu esa chet tilini o‘rganishda juda qulay vositadir.

Pedagogik texnologiyalarning o‘ziga xos jihatlari yana shundan iboratki, unda o‘quv maqsadlarga erishishni kafolatlaydigan o‘quv jarayoni loyihalashtiriladi va amalga oshiriladi. Ta’lim-tarbiya maqsadi va vazifalarini shunday belgilash kerakki, unda umumiy jamiyat o‘quv maqsadlari va har bir bosqichlarining aniq maqsadi va vazifalari mushtarak bog‘liqligini ta’minlashi lozim. Hozirgi yangilanish davrida ta’lim jarayonini takomillashtirishni amalga oshirishda zamonaviy kompyuter va telekommunikatsiya texnologiyalarini qo‘llanilishi o‘qituvchining faoliyatini o‘quv jarayonida uning mazmunini va funksiyasini keskin o‘zgartirib yuboradi.

Zamonaviy pedagogik texnologiyalar kimyo va fizika fanlarini o‘qitishda dars o‘tish uslubini kengaytirib, unutilayotgan darsning sifatini oshirib boradi. SHundagina ta’lim jarayonining samaradorligiga erishish mumkin.

O‘qituvchi o‘z talabalarining dars jarayonidagi ilmiy – amaliy faoliyatini samarali tashkil qilish avvaldan rejalishtirilgan, aniq bir maqsadga- mustaqil matn yaratishga yo‘naltirish uchun har bir dars puxta rejalashtirilishi, darsni zamonaviy pedagogik texnologiyalar asosida tashkil qilishi, lozim bo‘lsa, yangi mashq namunalarini tanlab, qo‘shimcha mashg‘ulot sifatida rejaga kiritishi, darsni guruhlararo musobaqa ruhida olib borishi nihoyatda foydalidir. O‘qituvchi doimiy ravishda talabalarni o‘rganilgan mavzu yuzasidan o‘z fikrlarini aytishga undashi, ular tamonidan kiritilgan taklif va mulohazalarni, o‘z iste’dodini namoyish qilishga bo‘lgan urinishlarini ijobiy tushunishi, bunday ijodkorlik, kashfiyotchilik harakatlarini muttasil rag‘batlantirib borishi, ularga sharoit va imkoniyatlar yaratib berishi zarur bo‘ladi.

Tabiiy fanlarni o‘rgatishda laboratoriya hamda amaliy mashg‘ulotlarda yangi pedagogik texnologiyalardan foydalanish o‘zining ijobiy natijalarini ko‘rsatmoqda. YAngi pedagogik usullardan foydalanish nafaqat talabalarga, balki o‘qituvchiga ham ta’lim berish jarayonini engillashtirib bermoqda.

Har bir usul belgilangan muayyan maqsadni echishda o‘z o‘rnida ishlatilsa, u shubhasiz faoldir. Pedagogik texnologiyalar talabalar faolligining yuqori darajasini ta’minlash asosida oldindan belgilangan maqsadga erishishga qaratilgan.

Interfaol usullar ta’lim jarayonida qatnashayotgan har bir o‘quvchining faolligiga, erkin va mustaqil fikr yuritishga asoslanadi. Bu usullardan foydalanganda bilim olish o‘quvchi uchun qiziqarli mashg‘ulotga aylanadi. Interfaol usullar qo‘llanilganda o‘quvchilar o‘qituvchilar yordami va hamkorligida mustaqil ishlash ko‘nikma va malakalariga ega bo‘ladilar. O‘quvchilar yangi bilimlarni ilmiy izlanish, tadqiqotchilik, tajriba-sinovlar o‘tkazish asosida o‘zlashtiradilar. Ilm orqali bilim olish tamoyiliga amal qilinadi. Ta’lim jarayoni qatnashchilari kichik guruhlarga bo‘lingan holda ishlashadi. O‘quv topshiriqlari alohida bir o‘quvchiga emas, balki kichik guruhning barcha a’zolariga beriladi. Mikroguruhlarning har bir a’zosi topshiriqni bajarishda o‘z hissasini qo‘shishga harakat qiladi. Bu holat o‘quvchilarda jamoa tuyg‘usini shakllantiradi va ularning tashabbuskorligini orttiradi. Ta’lim jarayonini tashkil etishning asosiy shakli darsdir. Hozirgi paytda darsning xilma-xil noan’anaviy shakllari joriy etilmoqda. Bunday darslar o‘quvchining ijodiy qobiliyatini o‘stirish, aqliy salohiyatini kuchaytirish, ilmiy dunyoqarashini kengaytirish va har bir yangilikni

tez va to‘la qabul qila olish ko‘nikma va malakalarini tarkib toptiradi. Dars jarayonida innovatsion texnologiyalarni qo‘llash o‘quvchilarda ilmiy izlanishga qiziqishni uyg‘otadi, ijodkorlik va bunyodkorlik qobiliyatini rivojlantiradi. Natijada egallangan bilim, ko‘nikma va malakalar amaliy faoliyatda tatbiq etiladi, o‘zlashtirish sifati oshadi. Buning uchun o‘qituvchi mahoratli bo‘lishi va mavzularning mazmuniga qarab darsni to‘g‘ri rejalashtirishi, mashg‘ulot davomida barcha o‘quvchilarni faol va ongli ishlashlariga erishmog‘i lozim.

Kompyuter texnikasining keng rivojlanishi va uning funksional imkoniyatlarining kengayishi kompyuterlardan o‘quv jarayonining barcha bosqichlarida foydalanishga imkon beradi.

Kompyuter dasturlari talabalarga alohida yondashish imkonini beradi. Kompyuterdan foydalanish keng imkoniyatlar ochib beradi, ya’ni kompyuter axborotni har xil shaklda qabul qilish va uzatish, katta hajmdagi axborotlarni eslab qolish, saqlash, tizimlashtirish, saralash, kerakli axborotni tez topish, shuningdek, har qanday turdagi axborotni (matnli, chizmali va boshq.) tez va aniq o‘zgartirish qobiliyatiga ega.

Kompyuterlardan kimyo hamda fizika fanlarini o‘qitishda xam foydalanishda katta imkoniyatlar mavjud. Kompyuter yordamida o‘qitish nuqtai nazaridan ko‘rgazmalilik tamoyili muhim ahamiyat kasb etadi. Agar an’anaviy xolda ko‘rgazmalilik bu tasviriy tarkib, o‘quvchining predmet va hodisalarni qandaydir shaklda ko‘rish ehtiyojini ta’minlash bo‘lsa, kompyuter yordamida o‘qitishda ko‘rgazmalilik real hayotda eng sezgi va aniq moslamalar bilan har doim ham ko‘rib bo‘lmaydigan tomonlarni ko‘rish imkoniyatini beradi. SHuni nazardan chetda qoldirmaslik lozimki, kompyuter nafaqat o‘qish, balki eshitish, video ko‘rish, shuningdek turli xil tugmachalarni bosish yoki sichqonchani boshqarish yordamida sodir bo‘layotgan voqealarga faol ta’sir ko‘rsatishga imkoniyat yaratadi.

To‘g‘ri tashkil etilgan ma’ruza, laboratoriya yoki amaliy dars mashg‘ulotlarining virtual namoyish ko‘rinishlari o‘qituvchiga o‘rganilayotgan fan yoki bulimda yoritilayotgan bilim asoslari orasidan eng muximlariga etiborni jalb etish imkonini beradi. Auditoriya bilan bevosita aloqani tashkil etish talabalarning tabiiy fanlardan o‘quv materialini o‘zlashtirishi mumkin bo‘ladi. SHuningdek, talabalarning o‘zaro munosabatlari va ular tomonidan berilayotgan savollarning xam inobatga olinishi talim jarayonining samaradorligini taminlashda uziga xos axamiyat kasb etadi. Kimyo va fizika fanlarini o‘qitishda pedagogik texnologiyaning asosiy moxiyati talimda talabalarni qiziqtirib o‘qitish va bilimlarni to‘liq o‘zlashtirishga erishishdir. Talimda berilayotgan bilimlarni talabalarning aksariyat ko‘pchilik qismi puxta o‘zlashtirishi pedagogik texnologiyani joriy etishning asosiy maqsadi xisoblanadi. Ushbu texnologiya asosida dars o‘tishda eng asosiy talab talabaning xayotiy tajribasi avval o‘zlashtirgan bilimlari va qiziqishlari asosida bilim berishni ko‘zda tutadi. Talabalarning tabiiy fanlar bo‘yicha o‘rganilayotgan bilimlarni esga tushirish jonlantirish yangi bilimlarni o‘zlashtirishga asos bo‘ladi. Bilimlar va tayyorgarlikni aniqlash talabani faollashtirish va bilim o‘zlashtirishga ijobiy motivni keltirib chiqaradi. Mavzuni o‘rganishga kirishishdan erkin suxbat, munozara, aqliy xujum va boshqa shakllardan jonlantirish mumkin. Informatsion texnologiyalar samarasini belgilaydigan didaktik materiallardan keng foydalanish zamonaviy pedagogik texnologiyalarning asosiy belgilaridan biridir. Ta’lim jarayoni uning sifati va ahamiyati talabaning bilimini oshirishga yordam beradigan usul va vositalar o‘qituvchining ko‘nikma va malakalari yangi pedagogik texnologiya va informatsion texnologiyalar zamonaviy talimning asosiy belgilaridan biri bo‘lib, ularning amalga oshirish orqali yuqori samaraga erishiladi. Tabiiy fanlarni talabalarga o‘qitishda o‘quv jarayoni uchun axborotli vositalardan foydalanish darajasi ikki omil bilan aniqlanadi.

Xulosa qilib shuni aytishimiz mumkinki, ta’lim jarayoni, uning sifati va axamiyati, talabaning bilimini oshirishga yordam beradigan usul va vositalar, o‘qituvchining ko‘nikma va malakalari, yangi pedagogik texnologiya va informatsion texnologiyalar zamonaviy ta’limning asosiy belgilari bulib, ularni amalga oshirish orqali yuqori samaraga erishiladi. Oliy o‘quv yurtlarida pedagogik texnologiyalar va informatsion texnologiyalarni birga qo‘llansa etishib chiqayotgan mutaxassislar bilimi darajasini oshirishga xizmat qiladi.

Adabiyotlar:

1. Аристанов М.Ж., Хайдаров Ж.С. Проблемы моделного обучения: вопросы теории и технологии. Алма-Ата, “Мектеп” . 2014.
2. Джураев Р.Х. Теория и практика интенсификации профессиональной подготовки учащихся профтехучилищ. Т. : “Фан”, 2001.
3. Кларин М.В. Педагогическая технология в учебном процессе. Анализ зарубежного опыта. - М. : “Знание”, 2010.

DAVLAT BOSHQARUVIDA AXBOROT-KOMMUNIKATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH AHAMIYATI VA MUAMMOLARI

Fazilat Jomonqulova
SamISI dotsenti,
O'zbekiston, Samarqand

Bibisoliha Himmatova
SamISI talabasi,
O'zbekiston, Samarqand

Sohib Kadirov
SamISI talabasi,
O'zbekiston, Samarqand

Shoxruxbek Uralov
SamISI talabasi,
O'zbekiston, Samarqand

Bugungi kunimizni, hayotimizni axborot- kommunikatsion texnologiyalarsiz, insoniyat turmush sharoitini Internetsiz tasavvur eta olmaymiz. Kishilik jamiyati necha ming yillar mobaynida o‘rganib, izlanib, insonlar turmush darajasini yuksaltirish maqsadida revojlanib shunday bir davirga qadam quyildiki ilm-fan, texnika-texnologiya yutuqlari tufayli inson bajaradigan iqtisodiy faoliyatning aksariyat qismi uning aralashuvisiz avtomatik tarzda yuqori samaradorlik bilan texnika-texnologiyalar tomonidan, yaratilgan dasturlar asosida bajarilmoqda.

Shu sababdan ham axborot-kommunikatsiya infratuzilmasining revojlanishi, masofadan turib ta’lim berish, axborot-kommunikatsion texnalogiyalaridan davlat boshqaruvida foydalanish jamiyatning ijtimoiy – iqtisodiy rivojlanish darajasini belgilaydi. Bugungi kunda texnika-texnologiyalar ijtimoiy sohada jumladan, publitistika, ta’lim va fan, sog‘liqni saqlash va boshqa shu kabilarda keng qo‘llanilmoqda, bozor iqtisodiyoti sharoitida cheklangan iqtisodiy resurslardan unumli foydalanish ,ularni to‘g‘ri taqsimlash kabi bugunning dolzarb masalalarni oqilona hal etishda, ularga oz vaqtida yechim topishda axborot- kommunikatsion texnalogiyalari muhim ahamiyat kasb etadi.

O‘zbekiston Respublikasida iqtisodiyotni rivojlantirish, aholi turmush farovonligini yanada yuksaltirish maqsadida keng ko’lamli islohatlar amalga oshirilar ekan, davlat boshqaruvi tizimida fuqorolar talab va istaklarini inobarga olgan holda faoliyat olib borish va buni aholi orasida keng targ‘ib etish, turli qonun va qonun osti hujjatlari bilan muntazam ravishda tanishtirib borish vazifasiga alohida e’tibor qaratilmoqda.

O’zbekiston uchun mulkchilikning xususiy va aralash shakllariga o’tish, energetik, xomashyo resurslaridan unumli foydalanish davrida kompyuter texnologiyalaridan milliy iqtisodni boshqarishdan foydalanish tobora muhim bo’lib bormoqda. Davlat boshqaruvi va bank muassasalarining information tizimlarini kompyuterlashtirishga asosiy e’tibor berildi. Soliq qo’mitasida ma’lumotlarni yig’ish va tahlil qilishning yagona tizimi, abutirientlarni testlar asosida qabul qilish uchun kompyuter tizimi yaratildi. Hisob va statistikaning xalqaro tizimiga mos tahlil qilish va statistika davlat muassasalarida kompyuter tarmoqg’ini yangi texnik darajada tashkil etilmoqda. Vazirlar mahkamasiga xizmat ko’rsatish tizimini avtomatlashtirilgan, xususiylashtirish va mablag’ ajratish jarayonlarini ma’lumot bilan ta’minlash va telekommunikatsion fondli tizimlar yaratilgan. Banklarga Prezident farmoni asosida soliq imtiyozlari berilishi O’zbekiston banklar tizimini kompyuterlar bilan jihozlashga imkon berdi. Deyarli barcha tijorat banklari respublika miqyosidagi elektron tizimiga bog’langan.

Shu maqsadda ko‘plab qonun va farmoyishlar qabul qilingan. Jumladan, mamlakatimizda fuqorolar o‘zi istagan axborotni izlash va olish huquqiga ega ekanligi O‘zbekiston Respublikasining Konustitutsiyasida ham belgilab quyilgan bo’lib uning 30- moddasida O‘zbekiston Respublikasining barcha davlat organlari, jamoat birlashmalari va mansabdor shaxslari fuqorolarga ularning huquq va manfaatlariga daxildor bo‘lgan hujjatlar, qarorlar va boshqa materiallar bilan tanishib chiqish imkoniyatini yaratib berishi lozimligi belgilangan.

Sohani rivojlantirish maqsadida qabul qilingan dastlabki qonunlar deb:

“Telekommunikatsiyalar to‘g‘risida”gi 1999- yilning 20- avgustda qabul qilingan va unga 2011-yil 30-dekabrda bazi o‘zgartirish va qo‘shimchalar kiritlgan, “Elektiron raqamli imzo to‘g‘risida”gi qonun 2003- yil 11-dekabrda qabul qilingan qonunlarni ayta olamiz. 2014-yil 5-mayda qabul qilingan “Davlat hokimyati va boshqaruv organlari faoliyatining ochiqligi to‘g‘risida”gi, keyini asos qonunlardan biri, “Elektiron hukumat to‘g‘risida”gi qonun bo‘lib, 2015-yil 9-dekabrda qabul qilingan. Ushbu huquqiy hujjatlar davlat organlari faoliyatining samaradorligini oshirishga, jismoniy va yuridik shaxslarga axborot-kommunikatsion texnologiyalaridan keng foydalanish orqali davlat xizmatlarini ko‘rsatishga , foydalanuvchilarga yanada qulayliklar yaratishga, vaqt sarfi va ortiqcha xarajatlarsiz kerakli hujjatlar va ma’lumotlarni uzatishga qaratilgandir. Jumladan, elektron hukumatni joriy etilishi O‘zbekiston Respublikasi qonunchiligi sohasida tadbiq etilgan bugungi eng kerakli huquqiy o‘zgarishdir.

Elektron hukumatdan (huquqiy hujjatdan) foydalanishdoirasiga ko‘ra tizimni to‘rtta tashkil etuvchilarga bo‘lish mumkin:

Elektron hukumat tizimi			
			Davlat -Aholiga
		Davlat- Biznesga	
	Davlat-Davlatlarga		
Davlat-Xorijliklarga.			

Bu borada tadbiq etilgan samarali tizimlardan biri – bu “Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalini”ni ham, uning qulayliklarin: jumladan, davlat organlari rahbarlari qabuliga onlayn yozilish, davlat organlaridagi mavjud bo‘sh ish o‘rinlari uchun ma’lumotnomalarni yuborish, onlayn ariza yozish va shu kabi xizmatlarni ham itirof etish mumkin.

Tatqiqotchilarning fikricha bir ish kuni mobaynida kishilar aksariyat hollarda faqatgina to‘rt soat samarali mehnat bilan shug‘illanadi. Bu esa juda past ko‘rsatkich bo‘lib, uning samaradorligini oshirish uchun qulay mehnat sharoitlarini yaratish va zamonaviy axborot texnalogiyalaridan keng va maqsadli foydalanishni tadbiq etish zarur. Respublikamizda internetdan foydalanuvchilar soni kun sayin ko‘payib bormoqda. Bugungi kunda ular 10 mln. 250 ming kishidan oshdi yoki mamlakatimiz aholisining uchdan bir qismini tashkil etmoqda. Respublikamizda internetning o‘tkazuvchanlik darajasi 4 baravar oshirildi. Bundan ko‘rishimiz mumkinki, davlat boshqaruvi va “Elektron hukumat” tizimi ham samaradorlik darajasida axborot-kommunikatsion texnologiyalarining qo‘llanilish doirasi ham, o‘rni ham muhum ahamiyat kasb erib botaviradi.

Bugun har birimizga ma’lumki alohida davlat yoki tashkilot yolg’iz individual tarzda yuksak darajadagi rivojlaninshga erisha olmaydi. Shu manoda bugun biz “Davlat boshqaruvida axborot-kommunikatsion texnologiyalari”ni keng joriy etishda xorij tajribasini o‘rganish orqali samarador usullardan foydalanishimiz lozim. BMT tomonidan o‘tkazilgan o‘rganishlarga ko‘ra Elektron hukumatni davlat boshqaruviga joriy etish bo‘yicha yetakchi 10 davlatlar retingi aniqlangan .Unga ko‘ra Janubiy Koreya, Germaniya, Buyuk Britaniya, Daniya, AQSH, Fransiya, Shvitsiya, Norvegiya, Finlandiya, va Singapur kabi davlatlar yuqori o‘rinlarni egallagan.

MDH davlatlari bo‘yicha Rossiya Federatsiyasi eng yuqori o‘rinni egallagan bo‘lib, 2008-yildan bo‘yon BMT Janubiy Koreya elektron hukumatini dunyoda eng yaxshi va samarali deb tan olinmoqda. Ushbu davlatda elektron hukumat infratuzilmasi hamda asoslari 1987-yildayoq boshlangan.

Hozirgi kunda axborot – kommunikatsiya texnologiyalari jadallik bilan rivojlanib bormoqda, foydalanuvchilari tobora ortib bormoqda. Axborot texnologiyalari mukammallashib bormoqda, bu esa foydalanuvchidan ma’lum bilim va ko‘nikmalarni talab qiladi. Boshqa tomondan, foydalanuvchilarning kompyuterlar bilan muloqoti soddalashmoqda. Kompyuterlar va axborot tizimlari soha mutaxassisi bo‘lmagan odamlar uchun ham tushunarli bo‘lib bormoqda. Jadal sur’atlarda rivojlanayotgan yangi axborot texnologiyalari inson hayoti, faoliyatining barcha jabhalarini qamrab olib, davlat, fan, texnika va iqtisodiyotning barcha sohalari taraqqiyotiga o‘z ta’sirini ko‘rsatmoqda. Ilmiy-texnik taraqqiyot yutuqlarini birinchi navbatda aks ettiradigan eng muhim sohalardan biri – bu internet tizimi sohasi hisoblanadi.

Zamonaviy axborot va kompyuter texnologiyalari, raqamli va keng formatli telekommunikatsiyalar, Internetni nafaqat maktab, litsey, kollej va oliy o‘quv yurtlariga, balki har bir oilaga joriy qilish harakatlari bugungi kunda tobora kuchayib bormoqda. Aynan zamonaviy aloqa va axborot texnologiyalari tizimini keng ko‘lamda rivojlantirish mamlakatimiz va jamiyatimizning taraqqiyot darajasini ko‘rsatadigan mezonlardan biri bo‘lib xizmat qiladi.

Internet bu – hozirgi zamon talabidagi yagona ommabop kompyuter tarmog'i hisoblanib, bizga barcha sohalarga oid noaniqlik ya'ni ongimizga mavhum bo'lgan tushunchalar haqida ochiq, oddiy va ravon ma'lumot beruvchi axborot manbaidir. U bizning hayotimizga shunchalik tez kirib keldiki, yaqin hamrohimizga aylangandek go'yo. «Uzog'imizni yaqin, yo'g'imizni bor qiluvchi» bu vosita zarur bo'lgan ma'lumotni topish, xorijda ta'lim olayotgan yoki xizmat safarida yurgan yaqinlarimiz bilan muloqotda bo'lish uchun keng imkoniyatlar eshigini ochmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. “Axborot-kommunikatsion tixnalogiyalari va tizmlari” o’quv qo’llanma. SamISI, Samarqand-2016.
2. “Elektron raqamli imzo” to’g’risidagi qonun, 2003- yil 11-dekabr.
3. A.A.Iminov, M.X.Djamatov, “Boshqaruvda axborot texnalogiyalari”, ma’ruzalarkursi,O‘zbekiston Respublikasi IIV Akademiyasi, Toshkent-2017.
4. www.gov.uz.
5. www.lex.uz.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ЎЗБЕКИСТОН ҲУДУДИДА КУРАШНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Имомов Мавлон Абдусаломович
СамДУ ўқитувчиси,
Ўзбекистон, Самарқанд

Мирзаев Иброҳим Илҳомович
СамДУ ўқитувчиси,
Ўзбекистон, Самарқанд

Ўрта Осиё халқлари оғзаки ижоди намуналаридан бўлмиш “Алпомиш”, “Гўрўғли”, “Авазхон”, “Рустам”, “Тўлғоной” каби достонларда паҳлавонлар кураши мадҳ этилиб, эпчил ва чаққон, зукко ва доно полвонлар улуғланган. Улар миллат қахрамонлари тимсоли сифатида эъзозланган. Аслини олганда мазкур халқ оғзаки ижоди намуналарида халқ баҳодирлари ва уларнинг мардлик ва жасурлик бобидаги ишлари улуғлунган ҳамда комил инсон тмисоли сифатида тасвирланган.

Улуғ мутафаккирлар Абу Али ибн Синонинг “Китоб ал-қонун фит-тиб”, (Тиб қонунлари), Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Амир Темурнинг “Темур тузуклари”, Алишер Навоийнинг “Ҳамса”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” каби асарларида кураш ҳақида қимматли маълумотлар берилган. Ушбу қимматли манбааларда кураш ҳақида муҳим аҳамиятга эга маълумотлар келтирилган.

Кураш ўзбек халқ эртакларида ҳам акс эттирилган. Масалан, “Ҳасан ва Зуҳро” эртагида биз қуйидаги сатрларни ўқиймиз: “ ... орадан етти йил ўтиб кетибди, Ҳасан ва Зуҳро анча улғайибдилар. Кунладан бир кун Ҳасан болалар билан кураш тушибди ва шу зайлда бутун қишлоқ болаларини енгибди. Ҳасан улғайиб, ёши ортиб борган сари кучи ҳам ошиб борибди. Курашда катта ёшли кишиларни ҳам курагини ерга тегиза бошлабди”.

Халқ оғзаки ижоди асарлари орасида “Алпомиш” достони алоҳида ўрин эгаллайди. Ундаги бадиий ғоя ҳаётий асосга эга бўлиб, реал тарихий воқеалар билан қўшилиб кетади. Достонда полвонларнинг беллашуви, уларнинг кучлилик, чаққонлик, чидамлилик, ботирлик ва курашиш усулларини қўллай билиш соҳасидаги хусусиятлари бадиий формада тасвирланади.

“Алпомиш” достонида тасвирланган кураш манзарасидан курашувчилар махсус кийим ва белбоғига эга бўлганлигини, кураш вақт жиҳатидан чекланмаганини, рақибини белбоғидан ушлаб олиш асосий усул ҳисоблaнганлигини кўриш мумкин.

Тарихчи, этнограф ва файласуф олимларнинг олиб борган тадқиқотлари, изланишлари ва археологик илмий қидирувлари, кузатишлари натижасида топилган ашёвий далиллар кураш ҳақида бизга қимматли маълумотлар беради. Кураш қадимги Моворауннаҳр худудида пайдо бўлган дастлабки яккама-якка беллашув ҳисобланади.

Қадимий қўлёзмаларда эрамиздан олдинги даврларда ҳам курашнинг оммавий томошалар ва халқ йиғинлари таркибидан муносиб ўрин олганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Буни кўпгина ёзма ва тарихий ёдгорликлар тасдиқлайди. Масалан, Антик дунё олими Элиан Клавдий маълумотларига кўра ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида қадимда Сак ва Массагет каби қабилалар яшаган. Улар ўртасида кучлар синови – кураш кенг тарқалган бўлиб, йигитлар ўйланадиган бўлишса, қаллиқларини курашда енгиши лозим бўлган. Бу анъана ўша даврда хотин-қизлар ҳам кураш билан шуғулланганлигидан далолат беради.

Машҳур шарқшунос ва этнограф С.П.Толстов ўзбеклар ўтмишда Ийди Рамазон, Қурбон ҳайити каби маросимларида, Наврўз кунларида ва сайилларида курашга катта аҳамият берганлигини ёзиб ўтган. Шу байрамларнинг дастлабки уч кунида кексалар раҳбарлигида кураш уюштирилган, эл томошага чиққан, маҳбуслар озод қилинган, айбдорларнинг гуноҳидан ўтилган. Ўзбек халқининг турмуши ва ҳаётида кураш муҳим аҳамият касб этган.

Саъдий Шеърозийнинг “Гулистон” асарида халқ миллий курашига катта ўрин берилган. Жумладан, у бир кимса курашиш маҳорати ва санъатини эгаллаб олган ва уч юз олтмишда жуда яхши хийлани билиши, шу сабабли ҳар куни бошқа усул билан кураш тушишини ёзади. Ўз шогирдларидан бирини ёқтиргани учун унга 359та усулни ўргатган. Биттасини эса ундан яширган. Йигитча кураш санъатини мукаммал ўзлаштиргандан сўнг тўла кучга эришган, ҳеч ким унга қаршилик кўрсата олмаганлиги кўрсатиб ўтилган.

Бинобарин, халқ миллий курашнинг жуда кўп усуллари бўлган. Бу усулларга ўргатган устоз (тренерлар) ҳам бўлган, лекин афсуски, буларнинг тавсифи бизгача етиб келмаган.

Тарихчи этнограф ва тилшунос Маҳмуд Қошғарий ўзининг “Турк оғзаки ва ёзма ижодиёти тўпламиˮ номли машҳур асарида белбоғидан ушлаб олиб, рақибининг бўйнини қайирган, тез ҳамда чаққонлик билан оёқларини ҳаракат қилдириб, беллашувда ғалабага эришган полвонлар кураши ҳақида ёзади. Мазкур қўлёзма ҳам бизга кураш тўғрисида қимматли маълумотлар беради.

Академик А.Асқаров қадимги полвонлар хусусида жуда қизиқ маълумотларни келтириб, жумладан шундай дейди: “Қадимда кураш майдонига олишишга чиқадиган таниқли полвонлар билагида белги бўлган. Курашувчи агар аёл бўлса, бундай белги аёлнинг бўйнида бўлган. Бу одат жуда қадим-қадимлардан Енисей қирғизлари ва Олтой туркларида бўлганлиги ҳақида Хитой манбаларида маълумотлар учрайди. Белги қўйилган йигит ва

қизлар туркий халқларда полвонларнинг полвони, таниқли курашчилар ҳисобланган. Оддий кундалик ҳаётда улар ўз белгиларини кийим остида сақлаган ва уларни бошқалар пайқамаган, кураш майдонига чиққанда эса, уларнинг белгисига кўзи тушган рақиб ҳаяжонга тушган. Томошабинларнинг олқишлари ҳам кўпроқ уларга қаратилган”.

Ўзбек халқи миллий курашни инсонни жисмоний тарбиялаш воситаси деб қарарди. Халқ ўзида кучлиликни, чидамлиликни, ирода ва ботирликни меҳнаткаш халқнинг ахлоқий софлигини мужассамлаштирган курашчи полвонларга ҳурмат билан муносабатда бўлар эди. Диний ва оилавий байрамларда, баъзан эса одатдаги кунларда ишдан бўш вақтларда кураш мусобақалари ўтказилар эди. Бу мусобақалар Наврўз байрами кунлари кенг авж олиб, оммавий халқ ғолиблиги сифатида ўтказилар эди. Унда турли шаҳар ва қишлоқлардан келган курашчилар иштирок этдарди.

Фарғона қоидаси бўйича курашувчилар пахтали чопонда, Бухоро қоидаси бўйича курашувчилар эса пахтасиз авра тўн кийиб курашардилар. Бел эса белбоғ билан боғлаб олинар эди. Курашувчилар миллий иштонда, баъзан махси кийиб курашардилар. Одатда оёқ яланг кураш тушилар эди. Курашувчиларнинг бундай кийиниши ҳозирги кунгача сақланиб қолган.

Этнографик тадқиқотларга кўра, мамлакатимиз ҳудудида курашимиз милоднинг IX-X асрларида кенг ривожланган бўлиб, халқ орасида ўтказилган сайилларда ва оммавий томошаларда кураш мусобақаларини ўтказиш одатга айланган экан.

Қадимий манбаалардаги маълумотлар курашимизнинг қанчалик ривожланганига ва ўзбек элида кўп баҳодирлар ўтганига далил бўлади. Улар куч синаш, оғир юкларни кўтариш, кураш бобида мислсиз маҳоратлари билан етти иқлимга донг таратганлар ва халқ орасида полвонлар деб аталганлар. Ўзбек халқ оғзаки ижодининг намуналари - “Алпомиш”, “Тўлғаной”, “Гўрўғли”, “Рустам” ва бошқа шу каби достонларда ҳам полвонлар кураши мадҳ этилган.

Милоднинг X асрида ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида кўплаб кураш мусобақалари ўтказилганлиги ёзиб қолдирилган. Қадимги хитой қўлёзмаси - “Тан-шу”да Фарғонада Наврўз байрамида аҳоли иккига бўлиниб, мусобақалар ўтказилганлиги қайд этилган. X аср араб географи ва саёҳатчиси Мақсидийнинг маълумот беришича, Марв, Самарқанд, Балх каби йирик шаҳарларда ҳам Наврўз байрамида шундай беллашувлар ўтказилган. Халқ ўз хохиш-иродаси ва қизиқиши билан маълум бир жойга тўпланган ва кураш баҳслари ташкил этилган.

Қадимда Ўзбекистон ҳудидида бир қанча кураш турлари мавжуд бўлиб, улар бир неча йўналишларни ўзида мужассамлаштирган ва умумий “кураш” номи билан юритилган. Ана шу кураш турларининг ҳар бири амлиётида қўлланилишига кўра турлича номланган ва уларининг барчасида ҳам курашчининг эгнида яктак, унинг устида чопон (яктак) ва белида белбоғ бўлган. Кураш амаллари белбоғдан ушлаш орқали бажарилган.

Кураш ва унинг тарихий ривожланиши ҳақида гап кетганда Пахлавон Маҳмуд алоҳида аҳамият касб этади. Асли касби мўйнадўз бўлиб, кураги ерга тегмаган эди. Паҳлавон Махмуд XIII асрнинг иккинчи ярми ва XIV асрнинг бошларида яшаб ижод этган файласуф шоир ҳамдир. Махмуд ота-онаси Урганчдан Хивага кўчиб келаётганларида 1248 йилда Хива яқинида туғилади. Махмуд жисмоний жиҳатдан жуда бақувват йигит бўлиб етишган ва кураш билан шуғулланган. Хоразмнинг кўп шаҳарлари ва Ҳиндистонга бориб кураш тушади, доим ғалаба қозонади. Шунинг учун у Пахлавон номи билан шуҳрат топади. Ҳикоя қилишларича, Паҳлавон Махмуд бир жангда Ҳиндистон шохи Рой Ропой Чунани ўлимдан кутқариб қолади, бунинг эвазига қачонлардир Ҳиндистонга асир тушган хоразмликларни озод эттиради. Оташин ватанпарвар Хива яқинида Чингизхон қўшинига қарши жангларда ҳалок бўлган Хоразм мард жангчиларнинг қабри устига мақбара қурдиради.

Буюк Амир Темур ва Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва санъат, ҳунармандчилик, ҳарбий санъат кенг тараққий этган. Ўша давр маданияти ва ҳарбий санъатининг ажралмас қисми бўлган кураш Амир Темур давлатида муҳим аҳамият касб этган.

Темуршунос олимларнинг таъкилашича Амир Темурнинг ўзи ҳам кураш, куч синашиш, камондан ўқ отиш, отда юриш бобида тенгсиз бўлган. Кураш Амир Темур аскарлари жисмоний ва ҳарбий тайёргарлигининг ажралмас қисми бўлган. Француз ёзувчиси ва тарихчиси Марсел Брионнинг ёзишича Амир Темур кураш бобида тенгсиз бўлган ва кучли, довюрак аскарларни қадрлаган. Жанг вахтида баъзан жангчилар куролсиз бўлиб қолганларида яккама-якка олишишга мажбур бўлардилар. Шундай олишувлардан бирини Амир Темур ўз таржимаи ҳолида таърифлайди ва бунда кураш алоҳида талқин қилинган.

Амир Темур давлатининг емирилиши тўпланган мавжуд тажриба ва ютуқларнинг ҳам барҳам топишига олиб келди. Кейинчалик, Бобур кураш билан машғул бўлган ва аскарларига кураш сирларини ўргатганлиги тарихий манбаалар ва қўлёзмаларда ўз ифодасини топган. Бобурнинг Ҳиндистонга кетиши ва у ерда ҳукмронлик қилиши натижасида кураш ҳам ривожланган ҳамда кейинчалик кураш кенг тарқалган.

Мустақиллик кураш ривожи учун муҳим аҳамият касб этди. Бугунги кунда кураш спорт тури сифатида ҳам, тарбия воситаси сифатида ҳам катта аҳамият касб этмоқда. Курашни ривожлантириш учун кўплаб дастурлар ва сора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда ва амалиятга изчил татбиқ этилмоқда. Зеро кураш инсон тарбиясига ижобий таъсир кўрсатувчи муҳим омилдир.

Адабиётлар:

1. К. Юсупов. Кураш халқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси. Тошкент., "Ғофур Ғулом" нашриёти. 2005 йил, 132 бет.
2. Ж. Тошпўлатов, Р. Мустафақулов. Алпомишлар Афсона эмас. Янги Аср авлоди., 2007 йил. 121 бет.
3. Ҳ. Бобобеков [ва бошқалар]. "Ўзбек кураши довруғи" Тошкент., 2002 йил. 83 бет.
4. С.Турсинов [ва бошқалар]. Ўзбек миллий кураши: тарихи ва аньаналари. Термиз - 2015.
5. Ф.Қ.Ахмедов, А.Р.Абдулахаов. Ўзбек кураши – миллий ва умуминсоний қадриятдлар дурдонаси. Тошкент – 2017. 128 бет.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИДА ИННОВАЦИОН ВОСИТАЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ АФЗАЛЛИКЛАРИ

Имомова Гулчеҳра Рустамовна

Қизириқ тумани 32- мактаби бошланғич синф ўқитувчиси,
Ўзбекистон, Термиз

Замонова Умида Рустамовна

Қизириқ тумани 16-умумий мактаби бошланғич синф ўқитувчиси,
Ўзбекистон, Термиз

Ғузарова Анорхол Алланиёзовна

Қизириқ тумани 16- мактаби бошланғич синф ўқитувчиси,
Ўзбекистон, Термиз

Ёш ўқувчиларни ўқишга қизиқишини оширишда, ўқитувчининг ўқитувчилик маҳоратини қанчалик моҳирона бажаришига боғлиқ, ҳозирги замон бошланғич таълимининг ўзига хос асосий жиҳати шундаки, унда бериладиган маълумотлар мазмуни деярли барқарор дарсликка асосланишидир. Ўқув дарслиги – бу асосий мазмуни жиддий системада тушунарли қилиб баён қилинган китоб. Дарсликнинг асосий вазифаси ўқувчиларга мустақил билим олишларида ёрдам беришдир. Дарслик – ўқувчилар учун мўлжалланган асосий ва зарурий ўқитиш воситасидир. Математика дарслиги дастурга мос тузилиб, унинг талабига жавоб беради ва ҳар қайси масала қай даражада қаралиши кераклиги кўрсатилади.

Дарслик тузилиши, асосан, дастур бўйича аниқланади, дарсликдаги билимлар дастурда ажратилган бўлимларга асосан мос келади. Бўлимлар эса мавзуларга ажратилади. Ишни дарслик бўйича режалаштиришда шуни назарда тутиш керакки, дарсликда ҳамма дарслар сонининг 3/4 қисми алоҳида дарс кўринишида ишлаб чиқилган. Қолган дарсларда «Мустаҳкамлаш учун машқлар» ва бошқа манбалардан фойдаланиш керак. Дарслик билан ишлашни ўргатиш асосан 2 йўналишда олиб борилади.

1. Ташкилий характердаги иш.

2. Дарслик билан унинг мазмуни ва моҳияти бўйича ишлаш.

1. Мактабда биринчи дарсларданоқ ўқувчилар дарслик билан ишлашга ўрганишлари лозим. Уни авайлаб сақлаш унинг тегишли саҳифасини топа олиш малакаларини эгаллашлари керак. Кейинроқ машқларни номерлаш, китоб бўлимларини ажратиш, сарлавҳалар билан танишадилар. Ўқувчилар энг бошидан бошлабоқ дарсликка ҳеч нарса ёзмаслик кераклиги тушунтирилади.

2. Математика дарслигида назарий ва амалий материаллар ҳам берилади. Шу сабабли дарсликдан дарснинг турли босқичларида фойдаланиш мумкин.

Дастлабки вақтларда дарслик бўйича ишлашдан оғзаки тушунтиришларни мустаҳкамлаш учун фойдаланилади. Масалан. 34+20 ва 34+2 кўринишдаги ҳоллар учун қўшиш усуллари билан ўқувчиларни таништиришда иллюстрациялардан ва ўқитувчининг барча амалларни тўла ёзгандан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Шундан кейингина мустаҳкамлаш сифатида расмларга ва шундай мисоллар ечимларининг дарсликдаги ёзилишига мурожаат қилиш мумкин. Ўқиш малакаларининг эгалланиш даражасига қараб ўқувчиларни дарсликда берилган матнларни мустақил ўқитиш керак. Математик адабиётни ўқишга ўргатишдаги биринчи қадам бу масала матнини ўқишдир.

Математика дарслигида берилган материал айрим тарбиявий масалаларни ҳам ҳал қилади. М: расмлар орқали, эстетик тарбия, масалаларни ечиш орқали иқтисодий саводхонлик каби тарбиялар амалга ошади. Дарслик билан мустақил ишлаш малакасини тарбиялаш катта аҳамиятга эга, чунки дарслик мустақил ишлаш учун кенг имкониятлар яратади. Математика ўқитиш жараёнининг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида ўқув методик комплекси яратилади. Бу комплекс таркибида дарсликдан ташқари ўқувчилар ва ўқитувчиларга мослаб ёзилган методик қўлланмалар, карточкалар, босма асосли дафтарлар, машқлар тўпламлари ва бошқалар чоп этилади. Методик қўлланмаларда курснинг ҳар қайси бўлими, учун режалаштириш, ўқувчиларга қўйилган талаблар, оғзаки ва ёзма машқлар учун материаллар ҳамда айрим дарсларга доир методик кўрсатмалар берилади. Карточкалар – дарсликларга қўшимча тариқасида нашр этилади. Унинг асосий мақсади индивидуал топшириқлар бўйича ўқувчилар мустақил ишларини ташкил қилишда, дастурнинг асосий материалларини пухта ўзлаштиришда ёрдам беради. Босма асосли математика дафтари асосан ўқувчиларнинг фронтал мустақил ишларини ташкил қилишга мўлжалланган. Бу дафтар матнларни механик равишда кўчириб ёзишдан озод қилади ва шу билан ўқув вақтидан яхши фойдаланиш имконини беради. «Бошланғич таълим», «Халқ таълими», «Маърифат» каби газета ва журналлардан ҳам жуда кўп фойдали билим, маслаҳат ва тавсиялар олиш мумкин. Кўрсатмали қўлланмалар деб асосида предметли реал моделлар ётувчи ўқитиш воситаларига айтилади.

Кўрсатмалиликнинг бошланғич таълимдаги ўрни ўқувчиларнинг абстракт ва конкрет тафаккурларини ривожлантиришдан иборатдир. Кўрсатмаликдан фойдаланиш ўқувчиларнинг эътиборини, диққатини қўзғатади, ўрганилаётган

материални пухтароқ ўзлаштириш имконини беради, ўқув жараёнини бошқариш учун яхши шароит яратади, вақтни тежаш имконини беради. Шунинг учун, ўқитувчилар олдида кўргазмали материал танлашга қўйиладиган талаблар мавжуд бўлиб, булар: а) Етарлича миқдорда кўрсатма материал билан таъминлаш асосида умумлаштириш амалга оширилади. М: 4 сонини ҳосил бўлиши билан таништиришда ўқитувчи 3 та доирачага 1 та доирачани, 3 та чўпга 1 ни қўшишни мустақил бажартиради ва умумий савол қўйилади, 3 га 1 ни қўшилса, қандай сон ҳосил бўлади. б) Ҳар хил кўргазмали материал билан етарлича таъминлаш. Бунда ўқувчиларда тўғри умумлаштиришни таркиб топтиришнинг зарурий шартини аниқлаш муҳимдир. Мисол учун: 3 сони миқдорий жиҳатдан муҳимдир, предметнинг ранги, ўлчами, ўрни муҳим эмас. в) Математика ўқитишда кўрсатмалиликнинг бир туридан иккинчи турига ўтиш ҳам катта аҳамиятга эга. Буни аввало масала ечишда кўрамиз, олдин масала шарти иллюстрацияланади, аста – секин схема, расм ёки чизмадан фойдаланиб, масала шартининг қисқа ёзувига келинади.

Математика ўқитишда ҳаракатли динамик қўлланмаларга, индивидуал кўрсатма - қўлланмалар ва дидактик материалларга кенг ўрин берилади. Кўрсатма - қўлланмалар: натурал ва тасвирий бўлади. Натурал кўрсатмалилик: турмушда учрайдиган атрофимиздаги нарсалар: дарахтлар, қаламлар, чўплар, кубчалар. Санноқ чўплар энг муҳим ва кенг қўлланилади, улардан номерлашни ўрганишда; санноқ бирликларини ҳосил бўлиши ҳақида тасаввур оладилар.

Тасвирий кўрсатмалилик ҳам бир неча турга бўлинади.

а) Математик символлар (рақам, ишоралар, муносабат белгилари). Бундай белги, рақамлар катакли тахтача ва сақлаш кассалари билан бирга ўқув – техника саноати ёки ўқувчилар қўли билан ишлаб чиқарилади, булар ёрдамида сонларни рақамлар билан тасвирлаш, сонларни таққослаш натурал сонлар қатори хоссалари ўрганилади, мисол масалаларнинг ечимлари ѐзилади. М: $5 + x = 7$ тенгламани киритиш.

б) Кўрсатма расмлар. Уларни нашриётлардан ёки қўлда тайёрланади, ҳар бир расмда битта нарсанинг расми (мевалар, гуллар…) бўлади. расмлар қирқилиб конвертда сақланади, асосан улардан биринчи 10 лик сонларни ўргатишда фойдаланилади. Бундан ташқари, улардан ҳисоблаш усуллари, амал хоссалари билан танишишда ҳам фойдаланиш ўринли ва қулай. (2+3)+4.

в) Геометрик фигуралар модели. Объект шаклини тўғри идрок қилиш, предмет шаклини абстрактлаштириш қобилиятини ривожлантириш учун ўқувчилар фигураларнинг моделларини кузатиш билан бирга ўзлари ҳам шундай моделларни мустақил ясашлари жуда муҳимдир. Масалан, ўқувчилар қоғоздан тўғри бурчакнинг моделини ва пластилиндан ва 2 та чўпдан ҳаракатга айланади. Бурчак моделини тайёрлаши, доира, 2 so‘m 3 so‘m ? 60 кўпбурчаклар дициметр, метр моделларини ясашлари натижасида уларнинг бу тушунчалар ҳақидаги тасаввурлари яққол намоён бўлади.

г) Сонли фигуралар предметларнинг миқдорий гуруҳларини таққослашга, рақамлар билан сонларни мос келтиришга ёрдам беради. д) 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100, 200, 500, 1000. сўмлик пул моделлари. е) График моделлар (расм, схема, чизма). Уларни кўпинча ўқитувчи ўқувчи ясайди. График моделлар ўқувчиларнинг абстракт ва конкрет тафаккурларининг ривожланишига яхши асос яратади; арифметик, алгебраик, геометрик материаллар орасида чуқурроқ математик боғланишни таъминлайди; математика қизиқишни орттиради. 1. Инструктив (кўрсатма) жадваллар рақамларни ёзиш, арифметик амаллар алгоритмларини бажариш, масалалар ечишга кўрсатма беради. 2. Справочник (маълумотнома) жадваллар М: қўшиш жадвали, кўпайтириш жадвали.

3.Ўргатувчи жадваллардан асосан янги тушунчани шакллантиришда фойдаланилади. М: вақт ўлчовлари, масса (оғирлик) ўлчовлари, тезликлар жадвали кабилар ҳисоблашларни ташкил қилишда ёрдам беради. Бошланғич синфларда техник восита сифатида экран қўлланмалар кенг қўлланилади. Буларни ҳам шартли равишда қуйидагича гуруҳлаймиз.

1. Динамик ва 2. Статик қўлланмаларга бўлинади. 1. Динамик қўлланмаларга кинолавҳа, кинофилм, видеотасвир каби ҳаракатли воситалар киради. Лекин давлат томонидан бошланғич математика учун улар тайёрланмаган. 2. Статик қўлланмаларга диафильм, диапозитивлар киради. «Ўзбеккинохроника» студияси ўзбек тилида бир қатор диафильм ишлаб чиқарган. Диафильм – 36-40 кадрли узлуксиз лентадан иборат бўлиб, ҳар бир кадрга туширилган тексти (субтитр) берилган ва кадрлар маълум тартибда жойлаштирилган. Диафильмлар асосан, ўтилган материални мустаҳкамлаш, такрорлаш, ўргатувчи ва назорат қилувчи ҳар хил мустақил ишларни ўтказишда фойдаланишни кўзда тутиб тузилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абдуллаева Қ., Сафарова Р., Бикбоева Н. ―Бошланғич таълим концепцияси Бошланғич таълим, 6-сон. –Т.: 1998. – Б. 2-9.
2. Абдуллаева Қ, Сафарова Р ва бошқалар. ―Бошланғич таълим стан- дарти‖ Бошланғич таълим, 6-сон. -Т.: – 1998. – Б. 9-6.
3. Абдураҳмонова Н., Жумаев М., Ўринбоева ― Бошланғич синфлар учун математикадан дидактик материаллар. Ўқитувчилар учун методик қўлланма. –Т.: Истиқлол. 2004 йил,152 бет.
4. Абдураҳмонова Н., Ўринбоева Л. ― Математика 2-синф ўқитувчилар учун методик қўлланма. Тошкент : ― Ўзбекистон/ НМИУ – 2012 йил.208 бет.

БОШЛАНҒИЧ СИНФЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАРСЛАРИДА ХАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Шермамедова Халима Техроновна

НамДУ магистранти,
Ўзбекистон, Наманган

Долзарблик. Харакатли ўйинлар инсон жисмоний фаоллигини оширувчи энг муҳим воситаларидан биридир. Жисмоний тарбиянинг муҳим элементи саналган ҳаракатли ўйинлар хилма-хил бўлиб, ўйинлар жараёнида иштирокчилар бевосита ҳам ақлий ҳам жисмоний тарбияланиб борадилар [1]. Тадқиқотлар ва кузатишлар шуни кўрсатадики, ҳаракатли ўйинлар инсон тарбияси ва унинг жисмоний ҳаракатларга бўлган эҳтиёжини қондирувчи муҳим восита ҳисобланар экан.

Айниқса, ҳаракатли ўйинларни болалик давридан бошлаб ўйнаш турли ҳаракат сифатларининг оптимал ривожланишига самарали таъсир кўрсатиши аниқланган. Шу сабабдан ҳаракатли ўйинларни таьлим тизимида, хусусан, бошланғич синфлар жисмоний тарбия дарсларида қўллаш муҳим аҳамият касб этади [2, 3]. Аммо, бу жараёнда ҳаракатли ўйинларни қўллаш билан боғлиқ ташкилий-педагогик масала мавжуд. Мазкур ҳолат бевосита педагог (ўқитувчи, ташкилотчи) ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро самарали алоқадорлик асосида юзага келади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларга асосланган ҳолда мақола мақсади бошланғич синфлар жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни қўллаш масаласини тавсифлаш сифатида белгиланди.

Материаллар ва методлар. Мақолани тайёрлашда мавзуга доир адабиётлар таҳлил қилинди. Бошланғич синфлар жисмоний тарбия дарсларида қўлланилиши мумкин бўлган аракатли ўйинлар таснифланди ва муаммонинг амалиётдаги ҳолати назарий жиҳатдан ўрганилди. Олинган маълумотларга асосан хулосалар шакллантирилди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Мавзуга доир манбааларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики мақола мавзуси муайян даражада ўрганилган. Мазкур масала бўйича республикамиз ва ҳорижий олимлар тадқиқотлари диққатга сазовордир.

Ҳаракатли ўйинлар билан боғлиқ бўлган тадқиқотлар ва кузатишлар турли мутахассислар томонидан амалга оширилган. Масалан, Т.Усмонхўжаев, Ф.Хўжаев, Х.Мелиев, Х.Туленова, К.Махкамжонов, Р.Қосимова, Ф.Ахмедов, Б.Кипчаковлар ўз ишларида ҳаракатли ўйинлар ва уларнинг турли жиҳатларини талқин қилганлар. Улар фикрича, ҳаракатли ўйинлар юқори дидактик аҳамиятга эга бўлиб, уларни таьлим тизими боскичларида қўллаш катта аҳамиятга эга.

Айрим мутахассислар (масалан, Ф.А.Керимов, Р.Д.Халмухаммедов, С.С.Тажибаев) фикрича ҳаракатли ўйинларни спортчилар тайёрлаш тизимида қўллаш муҳимдир. Спорт турларининг хусусиятларидан келиб чиқиб ўйинларни танлаш ва улардан оқилона фойдаланиш тавсия этилган. Хусусан, кураш (Ф.А.Керимов) ва бокс (Р.Д.Халмухаммедов, С.С.Тажибаев) спорт турларида ёш спортчилар учун махсус ҳуракатли ўйинлар таснифи аниқланиб амалиётда қўллаш юзасидан тегишли тавсиялар ишлаб чиқилган.

Бошланғич синфлар 6-10 ёшларни қамраб олади ва биологик нуқтаи-назардан бола организмининг энг ҳаракатчан даврини ўз ичига олади. Шуни инобатга олган ҳолда мазкур даврда ўқувчиларнинг ҳаракатга бўлган эҳтиёжини имкон даражада қондириш зарур.

Умуман олганда ҳаракатли ўйинлар ҳилма-хил бўлиб, адабиётлардаги маълумотларга таянган ҳолда уларни қуйидагича таснифлаш мумкин. Қуйида бошланғич синфлар учун ҳаракатли ўйинлар таснифи келтирилади.

1. Жисмоний сифатларни ривожлантирувчи ҳаракатли ўйинлар. Бу каби ўйинлар асосан турли жисмоний сифатларни ривожлантириши ва серҳаракатлилик талаб қилиши билан характерлидир. Ўйинлар ўта мураккаб характерда бўлиши тавсия этилмайди. Масалан, “Бўри зовур ичида”, “Оқ теракми-кўк терак”, “Чумчуқлар”, “Самолётлар” ва ҳ.к. ўйинларни мисол қилиш мумкин.

2. Ақлий, ахлоқий ва эстетик тарбияловчи ўйинлар. Бу каби ўйинлар бир пайтнинг ўзида ҳам ҳаракат талаб қилади ва айни пайтда интеллектуал хусусиятларни ҳам тараққий эттиради. Тезкор фикрлаш, тезкор қарор қабул қилиш, жой танлаш, рецепторлар фаолиятини ривожлантириш ўйинлар жараёнида бирламчи ҳисобланади. Бу каби ўйинларга “Товуш қаердан келяпди”, “Жой танла”, “Олмахонлар, ёнғоқлар, дуб ёнғоқлар” кабиларни киритиш мумкин.

3. Спортга тайёрловчи ўйинлар. Ушбу ҳаракатли ўйинлар шундай характерга эгаки, ўйинларни ўйнаш жараёнида спорт техникаси ва тактикасига доир ҳатти-ҳаракатлар бевосита бажариб борилади. Фақат ўйинларнинг моҳиятига эътибор қаратиш ва уларнинг мазмунидаги спорт техникаси элементларини қўллаш лозим. Бу каби ўйинлар ўзининг мусобақавий характери билан ажралиб туради. “Хўрозлар жанги”, “Арқончани тортиб ол”, “Балиқ ови” кабиларни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин.

Хулоса. Бошланғич таълимда жисмоний тарбия дарсларини ташкил этиш ўқитувчига муайян талаблар қўяди. Мазкур йўналишдаги тажрибалар ва таҳлиллар шуни кўрсатадики, ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия дарсларини ташкил қилишнинг энг самарали воситасидир. Бу қуйидагилар билан изоҳланади:

1. Ҳаракатли ўйинлар серқирра ва кўп хилдир. Уларни қўллаш ва фойдаланиш хусусиятига кўра турларга ажратиш ва шуғулланувчининг имкониятларига мос ўйинларни ташкил қилиш мумкин.

2. Ҳаракатли ўйинлар оддий ва содда характерга эга. Улардан дарс жараёнидка фойдаланиш ўқитувчиларга қийинчилик туғдирмайди. Шу сабабдан ҳам ўйинлар қийинчиликсиз ўйналади ва ўзлаштириб олинади.

3. Ўйинлар жараёнида ўқувчилар юқори руҳий ва жисмоний зўриқишга учрамайди. Ўйинлар мобайнида кучли чарчоқ ва ҳолсизлик кузатилмайди. Шунингдек, кайфият кўтарилади ва кўтаринки руҳ шаклланади.

Ҳаракатли ўйинлардан жисмоний тарбия дарслари жараёнида фойдаланишда дарс мавзуси, дарс хили (такрорлаш, ўзлаштириш, такомиллаштириш ва ҳ.к.) ва бошқа шу каби хусусиятларга эьтибор қаратиш лозим.

Ҳаракатли ўйинлар таснифига кўра интеллектуал қобилиятларни ривожлантирувчи ўйинлар, жисмоний тайёргарликни оширувчи ўйинлар, спортга тайёрловчи ўйинлар ва бошқа турларга бўлинади. Ўйинларнинг шакли ва мазмунига кўра жамоавий ўйинлар, якка тартибда ўйналадиган ўйинлар кабиларга ҳам бўлинади. Ўқувчиларнинг тайёргарлик даражаси, гуруҳнинг руҳий ҳолати ва бир-бирига муносабати ўйинларни ташлаш ва қўллашнинг асосий мезони ҳисобланади. Жисмоний имкониятни ошириш мақсадида алоҳида ўйинлар, гуруҳдаги дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш мақсадида бошқа турдаги ўйинларни қўллаш тавсия этилади.

Яна шуни таъкидлаш керакки, бошланғич синфлар жисмоний тарбия дарсларида ҳаракатли ўйинларни дарснинг мавзусига мос равишда танлаш лозим. Шунингдек, дарс жараёни уч қисмдан иборат бўлиб, аксарият ҳолларда мутахассислар ва педагоглар ўйинларни дарснинг асосий қисмида ташкил этишга одатланганлар. Аммо, шундай ҳаракатли ўйинлар мавжудки, уларни танани қиздириш, дам олдириш, тинчлантириш мақсадида қўллаш мумкин.

Дарс жараёнида ўйинларни кўп такрорлаш, яни бир хил мазмундаги ўйинларни мунтазам ўйнатиш болаларнинг зерикишига олиб келади. Натижада ўқувчиларда чарчоқ ва диққатнинг бўлиниши каби салбий ҳолатлар кўзга ташланади. Юқоридаги салбий ҳолатнинг олдини олиш учун турли ўйинлардан кенг фойдаланиш, хилма-хил образли ўйинларни ташкил этиш зарур. Шунингдек, ривожланишда орқада бораётган ўқувчиларга алоҳида аҳамият қаратиш лозим.

Ҳаракатли ўйинларни дарс жараёнининг кириш, асосий ва якуний қисмларида кенг қўллаш имконияти мавжуд. Бунинг учун педагог-ўқитувчи ўйинларни танлаш ва уларни қўллаш тажрибасига эга бўлиши талаб этилади.

Адабиётлар:

1. Ахмедов.Ф.Қ. Жисмоний таълимда миллий анъаналарнинг ўрни. Монография. Тошкент., “Фан” нашриёти. 2010. 96 бет.
2. Усмонхўжаев.Т.С. Хўжаев.Ф. 1001 ўйин. Тошкент-1990. 351 бет.
3. Махкамжанов.К.М.(ва бошқ.). Спорт байрамларини ташкил қилиш ва ўтказиш методикаси. Тошкент-2008. 100 бет.

QISHLOQ XO'JALIGI, ILM-FAN

ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ ТАРМОҒЛАРИНИ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

Икрамова Сурайё Асқаровна
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ўқитувчиси, Ўзбекистон,Тошкент ш.

Исломов Ўткир Пирметович
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ўқитувчиси, Ўзбекистон,Тошкент ш.

Бекчанова Захро Ихтиёр қизи
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаси, Ўзбекистон,Тошкент ш.

Хўжақулов Хасан Худойкул ўғли
Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти талабаси, Ўзбекистон,Тошкент ш.

Аннотация. Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозорида конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақазо этмоқда.

Annotation. Elaborating absolute new approach, principles and realizing them to develop fast and make stable in the condition of world market conjuncture sharp change and globalization and deeply analyze of progress way of our country is required to day.

Халқ хўжалиги ва аҳолини ташиш талабларини қониқтирадиган ягона транспортли тармоқлари яратилган. Бу транспорт тармоғиларининг асосан автомабиль йўллар, темир йўллар ва ҳаво транспортлари бўлиб, улар коммуникацияларнинг универсал тури ҳисобланади, автомобил йўллари транспорт тармоғининг зарур бўлган тармоқланишни таъминлайдиган, пассажир ва почта, алоқа воситасини, сувли (дарё ва денгизлар) йўллар, нефтни, нефт махсулотларини, газ ва бошқа махсулотларни ташиш учун магистрал қувурли ўтказгичлар, пассажир ташийдиган ягона транспортли тармоқ, шаҳар пассажир транспорти билан тўлдирилади.

Халқ хўжалигининг ўсиб бораётган юк ва пассажир ташиш талаблари транспорт тармоғини кейинчалик кенгайтириш заруриятини туғдиради, транспорт тугунларини ривожлантириш, транспорт тармоғи ҳамма элементларини техник даражасини оширади. Улар доирасида юкларни ортиш ва тушириш, 50% дан ортиқ пассажирларни жўнатиш ва кутиб олиш киради. Бу амаллар бирданига магистрал (темир йўл, автомобил, денгиз, дарё, ҳаво, қувурли ўтказгич)да комплексли (ҳар томонлама) транспортда; шаҳар пассажир метрополитени, трамвайлар, автобуслар, троллейбуслар, таксомоторлар, енгил машиналарда ва ҳ.к. да бажарилиши мумкин.

Инженерли иншоотларни, бино ва объектларни ҳамда улардаги ускуналарни узоқ муддатда таъмирсиз ишлаши ва сақланиши кўп жиҳатдан инженерлик геодезик ишларни сифатли ва аниқ бажаришга боғлиқдир. Ҳар қандай инженерлик ўзининг экспулатация даврида иншоотлар сифатли ва маълум муддатларда уларга қўйилган талабларга тўлиқ жавоб бериши керак.

Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралда ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” қабул қилингандан сўнг республикамиз худудларида жойлашган автомобиль йўлларини замонавий инноватцион технологиялар асосида жаҳон талабларига жавоб берадиган йўллар қурилмоқда.

Автомобиль йўларини ҳам лойиҳалаш, қуриш ва уни қайтта таъмирлаш муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги икки йил ичида жаҳон миқёсида автотранспорт воситасида юкларни ташиш хажми 50,8 фоиздан 70,6 фоизга ошган. Шундан келиб чиққан ҳолда транспорт-транзит автомобил йўлларидан самарали фойдаланиш ҳар қандай давлат учун даромад манбаидир.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев ташаббуси билан 2017 йилнинг охирида Ўзбекистон Марказий Осиёдаги транспорт коммуникатцияларини ривожлантиришнинг ягона дастурини ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқди. Қўшниларимиз билан самимий алоқалар тиклангани эса кўп соҳолар қатори улар билан ҳамкорликда янги автомобил йўлларини қуриш, у орқали хорижий давлатларга

йўл очиш, айни пайтдаги автомобил йўлларини эса биргаликда таъмирлаб, фойдаланиш каби ғоят самарали ишлар ҳақида келишиб олмоқдамиз.

1-расм Замонавий автомобиль йўллар

Буларнинг натижасида юкларни автомобил йўллари орқали ташиш хажми ўтган йил якунларига кўра 1,04 миллиард тоннани ташкил этиб, бу олдинги йилга қараганда 3,7 фоизга ошган. Транзит юкларни ташиш хажми ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Бугунги кунда Ўзбекистонда 10 та халқаро транспорт йўлаклари ҳамда ушбу йўналишлардаги автомобил йўлларини таъмирлаш, қайта қуриш ва фойдаланиш бўйича ишлар олиб борилмоқда. Мамлакатимиз бу борадаги 11чи халқаро конвенция аъзоси ҳисобланади, 29 давлат билан соҳага тегишли шартномалар тузилган. Тадбирлар натижасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан халқаро юклар ташишга мўлжалланган 52 та автомобил йўллари белгиланди.

Бугунги кунда Республика автомобил йўлларининг умумий узунлиги 184 минг км дан кўпроқни ташкил этади. Жумладан умумий фойдаланувда бўлган автомобил йўллар тармоғи 42695 км, минтақавий автомобил йўллари (ички хўжалик автомобил йўллари, шахар, шахар типидаги посёлкалар, қишлоқ ва туман марказлари кўчалари) 116560 км, идоравий инспекторлик йўллари тармоғи 24750 км ни ташкил этади.

Республикада умумий фойдаланишда бўлган автомобил йўллари тармоғи ўз навбатдаги ўз навбатдаги халқаро ахамиятдаги 3981 км, давлат ахамиятидаги 14105 км ва махаллий ахамиятидаги автомобил йўллари 24609 км га бўлинади.

Жорий йилнинг 14 феврал куни хурматли Презднтимиз Ш.Мирзиёев презднтимиз тамонидан “Йўл хўжалиги бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги фармони қабул қилингунга қадар республикадаги мавжуд автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларига Республика йўл жамғармаси ҳамда маҳаллий хокимиятлар тизимидаги мавжуд автомобил йўлларини қуриш ва таъмирлаш ишларида ягона буюртмачи хизмати инженерлик кампониялари ва туман ободонлаштириш бошқармалари буюртмачилик вазифасини амалга ошириб келганлар. Фақатгина умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини жорий таъмирлаш ва сақлаш ишларига “Ўзавтойўл” ДАК тизимидаги ташкилотлар буюртмачи вазифасини бажар эди.

Минтақавий автомобил йўлларига ҳар бир туман ободонлаштириш бошқармаси буюртмачи рўлини бажариб ўз техник сиёсатини юритар эди бундай буюртмачилар сони республика бўйича 198 тани ташкил этган.

2017 йилда умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларини қуриш, қайта қуриш ва тўла таъмирлаш дастури бўйича 2017 йилда 260 км йўлда қуриш ва қайта ишлаш ишлари бажарилди, 332 км йўлда тўла таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу ишлар учун жми 1334.0 милярд сўм пул маблағи ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралидаги 2017-2018 минтақавий йўлларни ривожлантириш дастури тўғрисидаги ПҚ-2775 сонли қарорига асосан ички хўжалилик автомобил йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалариі, қишлоқ ва овуллар кўчаларини тўла ва жорий таъмирлаш дастури бўйича 2017 йилда 2700 км минтақавий автомобил йўлларини таъмирлаш ва қуриш режалаштирилган бўлиб, 2017 йилда 3853 та ва 2018 йилда 2750 км йўллар таъмирланиши режалаштирилган. Албатта юқорида айтиб ўтилган объектларни қуриш ва ва таъмирлашда енг аввало йўл сифатини оширишга асосий эътибор қаратилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикаси Презденти Шавкат Мирзиёев тамонидан аниқ тўғри ишлаб чиқилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси” 2017 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Презденти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилдаги йил ҳисоботи.
3. Nurmatov E.,O‘tamov O‘., Геодезия 2003 yil.

MUHANDISLIK, ILM-FAN

YUQORI ANIQLIKDAGI TEODOLITLARNI STANDARTLASHTIRISH VA ULARDAN FOYDALANISH

Turkmenov Xasan Ishimovich
Toshkent irrigasiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti Umumtexnik fanlar kafedrasi dotsenti,
O'zbekiston, Toshkent s.

Jurayeva Fotima Doniyor qizi
Toshkent irrigasiya va qishloq xo'jaligini mexanizatsiyalash muhandislari instituti talabasi,
O'zbekiston, Toshkent s.

Annotatsiya. Ayni vaqtda mamlakatimiz bosib o'tgan taraqqiyot yo'lining chuqur tahlili, bugungi kunda jahon bazorida konyunkturasi keskin o'zgarib, globallashuv sharoitida raqobat tobora kuchayib boratotgani davlatimizni yanada barqaror jadal su'ratlar bilan rivojlantirish uchun mutloqa yangicha yondashuv hamda tamoillarni ishlab chiqish va ro'yobga chiqarishni taqoza etmoqda.

Annotation. Elaborating absolute new approach, principles and realizing them to develop fast and make stable in the condition of world market conjuncture sharp change and globalization and deeply analyze of progress way of our country is required to day.

Аннотация. В настоящее время тщательный анализ пути развития страны в условиях растущей конкуренции на мировых рынках, в условиях глобализации требует новых подходов и принципов, способствующих развитию нашего государство стабильными и быстрыми темпами.

Bugungi kunda xalqaro miqyosda ijtimoiy-iqtisodiy munosabatlar rivojlanib, ilmiy-texnik taraqqiyot natijasida hayot darajasi ko'tarilib borayotgan hozirgi davrda iste'mol bozoridagi mahsulotlar va xizmatlarning sifati va xavfsizligi masalarining dolzarbligi doimo oshib boradi. Bu jarayonda nafaqat bevosita iste'molga tayor mahsulotlar va xizmatlarga e'tibor qaratish kerak, balki ular hayot siklining barcha bosqichlari yaratish, ishlab chiqish, saqlash tasish, sotish va yo'q qilishda, sifati va xavfsizligining ta'minlanishi bo'yicha nazoratni olib borish kerak. Xavfsizlik va sifat talablari ko'rilayotgan ob'ektga nisbatan ma'lum bir qoidalarni o'rganish, texnik ko'rsatkichlarni me'yorlash orqali o'rganiladi.

Shu bois bugungi kunda zamonaviy geodezik asboblarni ham qoidalar va me'yorlarni o'rnatish standartlashtirish va texnik jihatdan tartibga solish faoliyatlari orqali amalga oshiriladi. Hozirgi kunda zamonaviy burchak o'lchash geodezik asboblarini standartlashtirish sahoda tartibga quyilgan va geodezik asboblarni vazifasi, o'lchash aniqligi va konstruksiyasiga qarab turli guruxlarga ajratilgan. Vazifasiga qarab burchak o'lchash geodezik asboblari teodolitlarga va astronomik teodolitlarga bo'linadi.

Teodolitlar geodezik tarmoqlar punktlarida gorizontal burchaklar va zenit masofalarni o'lchashda, astronomik teodolitlar esa Laplas punktlarida astronomik kuzatishlarni bajarib kenglik, uzoqlik va azimutlarni aniqlashda ishlatiladi. Aniqligi bo'yicha teodolitlar yuqori aniqlikdagi teodolitlar, aniq teodolitlar va texnik teodolitlarga bo'linadi. Yuqori aniqlikdagi teodolitlarga burchakni labaratoriya sharoitida bir priyomda $m \leq 1''$, aniq teodolitlarga $-1 < m \leq 10''$ va texnik teodolitlarga $-m \geq 10''$ o'rta kvadratik xatolik bilan o'lchashni ta'minlaydigan teodolitlar kiradi. Konstruksiyasi bo'yicha hozirgi teodolitlarni sanoq olish moslamasiga qarab ikkita katta guruxlarga: optik sanoq olish moslamasiga ega teodolitlarga va elektron teodolitlarga bo'linadi. Amaldagi standart bo'yicha teodolitning har bir tipiga ularni o'lchash aniqligiga bog'liq holda maxsus shifr beriladi, bu shifr *«T»* xarfidan (teodolit) va labaratoriya sharoitida burchak o'lchashni o'rta kvadratik xatosi chegarasini belgilovchi raqamlardan tashkil topadi. Masalan, *T1* bir sekund aniqlikdagi teodolit hisoblanadi.

Davlat geodezik tarmoqlarini qurishda burchak o'lchash ishlari turli fizik-geografik va iqlimiy sharoitlarda: issiq cho'l va qumlik hududlarda, tog' oldi va baland tog' hududlarda, xavo haroratini keskin tebranishlarda (+50 dan -20^0S) bajariladi.

Har bir asbobni bunday sharoitlarda uzoq yillar davomida foydalanish, kam mehnat va vaqt sarflab yuqori aniqlikdagi o'lchash natijalariga erishish burchak o'lchash asboblarini ishlab chiqishda maxsus talablarni hisobga olish va ularni ta'minlashni talab etadi.

Bu talablardan eng asosiylari quyidagilar:

- Turli fizik-geografik va iqlimiy sharoitlarda bajarilgan o'lchashlardan yuqori aniqlikda va kam o'zgaruvchan natijalarni olish;
- Qiyin ekspiditsiya sharoitlarida va uzoq vaqt davomida foydalanishda teodolit asbobini ishchi holatda bo'lishini ta'minlash;
- Asbobni kichik hajmli va engil bo'lishi bilan birga uni o'lchash jarayonida turg'unligini, qismlarini oddiy va ishonchli bo'lishini hamda ishlashda qulayligini ta'minlash.

Asosiy geodezik ishlarni bajaruvchi mutahassislar teodolitlar tuzilishini mukammal bilishi, ularni tadqiq qila olishi, asbob doimiy qiymatlarni yuqori aniqlikda aniqlay olishi (adilak bo'lak qiymatini, mikrometr

bo‘lak qiymatini va hakoza), punktda ishlash paytida teodolitni sozlashni bilishi va asbob xatolarini o‘lchash natijalariga ta’sirini hisobga ola bilishi kerak. Yuqori aniqlikdagi teodolit murakkab sistema bo‘lib metall va optik qismlari ichki zo‘riqish yoki kengayishi natijasida deformatsiyaga uchraydi. Deformatsiya esa burchak o‘lchash natijalarida xatoliklarga olib keladi.

Oddiy misol, punktda ishlash jarayonida kuzatuvchini beparvoligi oqibatida ko‘targich vintlardan biriga ma’lum vaqt davomida quyosh nurining tushib turishi ko‘targich vintlarni Δl o‘ta kichik chiziqli (0,5 mkm) siljishga olib keladi.

Teodolit o‘qi bilan ko‘targich vintlar orasidagi masofa r =14 sm bo‘lganda bu siljish teodolitni limbi bilan birga quyidagi burchak qiymatga burilishiga sabab bo‘ladi

$$\Delta\alpha = \frac{\Delta\ell}{r}\rho'' = \frac{0,5\cdot 2\cdot 10^5}{14\cdot 10^4} = 0,7'',$$

bu esa o‘z navbatida o‘lchangan yo‘nalish qiymatiga shu miqdorda ta’sir etadi. Agar burchaklar yuqori aniqlikda o‘lchansa xatosi 0,5" dan oshmasligi kerak, demak yuqoridagi 0,7" yo‘l qo‘yib bo‘lmaydigan xatolikdir.



1-rasm. Ko‘tarish vintining deformatsiyasi tufayli teodolit tagligining azimutal siljishi

Bundan kelib chiqadi kuzatishlar davomida katta extiyotkorlik bilan ishlash talab qilinadi. Geodezik tarmoqlarda punktlar orasidagi masofalar 15-20 km bo‘lganda asbob xatolari m_{a*x} bilan tashqi muhit ta’siri m_{m*M} (yon refratsiya, signallarni buralishi va h.k) xatolarini o‘zaro teng deb qabul qilish mumkin. Shuni hisobga olib 1klass triangulyasiyasi uchun burchak o‘lchashni o‘rta kvadratik xatosini *(1≤ 0,7")* quyidagicha yozamiz

$$m_\beta = m^2_{a.x.} + m^2_{т.м.} \le 0,7''.$$

Asbob xatosi $m_{a.x.}$ teodolit kompleks xatolarini qo‘shma ta’siridan kelib chiqadi. Teng ta’sir etish prinsipiga asosan aytish mumkinki har bir xato manbaasining ta’siri 0,2-0,3" dan oshmasligi kerak.

Ushbu murakkab bo‘lmagan hisoblash yuqori aniqlikdagi teodolitni tayyorlash, yig‘ish va sozlash uchun qanday yuqori talablar qo‘yilishini ko‘rsatadi.

Old tomonidagi funksional klavish quyidagi vazifalarni bajaradi:

- **ALL** – burchak va masofani o‘lchaydi.
- **DIST DIST** – burchak va masofani o‘lchaydi.
- **REC REK** – o‘lchov ma'lumotlarini xotiraga saqlaydi.
- **MENU** Menyu –dasturni o‘zgartiradi.
- **CONT** Kont – ekran yoritkichini yoqib-o‘chiradi.
- **SE**- noaniq olingan o‘lchovni o‘chiradi hamda dastur ishining tugaganligini bildiradi.
- **ON ON-** asbobni yoqib o‘chiradi.
- **CONT KONT** – kutilgan ma'lumotni tasdiqlaydi.

Hulosa qilib aytgan sohada zamonaviy geodezik asboblarni standartlashtirish va texnik jihatdan tartibga solish tizimi yo‘nalish faoliyatini ochiqligini va rivojlanishini ta’minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro‘yhati:

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezdenti SH.M.Mirziyoyevning “2017-2021 yillarda O‘zbekiston Respublikasi Prezdentini rivojlantirishning beshta ustuvor yo‘nalishi bo‘yicha Harakatlar strategiyasi” Toshkent “Adolat” 2017 yil
2. T.M.Abdullayev.,O‘.P.Islomov.,O‘.B.Muxtorov., A.N.Inamov Oliy geodeziya. Toshkent: TIQXMMI, 2016. – 166 bet.
3. A.A.Abduvaliyev., Metrologiya, Standartlashtirish va sertifiqatlashtirish. Darslik Toshkent 2018 yil

FILOLOGIYA

SO'ZNING MA'NOLI QISMLARI TALQINI

Baxtiniso Djumayeva
TDTU Termiz filiali akademik litseyi, Onatili va adabiyot fani o'qituvchisi,
O'zbekiston, Termiz

Morfemika tilshunoslikda so'zlarning ma'noli qismlarini o'rganuvchi bo'limdir. Har bir so'zning *morfemalarga* ajratilishi undagi qismlarning hozirgi o'zbek adabiy tilida o'zaro munosabatga kirisha olish xususiyatiga asoslanadi. Morfema *so'zlarning* ma'noli qismlari bo'lib, asos va qo'shimchalarga bo'linadi. Masalan, kitobxon so'zi ikki morfemadan **iborat**: kitob va -xon. Kitob asos morfema bo'lib, so'zning asosiy lug'aviy ma'nosini ifodalaydi; -xon morfemasi esa, asos morfema orqali ifodalangan narsani yuzaga chiqaruvchi shaxs ma'nosini bildiradi. So'zning morfema tarkibi uni tashkil etuvchi morfemalar yig'indisidir. Masalan, bir/lash, bir/ik; oq/la, oq/ar; suv/chi, suv/li, suv/siz, ser/suv.

So'z birgina **morfemadan** iborat bo'lishi mumkin: tosh, oq, son, yetti, quyosh, kitob, xola, sigir, tong, odob, ma'no va boshqalar.

Bir morfemali so'zlar faqat asosdangina iborat bo'lib, odatda, tub so'z hisoblanadi. So'z ikki yoki undan ortiq morfemalardan iborat bo'lishi ham mumkin: tonggi, tuyg'u, mahsuldor, shirali, pasay, jo'shqin.

Shuni aytish lozimki, ikki morfemali so'zlar tub holda ham yasama holda ham uchraydi. Masalan, chiroyli so'zi ikki morfemadan iborat bo'lib, chiroy so'zidan yasalgan. Bormoq, kitobdagi, tog'ga, mening kabi so'zlar tub so'z hisoblanadi.

Demak, hamma yasama so'zlar kamida ikki morfemadan tashkil topgan bo'ladi: bir/lash, san/a, tort/iq, chop/iq, en/siz, mard/larcha. Yasama so'zlar tub so'zlardan ham, yasama so'zlardan ham yasaladi. Masalan, aybdor so'zi ayb so'zidan, ya'ni tub so'zdan yasalgan bo'lsa, aybdorlik so'zi aybdor – yasama so'zdan yasalgandir.

So'zlarning morfemik tahlili, birinchidan, birgina o'zakdan iborat bo'lgan so'zlar shaklida olib borilsa, ikkinchidan, bir xil shaklga ega bo'lgan so'zlar shaklida olib borilishi lozim, boshqacha qilib aytganda, tahlil qilinayotgan so'zdagi har bir qism o'zbek tilidagi boshqa so'zlarda uchraydigan xuddi shunday **elementlar** bilan qiyos qilib ko'rilishi kerak. Masalan, suvchi so'zining tahliliga e'tibor beraylik. Bu so'zda kasb-hunar, mashg'ulot, faoliyat - jarayon oti yasovchi –chi qo'shimchasi mavjud. Bu so'z hozirgi o'zbek tili nuqtayi nazaridan ikkiga ajratiladi: suv/chi. Chunki o'zbek tilida suv so'zi bilan birgalikda, suvchi so'zi ham ishlatiladi. Xuddi shu xulosani –chi qo'shimchasiga ega bo'lgan gulchi, tegirmonchi, terimchi so'zlari to'g'risida ham aytish mumkin. Yoki hozirgi o'zbek adabiy tilida mavjud bo'lgan guldor, aybdor, shirador, mulkdor, dongdor kabi so'zlar qatoridagi o'zakdan anglashilgan predmetga egalik ma'nosini anglatuvchi – dor qo'shimchasini alohida ajratishga gul, ayb, shira, mulk, dong kabi so'zlarning mavjudligi asos bo'ladi. Bir so'z bilan aytganda, asos morfema bilan yasalma o'rtasida ma'noviy bog'liqlik bo'lishi shart.

Ko'p ma'noli so'zlarning tarkibi ham xuddi shu yo'nalish asosida bo'linaveradi. Masalan, maqtanchoqlik so'zi tarkibida, eng avvalo, tortinchoqlik, yaxshilik, ro'shnolik kabi so'zlar ko'rinishida –lik morfemasi ajratiladi:(maqtanchoq+maqtanchoqlik); undan keyin tortinchoq, erinchoq, ovunchoq kabi so'zlar ko'rinishida –choq morfemasi ajratiladi; keyin boshlan, ishlan, taran so'zlari ko'rinishidagi – n ajratiladi. Shundan so'ng maqta asos morfema sifatida ajratiladi. Shunday qilib, so'zlarning morfemik tahlili ular oxiridagi morfemani ajratishdan boshlanadi va undan so'ng navbat bilan o'ngdan chapga qarab qolgan morfemalar ajratiladi. Tahlil so'z asosini ajratish bilan yakunlanadi. Morfemik tahlilning shu tarzda olib borilishi o'zbek tilida birinchi qo'shimcha o'zakka qo'shilishi, keyingilarining esa qat'iy bir tartibda biri ikkinchisining orqasidan qo'shilib kelaverishi bilan izohlanadi. Turkiy tillar, jumladan, o'zbek tili **agglutinativ tillar** qatoriga kiradi.

Agglutinativ tillar quyidagi xususiyatlari bilan **flektiv** tillardan ajralib turadi: 1) nechta grammatik ma'nobo'lsa, ularni ifodalovchi shuncha grammatik shakl qo'llaniladi. Masalan, *suv-siz-lik-dan;* 2) grammatik shakllarning chegarasi bir-biridan aniq ajralib turadi; 3) grammatik ma'noning ko'payishi bilan, so'zning grammatik shakllari ham chapdan o'ngga qarab cho'zilib boradi; 4) grammatik qo'shimchalarning qo'shilishi asos qismning fonetik tuzilishini o'zgartirmaydi.Yuqorida sanalganlarning 3-4-ustunlarida ba'zan o'zgarishlarning guvohi bo'lamiz. O'zbek tiliga fors-tojik tilidan o'zlashgan old qo'shimchalar mavjud. Bu qo'shimchalar sifat va ravish turkumiga oid so'zlar yasaydi. Masalan, sergul, bevaqt, noo'rin, bama'ni, boodob, badfe'l, barkamol kabi. O'zbek tilida so'zga qo'shimcha qo'shish jarayonida asos qismning tovush tarkibida ba'zan o'zgarish ro'y berishining guvohi bo'lamiz. Ularni quyidagicha guruhlash mumkin: *Sust, past* singari so'zlarga - ***ay*** *fe'l* yasovchi vositasi qo'shilganda, yasashga asos qismda mavjud bo'lgan oxirgi «t» undoshi tushi bqoladi. Masalan, *susay, pasay*kabi. *Qizi lso'zidan ar qo'shimchasi yordamida fe'l yasalganda* yasashga asos qism bo'lgan *qizilning* «il» qismi tushib qoladi. Masalan, qizil+ar, qizar. *Sariq* so'zidan – *ay qo'shimchasi bilan fe'l yasalganda* asos qismning ikkinchi bo'g'indagi «i» unlisi tushib qoladi. Masalan, sariq+ay— *sarg'ay* kabi. *So'ra, quvna, tarakabi so'zlardan* ***– q*** *qo'shimchasi yordamida so'z yasalganda*

yasashga asos qism oxiridagi «a» unlisi «o» unlisiga aylanadi. Masalan, *so'ra+q— so'roq, quvna+q — quvnoq, tara+q – taroq. To'qi, o'qi* kabi ikkinchi bo'g'ini «i» bilan tugagan so'zlarga-*v* qo'shimchasi qo'shilganda, asos qism oxiridagi «i» unlisi «u» unlisiga aylanadi. Masalan, *to'qi+v — to'quv, o'qi+v — o'quv* kabi. *O'yin, qiyin* kabi kki bo'g'inli so'zlarga - *a* yasovchi qo'shimchasi qo'shilganda, yasashga asos qismning ikkinchi bo'g'inidagi «i» unlisi tushib qoladi. Masalan, *o'yin+a— o'yna, qiyin+a — qiyna*kabi. *Son, yosh* so'zlarga fe'l yasovchi–*a* qo'shimchasi qo'shilganda, asos qismda tovush o'zgarishi ro'y beradi: Masalan, son+a – *sana, yosh+a – yasha* kabi. *Ong so'zidan –la qo'shimchasi yordamida fe'l yasalganda asos qismda tovush o'zgarishi yuz beradi. Masalan, ong+la – angla.* Yig'i so'zidan – *la qo'shimchasi yordamida* ***fe'l*** *yasalganda asos qismning oxiridagi* «i» *tovushi tushib qoladi. Masalan, yig'i+la – yig'la.* Isiachi kabi so'zlardan – q qo'shimchasi yordamida sifat yasalganda asos qismda «s», «ch» tovushlari ortadi. Masalan, isi+q – issiq, achi+q – achchiq. Shu ko'rsatilgan o'zgarish larning o'ziyoq o'zbek tilida ba'zi hollarda fuziya elementlari ham mavjud ekanligini ko'rsatadi. Morfemik tahlilda tarixiylik va hozirgi holat masalasini aniq chegaralay bilish lozim. Gap shundaki, so'zning morfemik tarkibi o'zgarib turadigan hodisadir. Vaqt o'tishi bilan so'z turli xil o'zgarishlarga uchrashi mumkin. Aslida ikki morfemadan tashkil topgan so'z endi bir morfema sifatida qaralishi, ya'ni asos va morfema o'rtasidagi chegara yo'qolib, yangi bir asos paydo bo'lishi mumkin. Masalan, bugun, qovoq, yomg'ir, ko'mir kabi so'zlar hozirgi o'zbek tilida morfemalarga ajratilmaydi, bir morfema sifatida qaraladi.

Morfemalarning ma'nosini tushunish, ularni to'g'ri farqlay bilish bo'g'in ko'chirishda xatoga yo'l qo'ymaslikni ta'minlaydi.

Morfema – so'zlarning ma'noli qismlari, bog'in – so'zdagi unlilar sostaviga qarab belgilanadi. Bo'g'inni ko'chirish ham shunga asoslanadi. Ba'zi so'zlarning morfemik tarkibi bilan bo'g'inga ajratilishi teng keladi, lekin ba'zi so'zlarda teng kelmaydi. Masalan, suvsizlikka so'zida morfemalar va bo'g'inlar chegarasi bir xil ajratiladi, suvchilarimiz so'zida esa morfemar soni to'rtta bo'lsa, bo'g'inlar soni beshtadir. Nutq ichki tomondan qaraganda, ma'nolar tizmasidan, tashqi tomondan esa tovushlar zanjiridan iboratdir.

Ma'no anglatadigan eng kichik bo'linmas qism morfema bo'lsa, og'zaki nutqning eng kichik bo'linmas qismi tovushdir. Demak, bularning birinchisi ikki tomonlama (ma'no va tovush tomonlari), ikkinchisi esa faqat bir tomonlamadir. Tovushning o'zi ma'no bermaydi. Tovush s o'z va morfemalarning tashqi tomonini tashkil qiladi, ularni shakllantiradi va farqlaydi.

Adabiyotlar:

1. Begmatov E. O'zbek nutqi madaniyati masalalari // O'zbek tili va adabiyoti, 1980, № 4.
2. Shomaqsudov A. O'zbek tili stilistikasi. –Toshkent: O'qituvchi, 1983 y.
3. Qo'ng'urov R.Q., Karimov S.A, Qurbonov T.I. O'zbek tilining funksional stillari. – Samarqand, 1984.
4. Qo'ng'urov R., Ka ri mov S., Qurbonov T. Nutq madaniyati asoslari, P qism. – Samarqand,1986.

ГАП КУЛАМИДАГИ ТАКРОРИЙ НОМИНАЦИЯ

Анарбоева Ирода Ориповна
катта укитувчи, француз тили ва адабиети кафедраси, Андижон давлат университети, Узбекистон, Андижан

Эсонбоева Назирахон Муроджон
Андижон давлат университети, Чет тиллар факультет Узбекистон, Андижан

Тугал гаплар ўртасидаги муносабатларни таҳлил этиш жараёнида содда ёки мураккаб гаплар синтаксисига тааллуқли тушунчалар, тасаввурларга суяниб иш кўриш унча мақбул эмас. Чунки тугал гаплар муносабатлари синтактик ҳодисаларнинг янги, анча юқори сатҳи ҳисобланиб, қуйи сатҳлар тушунчалари ва категорияларининг маълум қисмигина унда қўлланиши имкониятига эга. Фикримиз исботи тарзида шуни айтиш жоиз-ки, мураккаб гап бўлаклари ўртасидаги муносабатларни содда гап синтаксисига дахлдор тушунчаларда аниқлаш анча мушкул.

Худди шунингдек, содда ва мураккаб гап бўлакларига хос боғланишларни, таассуф-ки, баъзи илмий манбаларда кузатилганидек, мустақил гаплар ўртасидаги муносабатлар таҳлилига кўчириш ноўрин. Шу таҳлитда ушбу боғланишларни механик тарзда кўчириб олиб ўтиш мобайнида мустақил яхлит синтактик бирлик сифатида намоён бўлувчи гап хусусияти инобатга олинмайди. Мустақил гаплар ўртасидаги бирикув, энг аввало, ҳукмлар ўртасидаги боғланиш билан, сўнгра тугал синтактик бирлик тарзидаги гап табиати билан аниқланади.

Бошқа гапларга нисбатан, одатда, асар ёки абзац бошида келадиган гаплар мустақилликнинг кенг микёси билан ажралиб туради. Гапларнинг асосий туркуми контекстдагина тўла маъно ва мустақиллик касб этади. Дарҳақиқат, контекстдан ажратилган гап маъно жиҳатидан ноаниқликка юз тутади. ***Alfred est pecheur; Aujourd'tui il fait du soleil; on comprend bien tout le sens de cette activite***. Контекстдан четда жойлашган ҳар қайси гап кенг, умумлашган, мавҳум маъно касб этади. Чунки улар нутқ вазиятидан ташқарида, ундан йироқ.

Мазкур гапларни англаб етиш, тушунишга интилиш эса уларнинг табиий қуршовини нутқ вазиятига олиб кириш орқали тиклаш, атрофидаги мавжуд ёндош гаплар, яъни контекст билан бўлган айрим гапларнинг маъно ва структуравий алоқаларини тиклашга бориб қадалади.

Тўлиқ маънога эга бўлмаган алоҳида олинган гап структуравий хусусиятига кўра турли лексик либос кийдирилиши мумкин бўлган тугал шакл, қолипни акс эттиради.

Гапнинг бундай зид, икки хил табиати унда шаклланган фикр ривожи учун манба бўлиб хизмат қилади. Гап таркибида ўрнашган фикр фақатгина нисбий тугалликка эга, одатда якун топмаган кейинги ривожни тақозо этади. Ҳолбуки, ушбу фикр ўрнашган синтактик форма, гап структураси тугалланган, якунини топгандир. Фикр давоми, ривожи эса фақатгина худди шундай бошқа бир гапда рўёбга чиқади.

Синтактик жиҳатдан маълум бир фикр ривожи доирасида бириккан гаплар алоқаси ўзига хос равишда намоён бўлади. Боғланиш воситаларининг синтаксисда анчадан буён маълум бўлган кўринишларидан (мослашув, бошқарув, битишув ва ҳоказо) биронтаси ҳам муайян қўлланиш доирасига киришга ожизлик қилади, ҳолбуки масала мустақил, структуравий нуқтаи назардан тугал ҳисобланган бирликлар бирикуви устида бормоқда. Тугал структуравий бирлик тарзида ифодада намоён бўладиган, гап хусусиятига монанд келадиган, мустақил гаплар ўртасидаги боғланишнинг ўта умумий, кенг ёйилган воситаларидан бири олдинги гапдаги структура бўлагининг, маълум гап бўлагининг кейинги гапда такрорланиб келиши, давомли ифодага киришуви ҳисобланади.

Гап тузилиши аниқ кўриниш касб этади: эга, кесим, иккинчи даражали бўлаклар. "A B демак" шаклидаги мавҳумлашган гап формуласидан фойдалангудек бўлинса, у ҳолда A - эга, B – кесим ҳисобланади.

Символлар воситасида гап таркиби тасвири унинг тўлиқ категориал кўринишини акс эттиради ва мазкур символик тасвир ранг-баранг лексик либосга эга бўлади. Муайян гапнинг кейинчалик ривожланиши, бошқа гап билан бирикуви ўзига хос ва мос усулда кечади. Ушбу гап шундай гап билан алоқага киришиб, у билан уланади-ки, бундай вазиятда ўша гапда асос сифатидан унинг бўлакларидан бири олинади, масалан, "B C демак" кўринишида. Табиий-ки, синтактик ҳаракатда "B"нинг, яъни кесимнинг такрорланиб келиши мантиқ жиҳатидан ўта аниқ ва табиий йўлни ташкил этади. "A" энди аниқ, маълум ахборот қисмига айланган, шу боисдан A "эски, олдин маълум бўлган, баён этилган билим" бўлиб, "B" орқали аниқланган, шунга кўра фикрнинг кейинги ҳаракати "B" орқали, яъни кесим орқали содир бўлади. Синтактик ҳаракат йўлининг бошқа кўринишлари ҳам шаклланган: A B демак, A C демак, бундай ҳолатда ҳар қайси кейин келадиган гап эганинг янгича тавсифини ифода этади. Мабодо, формула символлари лексик материал билан тўлдирулгудек бўлса, у ҳолда гаплар ўртасидаги боғланиш бу ўринда ҳам гапдаги маълум бир бўлакнинг ёки қисмнинг такрор бўлиб келишида рўёбга чиқади.

Актуал бўлиниш назарияси гапни унинг ўзи ифода этаётган фикр, контекст билан узвий боғланишида кузатади. Айнан шу нуқтаи назардан гапда "бошланғич нуқта" ва "гап ядроси", бошқача тер-

минлар билан айтганда "тема" ҳамда "рема" ажратилади. "Бошланғич нуқта" фикр ҳаракатининг бошланиши, "гап ядроси" - унинг асоси, ривожи. Лекин фикр ҳаракати, ривожи шу билан тўхтаб қолмайди ва, дарҳақиқат, бир гап билан чегараланмайди. Олдинги гапдаги "гап ядроси" кейинги гапда энди "бошланғич нуқта"га, ахборотнинг маълум, таниш қисмига айланади ва ахборотнинг "янги қисми" "гап ядроси"ни талаб этади.[1.94]

Ахборотнинг "янги" (гап ядроси) ва "маълум" (бошланғич нуқта) терминларидан фойдаланган Г.К. Крушельницкий [2.5] келтирган мисолга эътибор берамиз ҳамда шу нуқтаи назардан таҳлил қилиб чиқамиз:

За садом находился у них большой лес, который был совершенно пощажен предприимчивым приказчиком, может быть, оттого, что стук топора доходил бы до самых ушей Пульхерии Ивановны.

Он был глух, запущен, старые древесные стволы были закрыты разросшимся орешником и походили на мохнатые лапы голубей. В этом лесу обитали дикие коты. Лесных диких котов не должно смешивать с теми удальцами, которые бегают по крышам домов. (Н.В. Гоголь) Ушбу парчада муаллиф ўринли кўрсатиб ўтганидек, олдинги гапдаги ахборотнинг "янги" қисми кейинги гапда ахборотнинг "маълум" қисми сифатида бўлади. Жумладан, биринчи гапда мантиқий урғу воситасида гап охирида жойлашган "большой лес" сўзлари ажратиб кўрсатилган. Биринчи гап учун ахборотнинг "маълум" қисми - бу гапнинг бошланиши (За садом), ахборотнинг "янги" қисми - гапнинг қолган қисми. Иккинчи гапда олдинги гапнинг "янги" қисми унинг "эски" қисмига айланади (он (лес)).

Фикрнинг шундай ҳаракати кейинги гапларда ҳам содир бўлади, олдинги гапнинг "янги" ахборот қисми кейинги гапдаги "маълум", эски қисмга айланади. Бундай изчил маъно ҳаракатига айнан синтактик занжир боғланиш монанд келади. Қуйидаги мисоллар мазкур боғланиш турининг синтактик (грамматик) хусусияти номинатив белгиларда ўз аксини топишини ифода қилади:

Le Louvre est un musee. Ce musee se trouve a Paris.

Il designa du doigt la place. Elle etait pleine de monde.

Ушбу мисолларда бевосита лексик бирликлар индивидуал ҳисобланади, маълум, конкрет, алоҳида объектни ифода этади. Мазкур гаплар ўртасидаги синтактик муносабатлар умумий, абстракт муносбатлар ҳисобланади. Гапларнинг ҳар қайси жуфтлигидаги лексик либоси, материали ўзгариб туриши мумкин, бундай шароитда гап маъноси, унинг лексик материали ўзгарган тақдирда ҳам синтактик қолипи олдингидай қолаверади. Масалан:

Il longeait la grille. Elle etait bien haute.
Il regarda sa montre. Elle ne marchait pas.

Юқорда келтирилган мисоллардаги гаплар ўртасидаги синтактик алоқа ҳамма ўринда бир хил. Агар боғланаётган гапларнинг бўлакларини ҳарфлар билан белгиласак, у ҳолда боғланиш қуйидаги кўринишни касб этади:

А --- В --- С. С --- D --- Е.

Биринчи ўринда турган ҳарфлар эгани, иккинчи ўриндагилари кесимни, учинчи ўриндагилари тўлдирувчини ифода қилади. Олдинги гапнинг тўлдирувчиси кейинги гап эгасига айланиши орқали алоқа рўёбга чиқади. Ташқи жиҳатдан бу алоқа лексик такрорда ўз ифодасини топади. Муайян ҳолатдаги лексик такрор - иккиламчи, конкрет, гап қурилиши материали, бирламчиси эса - структура монандлиги, олдинги гап тўлдирувчисининг кейинги гап эгасига айланишидир. Бу ўринда структуравий монандлашувдан далолат берувчи лексик монандликдан, гапларнинг синтактик боғланишидан ташқари баъзи грамматик (морфологик) категориялар - монанд сўзларнинг роди ва сони бирбирига монанд келади:

Il langesit la grille. Elle (la grille) etait bien haute.

Субъект-объект муносабатлари (тўлдирувчи - эга, тўлдирувчи - тўлдирувчи ва ҳоказо) билан боғлиқ занжир боғланиш кўпгина структуравий кўринишлари учун бу қоида мажбурий. Масалан: ***...lorsque j'apercus, assez boin du sentier que je suirais, une petite pelouse verte parsemee de joncs et de roseaux. Cela m'annoncait le voi sinage d'une source. (Merimee. Carmen. p. 473)***

Монандлашувчи сўзларнинг келишлари мос келмаслиги факультатив ҳисобланади ва уларнинг боғланаётган гаплардаги турли ролларда келиши билан изоҳланди.

Юқорида айтилганлар муносабати билан мустақил гапларнинг боғланиш воситалари таҳлилида нафақат лексик такрорлар ифодасини (занжир боғланиш), шунингдек, уларнинг ранг-баранг синтактик турларини, формаларини кўрсатиб ўтиш, яъни боғланаётган гапларнинг қайси гап бўлаклари ўзаро боғланишини аниқлаш муҳим. Амалиёт занжир боғланишнинг энг кўп ёйилган синтактик кўриниши "тўлдирувчи - эга" эканини кўрсатмоқда (олдинги гап тўлдирувчиси лексик жиҳатдан кейинги гап эгаси билан монанд келади). Лекин занжир боғланишнинг бошқа структуравий кўринишлари ҳам (эга - тўлдирувчи, тўлдирувчи - тўлдирувчи) кенг қўлланади.

Шундай қилиб, лексик такрор, шубҳасиз, синтактик маъно касб этади. Бу уйғун нутқда мустақил гаплар боғланишини намоён этувчи ўзига хос воситадир. Ҳар қандай тугал гаплар бирикувининг фикр изчил ҳаракатида такрорсиз, олдинги гап бўлагининг ривожисиз амалга ошуви мумкин эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Винградов В.В. Грамматика русского языка. Т.2. Синтаксис. ч.1, стр.94
2. Крушельницкий Г.К. К вопросу о смысловом членении предложения//Вопросы языкознания, 1956, N 5, стр.

IQTISODIYOT

QISHLOQ XO`JALIGIDA INVESTITSIYALARNING AHAMIYATI

Rustamova Dilbar Rustamovna
TIQXMMI "Iqtisodiyot nazaryasi" kafedrasi katta o`qituvchisi,
O`zbekiston, Toshkent

Nusratov Azizbek Sanatilloyevich
TIQXMMI SXTE va B 1/1 guruh talabasi,
O`zbekiston, Toshkent

Annotatsiya. Maqolada O`zbekiston Respublikasini Qishloq xo`jaligiga bo`lgan e`tibori unga kiritilayotgan davlat investitsiyalari bilan bir qatorda xalqaro investitsiyalar, ularning turlari hamda Respublikamiz bo`ylab tashkil qilinayotgan Klaster tizimi va ulardan kutilayotgan natijalar to'g'risida bayon etilgan.

O`zbekison Respublikasini rivojlantirishning 5 ta ustuvor yo`nalishi ya`ni 2017-2021-yillarga mo`ljallangan Harakatlar Strategiyasi ishlab chiqildi. Ushbu Harakatlar Strategiyasining "Iqtisodiyotni rivojlantirish va liberallashtirishning ustuvor yo`nalishi" bo`limida: "Investitsiya muhitini takomillashtirish, mamlakat iqtisodiyoti tarmoqlari va hududlariga xorijiy, eng avvalo to`g`ridan-to`g`ri xorijiy investitsiyalarni jalb qilish" to`g`risida ta`kidlab o`tilgan. Buning uchun O'zbekistonni texnologik rivojlantirish va ichki bozorni modernizatsiya qilish bo'yicha kuchli milliy g'oya, milliy dastur kerak. Ushbu dastur O'zbekistonni jahondagi taraqqiy topgan mamlakatlar qatoriga tezroq olib chiqishga imkon yaratishi lozim.

Investitsiya – foyda(daromad) olish yoki ijtimoiy ehtiyojning qondirilishini taminlash maqsadida, davlatning jismoniy va yuridik shaxslar(investorlar) tomonidan cheklangan imkonyatlardan samarali foydalanib, cheklanmagan ehtiyojni qondirish uchun iqtisodiyotning turli sohalariga ma`lum muddatga sarflangan barcha turdagi boylikdir.

Mamlakatimizda olib borilayotgan chuqur islohotlardan so`ng mamlakatimiz qishloq xo`jaligini rivojlantirishga juda katta e`tibor berilyapti va juda katta loyihalar amalga oshiriliyapti. Xorijiy davlatlardan mamlakatimiz qishloq xo`jaligining barcha sohalarini rivojlantirish maqsadida investitsiyalar kiritilmoqda. Bu investitsiyalar asosan issiqxonalarni tashkil etish, intensiv bog`larni yaratish va shu kabi boshqa sohalarni tashkil etish uchun yo`naltirilmoqda.

O`zbekiston Respublikasini rivojlantirish yo`lidagi yana bir loyiha "qishloq xo`jaligida klaster tizimi" dir. Mamlakatimiz uchun juda katta foyda keltirishini ya`ni mamlakat budjeti, iqtisodiyoti, yangi ish o`rinlar yaratilishi, sanoatning rivojlanishi, inovatsion texnologiyalarni olib kirish va foydalanishga xizmat qiladi. Bu tizim haqida mamlakatimiz prezidenti Sh.Mirziyoyev "Klasterdan eng katta maqsad – sifat va daromad. Paxta yetishtirishni klasterlarga topshirsak, dala ishlari tizimli va o`z vaqtida bo`ladi, daromad oshadi" deb ta`kidlab o`tgan. Klaster tizimida jami bir qancha korxona faoliyati yo`lga qo`yiladi:

- Paxta xomashyosi va boshqa qishloq xo`jaligi ekinlarini yetishtirish agrokorxonasi;
- Paxta xomashyosini qayta ishlash korxonasi;
- Yog`-Moy mahsulotini ishlab chiqarish korxonasi;
- Tayyor to`qimachilik va tikuv buyumlarini ishlab chiqarish korxonasi;
- Chorvachilik kompleksi;
- Issiqxona kompleksi;
- Paxta poyasi va chorvachilik kompleksining mahaliy o`g`itlarini qayta ishlab chiqarish korxonasi;
- Tabiiy bo`yoqlar ishlab chiqarish korxonasi;

Paxta ekishdan to tayyor mahsulotgacha bo`lgan jarayonni yagona texnologik zanjirga birlashtirgan ushbu majmualar sohada innovatsion iqtisodiyotga o`tishning muhim bosqichi hisoblanadi. Bunda ilm-fan, ta`lim hamda ishlab chiqarish integratsiyasi chuqurlashadi, yangi innovatsion texnologiyalrni amaliyotga jadal joriy etishga qulay sharoit yaratiladi. Bu klaster tizmini respublikamiz bo`ylab qo`llash va undan samarali foydalanish, ishlab chiqarish tarmoqlarini ko`paytirish, eksportbob mahsulot ishlab chiqarishni tashkil etish zarur. Klaster tizimi mamlakatimizning ayrim hududlarida tashkil etilgan bo`lsada lekin klaster tizimi joriy 2018-yilda kutilgan natijani bermadi va ko`p xarajat qilib kam foyda oldi desak mubolag`a bo`lmaydi. Aynidamda klaster tizimini nafaqat qishloq xo`jaligida qo`llash balkim barcha sohalarda bu tizimni joriy etish va bu tizimga bosqichma – bosqich o`tish zarur deb o`ylayman. Chunki rivojlangan davlatlarning barchasi klaster strategiyasidan foydalanmoqda.

Yana shuni ta`kidlab o`tish lozimki hozirgi kunda qishloq xo`jaligiga investitsiya kiritish kabi jarayonlar hozirda shunchaki qog`oz shaklida qolib ketmoqda. Bundan tashqari qishloq xo`jaligining ayrim yirik loyihalari uchun ajratilayotgan investitsiyalar yoki davlat tomidan ajratilgan pul mablag`lari ayrim davlat tashkilotlarining suskashtliklari sababli oddiy kichik jarayon sifatida va amalga oshirilish muddatidan kechiktirilayotganligini ko`rishimiz mumkin. Bunday muamolarni hal qilish va mamlakatimiz qishloq xo`jaligini rivojlantirish uchun o`z takliflarimni bildirib o`taman:

- Respublika miqyosida klaster tizimini rivojlantirishda davlatning rolini ma`lum muddatda oshirish.

- Mamlakatimizning barcha hududlarida va sohalarida “Klaster strategiyasini” amalda qo`llash.
- “Klaster tizimi” ga imtiyozli kreditlar ajratish
- Qishloq xo`jaligida meteostansiyalarni o`rnatish ya`ni “smart farm” (aqlli ferma) g`oyasini mamlakatimizning hamma hududlarida amalga oshirish.
- Internet tarmog‘ida mahalliy va xorijiy investorlarni kerakli statistik axborotlar bilan ta’minlaydigan, biznes yuritish uchun yaratilgan sharoitlar haqida ma’lumot beradigan “Investitsiya portali” yaratish.

Foydanilgan adabiyotlar:

1. O`zbekiston Respublikasi Prezidentining Oliy Majlis Qonunchilik palatasiga qilgan murojatnomasi. 22.12.2017
2. 2017-2021 yillarda O`zbekiston Respublikasini rivojlantirishning 5 ta ustuvor yo`nalishi bo`yicha Harakatlar strategiyasini “Xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili” da amalga oshirishga oid Davlat dasturini o`rganish bo`yicha ilmiy – uslubiy risola
3. I.A. Karimov “O`zbekiston: milliy istiqlol, iqtisod, siyosat, mafkura” Toshkent: O`zbekiston, 1996
4. I.A. Karimov “Mamlakatni modernizatsiya qilish va iqtisodiyotimizni barqaror rivojlantirish yo`lida” Toshkent: O`zbekiston, 2008
5. Sh.M. Mirziyoyev “Tanqidiy tahlil qat`iy tartib – intizom va shaxsiy javobgarlik – har bir rahbar faolyatining kundalik qoidasi bo`lishi kerak” Toshkent: O`zbekiston, 2017
6. Sh.M. Mirziyoyev “Erkin va farovon, demokratik O`zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz” Toshkent: O`zbekiston, 2016
7. Sh.M. Mirziyoyev “Qonun ustuvorligi va inson manfaatlarini ta`minlash – yurt taraqqiyoti va xalq farovonligining garovi” Toshkent: O`zbekiston, 2017
8. Murtazo Rahmatov ”Klaster – integratsiya, innovatsiya va iqtisodiy o`sish”
9. N. Pardabekova Agrar munosabatlar va Agrobiznes Toshkent 2006
10. Xabar.uz , Daryo.uz , Wikipedia.org, Data.gov.uz

«ИНТЕРНАУКА»

Научный журнал

№3(85)
Январь 2019

Часть 3

В авторской редакции
Мнение авторов может не совпадать с позицией редакции

Подписано в печать 02.02.19. Формат бумаги 60x84/16.
Бумага офсет №1. Гарнитура Times. Печать цифровая.
Усл. печ. л. 4,75. Тираж 550 экз.

Издательство «Интернаука»
125009, Москва, Георгиевский пер. 1, стр.1
E-mail: *mail@internauka.org*

Отпечатано в полном соответствии с качеством предоставленного
оригинал-макета в типографии «Allprint»
630004, г. Новосибирск, Вокзальная магистраль, 3

16+

Свидетельство о регистрации СМИ:
ПИ № ФС 77 – 66258 от 01.07.2016